ЮСУФ МАХМУДОВ

КАШФИЁТЛАР ИХТИРОЛАР ГИПОТЕЗАЛАР НАЗАРИЯЛАР ҚОНУНЛАР ҚОНУНИЯТЛАР

қизиқарли 3078 саволга жавоб

ЮСУФ МАҲМУДОВ

КАШФИЁТЛАР
ИХТИРОЛАР
ГИПОТЕЗАЛАР
НАЗАРИЯЛАР
ҚОНУНЛАР
ҚОНУНИЯТЛАР

қисқарди

3078

саволга жавоб

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2017

УЎК: 54 (079.1)
КБК: 24я2
М 37

Республика нотиҷасларитирилган мусиқа ва санъат академик лицейи Педагогик Кенгашининг 2016 йил 26 мартдаги 4-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор Назар Йўлдошевич Турсунов тақризи асосида.

Махмудов, Юсуф

Кашфиётлар, ихтиролар, гипотезалар, назариялар, конунлар, конуниятлар. *(қисқартма 3078 сонли нитоб)* / Ю. Махмудов. – Тошкент: «Yangi nashr», 2017. - 496 б.

КБК: 24я2

ISBN 978-9943-22-278-6

Масъул муҳаррирлар: Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Жаҳон доирушунослар Конгресси аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор С. Искандаров; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, техника фанлари доктори, профессор М. М. Мухитдинов; педагогика фанлари доктори, профессор Х. Т. Омонов.

Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, биология фанлари доктори, профессор Ш. Хуррамов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Т. С. Орзикулов; техника фанлари номзоди, доцент Ж. Исакулов.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада физика, астрономия, астрофизика, астробиология, астрокимё, авиация, космонавтика, математика, кимё, геокимё, петрокимё, агрокимё, биология, агрофизика, агробиология, экология, геология, минералогия, география, метеорология, гидрология, геодезия, физиология, тиббиёт, техника, радиотехника, электротехника, электроника, фалсафа ихтисос, психология, археология, антропология, этнография, палеонтология, санъат, мусиқа, кинематографияга оид гипотеза, кашфиёт, ихтиро, назария, концепция, конун, конуният, постулат, теорема, лойиҳа, таклиф ва тавсиялар ҳақида қисқа, лўнда маълумот берилган.

ISBN 978-9943-22-278-6

© "Yangi nashr", 2017

Тақризчилар – профессор С. Турсунов; ЎзР ФА акад. П. К. Хабибуллаев; профессор Б. М. Мирзахмедов тарафидан ёзилган холисона фикрлар билан танишилди.

СЎЗБОШИ

Инсоннинг биосферадаги бошқа тирик мавжудотлардан фарқли жиҳатлари анчагина. Уларнинг орасида иккинчи сигнал системаси, яъни онгли фаолиятга ва ёзма ҳамда оғзаки нутқ муҳим ўрин эгаллайди. Психик фаолият олий даражада ривожланган миянинг бетакрор ва ҳеч нарса билан ўрин алмаша олмайдиган ноёб функцияси. Миянинг ноёб иш қобилияти эвазига бетакрор ва ўта ижобий ютуқлар қўлга киритилади. Иккинчи томондан, ана шу ақлий феноменнинг кўнгилсиз, баъзан дахшатли "хурмача" қиликлари аён бўлади. Ҳар қандай изкуварни доғда қолдириб, "сувдан қуруқ чиқадиган" айёрлар, товламачилар, ўғрилар, муттаҳамлар, мунофиқлар, таъмагирлар, қаллоблар, кўзбўямачилар, жиноятчилар, котиллар ва қонхўрлар ана шундай ноёб истеъдод эгаларининг негатив кўринишдаги пускаларидир.

Ҳар қандай сейфни кўз очиб юмгунча очиб ташлайдиган Милославский каби князлар, ашёвий далилларни "ютиб" юборадиган браконьерлар, тирик жонга қасд қилиб лаззатланадиган маньяк (одамхўр)лар бор-ку, бу оламда!? Кир, Доро, Кайхусрав, Чингизхон, Наполеон, Сталин, Гитлерлар фахм-фаросат, ақл-идрок, қобилият ва истеъдод борасида кўпчиликни лол қолдиришган. Лекин биз ҳаётга кора кўзойнак орқали бокмокчи эмасмиз. Ҳает деб аталмиш гўзал бўстонда ёвузлик устидан эзгулик, золимлик устидан инсонпарварлик, ноҳаклик устидан одиллик аксарият ҳолларда ғолиб келган.

Буюк француз олими Луи Пастер ўта хавфли касалликларга қарши эмлашни, машҳур инглиз олими Александр Флеминг антибиотикларнинг "отаси" – пенициллинни кашф

DENOV TAT URKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM № 30661

этилмаганида кутуриш, вабо, ўлат, менингит, сўзак, захм каби балои офатлар канча-канча одамларнинг ёстиғини бевақт қуритган бўлар эди. Томас Эдисон чўғланма лампани ихтиро қилмаганда инсоният бугунги кунгача кора чирокка сажда қилиб юрармиди, балки? Бенжамин Франклиннинг яшин қайтаргичи канча-канча инсонларнинг ҳаётини сақлаб колди.

Дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат, зеб-зийнат, бойлик ва бойваччалик, кибор ва мақтанчоқлик, инсоф ва ноинсофлик, очофатлик ва кўзи тўқлик, сўз гўймаслик ва сабр-қаноат, инсофни жиғилдонга сотмаслик, шукроналик ва сабоватсизлик, дилхушлик ва вайронакўнгиллик, нафсни тия билиш ва бехаёлик каби жуда кўп масалалар инсон зотига позитив ёки негатив, ижобий ёки салбий, яхши ёки ёмон баҳо кўйишида мезон бўла олади.

Ким ёки нима, оқ ёки кора, халол ёки харом, пур ва соя, қаттиқ ва юмшоқ, узун ва киска, новча ёки пакана, семиз ёки котма, хушбўй ёки бадбўй, гўзал ёки хунук – буларнинг хаммасига жавоб топиш асносида инсоният кўп хато ва камчиликлар синовидан ўтди, ўз машаккатларини енгиллатиш йўлида минглаб, балки миллионлаб йиллар изланди, топди ёки йўқотди, меҳнатига яраша роҳат кўрди ёхуд бевақт қурбон бўлди. Кашфиётлар, янгиликлар, ихтиролар ва бошкалар инсон зотига баъзан жуда кимматга тушган, кўп йўқотишлар, янглишишлар, хатолар, камчиликлар, тушунмовчиликлар, хуллас, юғуқ ва мағлубиятлар эвазига унинг жавохирлар хазинасига кўчмас мулк сифатида жамгарилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, беназир ва бетакрор Абдулла Каххор "Бир парча пўлатдан қаҳрамонга қилич ёки эшакка така ясаш мумкин" деганида шакдар хак эди. Кашфиётлар ва ихтиролар, янгиликлар ва топилмаларнинг самарасидан ким қандай тарзда фойдаланишида барча қилган гап!

Барча ихтирочи ва кашфиётчилар ўзига хос фидойи ва инсонпарвар одамлар бўлишган, чунки улар одам боласининг машаккатли турмуш тарзидан, азоб-укубатли ҳаёт сахнасидан уларга енгиллик бериш, яшаш йўлини енгиллаштириш

максадида меҳнат қилишган, хатто лозим бўлганида ўзларини фидо ҳам қилганлар.

Бугунги одамзод вакиллари биз эса уларнинг меҳнати самарасидан ўз манфаатимиз йўлида фойдаланиб келмокдамиз, холос! Баъзан бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаймиз – биз тайёрга айёрлар тарзида ҳаёт кечираётганлигимизни...

Ўзбекистон халқ шоири ва Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов тўғри таъкидлаганидек,

"Бозорга ўхшайди асли бу дунё,
Бозорга ўхшайди унда ҳам маъно.
Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло,
Молим ёмон деган бирор кимсани."

Ёки халқона услубда ижод қилган шоиримиз Садриддин Салим Бухорий ёзганидек,

"Иллат излаганга иллатдир дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдир дунё.
Ким нени изласа топгай бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё."

Классик механиканинг отаси, буюк инглиз физиги Исаак Ньютон топиб айтганидек, гигантлар елкасида ўтирганлар, улар кўра олмаган уфқ (горизонт)ни кўра оладилар.

Бугунги одам авлоди тайёрга айёр тарзида не-не буюк зотларнинг уйқусиз тунлари, халоватсиз кунлари эвазига қилган меҳнатлари натижасидан бахраманд бўлмокдамиз.

Биз учун холис меҳнат қилганлардан ўтганларнинг охиратлари обод, рухлари шод, орамизда яшаб юрганларнинг эса умрлари зиёда бўлсин!

"Юртдошим, боғингга бир ниҳол када,
Бу ниҳол номини яхшилик ата.
Ниҳолнинг ёнига бир гул экиб кўй,
Бу гулнинг номини гўзаллик деб кўй.

Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва сувга меҳр деб қўй от.
Сендан фарзандинга боғ колсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст!

(Эркин Воҳидов – Ўзбекистон халқ шоири ва Ўзбекистон Қаҳрамони)

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор Назар Йўлдошевич Тўраев; Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Жаҳон доришунослар Конгресси аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор Саъдулла Искандаров; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, Ўзбекистон ва Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, техника фанлари доктори, профессор Мухсинжон Мўминович Муҳитдинов; педагогика фанлари доктори, профессор Ҳожиқул Тоибоевич Омонов; педагогика фанлари доктори, профессор У. Ш. Бегимқулов; педагогика фанлари доктори, профессор Барно Сайфиддиновна Абдуллаева.

Ал-жабр каби ахлоқда ҳам тўғри
чизиқ – бу энг қисқа йўл.
М. Энсворт

1. Авиценнит минерали нечанчи йилда дунёда биринчи марта қайси рус олимаси томонидан қайси тоғларда оксидланиш зонасида темир – карбонатли ергомирдан топилган? **1956 йилда Х. Н. Карпова томонидан Зирабулоқ тоғларида (Узумли қишлоғи якинида) топилган.**

2. Агрокимё шаклланишида қайси немис кимёгарининг ўсимликларнинг минерал озикланиши ҳакидаги таълимоти муҳим аҳамиятга эга бўлган? **Ю. Либих (1803-1873)нинг таълимоти муҳим аҳамиятга эга бўлган.**

3. Агрокимёвий тажриба (биринчи)ларда экинларда ўғитларни қўллаш масалалари қайси олимлар томонидан ўрганилган? **Р. Р. Шредер, М. М. Бушуев, И. К. Негодиов томонидан ўрганилган (1906 - 1928 йилларда 121 марта тажриба ўтказилган).**

4. Агрокимё фанини Ўзбекистонда ривожлантиришда қайси ўзбек ва ўзбекистонлик олимларнинг ишлари муҳим аҳамиятга эга? **Б. М. Исаев, М. А. Белоусов, Н. Н. Зеленин, Т. С. Зокиров, Б. П. Мачигин, И. Н. Ниёзалиев, П. В. Протасов, Т. П. Пирохунов, Г. И. Яровенко ва бошка олимларнинг ишлари муҳим аҳамиятга эга.**

5. Агроном олим, давлат арбоби, ЎзФА акад (1952), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964) Мирзаали Валиевич Муҳаммаджонов (1914.1.12-Боғдод тумани, Конизар кишлоғи – 2000.18.3)нинг илмий ишлари кандай масалаларга бағишланган? **Гўза, маккажўхори, беда ва кишлоқ хўжалик экинлари биологияси, агротехникаси, алмашлаб экиш, суғориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш, суғорма интенсив деҳқончилик, шунингдек, кишлоқ хўжалик иктисодиёти масалаларига бағишланган.**

6. Адабиетга "Интернационал" ("байналминал") тушунчасини қайси инглиз файласуфи, ахлокшуноси киритган? **Иеремия Бентам (1748.15.2 –Лондон – 1832.6.6.) киритган.**

7. Адмиралтейство оролларини нечанчи йилларда қайси испан денгизчиси кашф этган? **1527-1529 йилларда А. Сааведра кашф этган.**

8. Азеотроп аралашмаларининг мавжудлигини биринчи марта нечанчи йилда қайси инглиз кимегари ва физиги аниқлаган? **1810 йилда Ж. Дальтон аниқлаган.**

9. Азобензолни нечанчи йилда қайси немис кимегари топган? **1834 йилда Э. Митчерлих топган.**

10. Азотни биринчи марта нечанчи йилда қайси инглиз физиги ажратиб олган? **1772 йилда Э. Резерфорд ажратиб олган.**

11. Акад. В. И. Вернадский ва А. П. Виноградов асос солган методни Ўзбекистонда биринчи марта қайси олимлар қўллашганлар? **М. А. Риш, В. И. Ездаков, И. Х. Хамрабоев, Д. И. Малюга, Р. М. Толиповлар қўллашганлар.**

12. Активацион таҳлил, радиоактивацион таҳлил – модданинг сифати ва миқдорий таркибини аниқлаш усули бўлиб, нечанчи йилда қайси олимлар бу усулни таклиф этишган? **1936 йилда Д. Хевеши ва Г. Леви таклиф этишган.**

13. Ализарин моддаси биринчи марта нечанчи йилда қайси немис кимегарлари томонидан синтез қилинган? **1869 йилда К. Гребе ва К. Т. Либерман томонидан синтез қилинган.**

14. Алкалоидлардан морфинни нечанчи йилда қайси немис аптекари биринчи марта кўкнори ширасидан ажратиб олган? **1806 йилда Сертюрнер ажратиб олган.**

15. Алкалоидлардан стрихнин, хинин, кофеин, атропин, эфедрин ва бошқалар нечанчи асрда ажратиб олинган? **XIX асрда ажратиб олинган.**

16. Алкалоидлардан 1000 дан зиёд табиий ва сунъий йўл билан качон олинган? **XX асрнинг 60-йилларида олинган.**

17. Алкалоидлар акад. С. Ю. Юнусов кашф этган қонуниятга кўра, ерга баҳорда ўсимликнинг қайси қисмларидан, куз фаслида бир йиллик ўсимликларнинг қайси аъзосида, кўп йиллик ўсимликларнинг ер усти қисмларига, куз фаслида бир йиллик ўсимликларнинг уруғида, кўп йиллик ўсимликларнинг эса пиёзи, илдизи ва уруғига ишқор жихатидан энг кўп йиғилади? **Эрта баҳорда ўсимликнинг ер усти**

қисмларида, куз фаслида бир йиллик ўсимликларнинг уруғида, кўп йиллик ўсимликларнинг эса пиёзи, илдизи ва уруғида миқдор жихатидан энг кўп йиғилади.

18. Алкалоид 1943-1993 йилларда Ўзбекистон ФА Ўсимликлар моддалари кимёси институтида акад. С. Ю. Юнусов раҳбарлигида 29 оилага мансуб 266 та ўсимлик тури ўрганилиб, улардан нечта алкалоид ажратиб олинган? **913 та алкалоид ажратиб олинган.**

19. Алкалоидларнинг нечта янги турли гуруҳларга кирувчиларининг тузилиши аниқланган? **518 та янги турли гуруҳларга кирувчиларининг тузилиши аниқланган.**

20. Альдол конденсатланиш, альдол конденсация – икки молекула альдегиднинг ўзаро бирикиб, таркибида альдегид ва алкоголь гуруҳи бўлган моддалар, яъни альдегидлар ҳосил қилиши бўлиб, илк бор нечанчи йилда қайси немис кимегари томонидан кашф қилинган? **1872 йилда А. Вюрц томонидан кашф қилинган.**

21. Алюминийни биринчи марта нечанчи йилда қайси физик олим топган? **1825 йилда Х. К. Эрстед топган. Алюминий табиатда соф ҳолда учрамайди, лекин унинг энг кўп учрайдиган бирикмалари: алюмосиликатлар (мас., тупроқнинг асосий қисми бўлган алгомосиликат, каолин, андалузит минерали), корунд (алюминий оксид) ва боксит (Al_2O_3)ни криолит (Na_3AlF_6) билан суюқлантириб, электролиз қилиш йўли билан олинади.**

22. Алюминотермия, алюмотермия (баъзи металлар ва қотишмалар олиш) усулини нечанчи йилда қайси рус кимегар олими кашф қилган? **1859 йилда Н. Н. Бекетов кашф қилган.**

23. Америкалик қайси зоолог, генетика асосчиларидан бири, АҚШ Миллий ФА президенти (1927-1931), Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1919 йилдан), Нью-Йоркдаги Колумбия университети проф. (1904-1928), Нобель мукофоти лауреати (1933) ва унинг ходимлари томонидан хромосомалар чалкашуви ва кроссинговер ҳодисасининг кашф этилиши Мендель қонунларининг цитологик механизмини тўлиқ тушуниб, табиий танланиш назарияси моҳиятини тушунтиришга имкон берган? **Морган Томас Хант (1866.25.9-1945.4.12) тушунтиришга имкон берган.**

24. Америкалик иқтисодчи, 1950 йилдан Йель университети проф., Нобель мукофоти лауреати (1981) Тобик Жеймс А. (1918-2000)нинг тадқиқотлари қайси назарияларни мукаммалрок ишлаб чиқишга бағишланган? **Ж. М. Кейнс назариясини янада такомиллаштириш, макроиқтисодий ва пул назарияларини мукаммалрок ишлаб чиқишга бағишланган.**

25. Америкалик иқтисодчи, иқтисод доктори (1951), Стенфорд (1949-1968) ва Гарвард (1968-1974) университетлари проф., АҚШ Миллий ФА. Эконометрика жамияти аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1971) Эрроу Кеннет Жозеф (1921, Нью-Йорк)нинг тадқиқот доираси кенг бўлиб, унинг асарларида қандай масалалар кўпрок тахлил этилган? **Бошқариш назарияси, илмий-техника тараққиёти иқтисодиёти, айниқса, иқтисодиётда математик усулларини қўллаш билан боғлиқ масалалар кўпрок тахлил этилган.**

26. Америкалик иқтисодчи, Калифорния университети проф. (1968-1979), АҚШ Эконометрика жамияти президенти (1985), Америка иқтисодий уюшмаси вице-президенти (1994), Нобель мукофоти лауреати (2000) Мак-Фадден Дэниел (1937.29.7, Роли, АҚШ)нинг тадқиқот ишлари нималарга бағишланган? **Ишлаб чиқариш назарияси, иқтисодий тахлил ва математик усулларни иқтисодиётда қўллаш, эконометрика, микроэконометрика, иқтисодий ўсиш ва ривожланиш, транспорт, энергетика ва соғликни сақлаш, ташқи мухитни мухофаза қилиш иқтисодиёти ва бошқа замонавий микроиқтисодий тахлилнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган.**

27. Америкалик иқтисодчи, 1940 йилдан Массачусетс технология институтида проф. ассистенти, 1966 йилдан бошлаб ўқитувчилик билан бирга давлат муассасаларида маслаҳатчилик хам қилган, Нобель мукофоти лауреати (1970) Пол Элтони Самуэльсон (1915.15.5, Гэри, АҚШ, Индиана штати)нинг қайси назарияларга мухим хисса қўшган? **Иқтисодий динамика назарияси, иқтисодий цикллар назарияси, истеъмолчи талаби назарияси, фаровонликнинг иқтисодий назарияси, халқаро иқтисодиёт назариясига мухим хисса қўшган.**

28. Америкалик иқтисодчи, 2013 йилдан бошлаб Аризона давлат университетида проф., Нобель мукофоти лауреати (2004, Ф. Кидланд билан бирга) Прескотт Эдвард (1940, АҚШ, Нью-Йорк)нинг илмий ишлари қандай муаммоларга бағишланган? **Динамик макроиқтисодиёт, иқтисодий сиёсат ва циклли тебранишлар, иқтисодий сиёсат стратегиясида қисқа хамда узок муддатли мақсадлар муаммоларига бағишланган.**

29. Америкалик иқтисодчи, Чикаго университети проф. (1977 йилдан), Нобель мукафоти лауреати (2000, Д. Макфадден билан бирга) Жеймс Хекман (1944.19.4, Чикаго)нинг илмий ишлари нимани шакллантириш муаммоларига бағишланган? **Мехнат ресурслари, ахолишунослик, "инсоний потенциал", давлат сиёсати, микроэконометрия сохасида микро маълумотларни статистик тахлил усуллари, хусусан, статистик танламани шакллантириш муаммоларига бағишланган.**

30. Америкалик иқтисодчи, Чикаго (1965 йилдан), Гарвард (1975 йилдан) университетлари проф., Нобель мукофоти лауреати (1993) Роберт Фоужел (1926.1.7, Нью-Йорк)нинг тадқиқот ишлари қандай масалаларга бағишланган? **Узок даврларнинг иқтисодий тарихини моделлаштириш, янги технологияларнинг иқтисодий ривожланишга таъсири, иқтисодий демография масалаларига бағишланган.**

31. Америкалик иқтисодчи, Гарвард университетида докторлик илмий даражасини олган, Мэриленд университети проф. (1999), Нобель мукофоти лауреати (2005) Томас Шеллинг (1921, АҚШ, Мэриленд)нинг илмий ишлари қандай муаммоларга бағишланган? **Харбий стратегия, атроф мухитни мухофаза қилиш сиёсати, иқлим ўзгариши, терроризм, уюшган жиноятчилик, хорижий мамлакатларга ёрдам ва халқаро савдолашиш муаммоларига бағишланган.**

32. Америкалик иқтисодчи, Корнелл университетининг физика бўйича магистри (1966), 1969 йилда иқтисодиёт назарияси (эконометрика) бўйича докторлик илмий даражасини олган, Нобель мукофоти лауреати (2003) Роберт Энгл (1942) (Сиракузи, Нью-Йорк штати)нинг илмий ишлари қандай

конунятларини ўрганишга бағишланган? **Турли иқтисодий кўрсаткичларнинг узоқ муддатли ўзгаришлари қонуниятларини ўрганишга бағишланган.**

33. Америкалик иқтисодчи, социология доктори (1948), проф., "Ахборотлар иқтисодиёти асосчиси". Нобель мукофоти лауреати (1994, Р. Селтен ва Ж. Нэш билан бирга) Жон Харсани (1920.29.5, Будапешт-2000)нинг илмий ишлари нимага бағишланган? **Ўйинлар назариясига бағишланган (нокооператив ўйинлар, тўла бўлмаган ахборотлар шароитидаги ўйинлар), 1958 йилда Станфорд университети (АҚШ)да ўйинлар назарияси бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.**

34. Америкалик иқтисодчи, 1961-1963 йилларда АҚШ Президентининг иқтисодий маслаҳатчиси, Нобель мукофоти лауреати (1987) Роберт Мертон Солу (1924.23.8, АҚШ, Нью-Йорк) иқтисодий ўсишнинг қандай усулларини яратган? **Неокейнсчиликнинг айрим қарашларини танқид қилиш асосида иқтисодий ўсишнинг неоклассик назариясини ривожлантирган ва уни ҳисоблаш усулларини яратган.**

35. Америкалик иқтисодчи, Нобель мукофоти лауреати (1978) Герберт Александр Саймон (1916.15.6, АҚШ, Милуоки, Висконси штати - 1985)нинг илмий тадқиқот ишлари нималарга бағишланган? **Ҳозирги замон иқтисодиёт фанининг ташкилот (фирма)ларда қарорлар қабул қилиш назарияси, менежмент, эвристик дастурлаштириш соҳаларига бағишланган.**

36. Америкалик иқтисодчи, иқтисодиёт доктори (1930), 1943 йилдан бошлаб деярли 40 йил Чикаго университети проф., Нобель мукофоти лауреати (1979, А. У. Льюис билан ҳамкорликда) Теодор Шульц (1902, АҚШ, Жанубий Дакота – 1998)нинг асосий тадқиқотлари нимага бағишланган? **Қишлоқ хўжалик ва таълим иқтисодиётига бағишланган.**

37. Америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1910 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1972) Уильям Хоуард Стайн (Стейн) (1911.25.6-1980.2.2)нинг илмий ишлари қандай модлалар тузилишини ўрганишга оид? **Оксил модалар.**

38. Америкалик назариётчи физик, Нобель мукофоти лауреати (1977, Ф. Андерсон ва Н. Мотт билан биргаликда) Ван Флек Жон Хасбрук (1899.13.3, Миултаун - 1980)нинг илмий ишлари нимага оид? **Магнетизм ва каттиқ жисмнинг квант назариясига оид.**

39. Америкалик физиолог ва биофизик, АҚШ Миллий ФА аъзоси, проф., Нобель мукофоти лауреати (1967, Р. Гранит ва Ж. Уолд билан ҳамкорликда) Холден Кеффер Хартлайн (1903.22.12-1983)нинг илмий ишлари нимага оид? **Бўғимоёқлилар кўзидаги айрим асаб (нерв) хужайраларининг биоэлектр потенциалларига оид.**

40. Америкалик биокимёгар Жорж Эмиль Паладе (1912.19.11, Ясси шаҳри, Руминия) (миллати румин), 1946 йилдан АҚШда, Нобель мукофоти лауреати (1974)нинг асосий ишлари нимага оид? **Ҳужайраларнинг ультра тузилишини электрон-микроскоп остида текширишга оид.**

41. Америкалик тиббиёт ходими (медик) 1957-1962 йилларда Хьюстондаги Бейлер университети тиббиёт коллежида физиология ва биокимё бўйича проф. ёрдамчиси, Нобель мукофоти лауреати (1977, Р. Гиймен ва Р. С. Ялоу билан ҳамкорликда) Эндрю Виктор Шалли (1926.30.11)нинг илмий фаолияти нимага оид? **Гипоталамик рилизинг – гормонларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишга оид.**

42. Америций қачон плутоний (^{239}Pu)ни нейтронлар билан нурлантириб, синтез қилинганда ҳосил қилинган? **1944 йил охири –1945 йил бошларида** ҳосил қилинган.

43. Амилазаларнинг ферментатив таъсирини қайси рус акад. биринчи марта нечанчи йилда тасвир этган? **К. С. Кирхгоф 1814 йилда униб чиққан арпа уруғлари экстракти таъсирида крахмалнинг шакарланиши (амилазаларнинг ферментатив таъсири)ни тасвир этган.**

44. Аминлар (алифатик)ни нечанчи йилда қайси олим кашф қилган? **1849 йилда** А. Ш. Вюрц кашф қилган

45. АНТ – А. Н. Туполев раҳбарлигида нечанчи йилларда яратилган самолётларнинг умумий номи бўлиб, улар қайсилар? **1922-1940 йилларда яратилган бўлиб, улар: АНТ-1, АНТ-2, АНТ-3, АНТ-4, АНТ-9, АНТ-20, АНТ-25 ва бошқ. А харфи конструктор исмининг, Н-отаси исмининг, Т-фамилиясининг бош харфи.**

46. Анилинни биринчи марта нечанчи йилда кайси олим индигони охак билан бирга хавфсиз киздириш йўли билан олган ва "кристаллин" деб атаган? **1826 йилда О. Уофердорбен атаган.**

47. Анилин деб нечанчи йилда кайси олим индигога ўювчи ишкор таъсир эттириб олган моддани номлаган? **1841 йилда Ю. Ф. Фрише.**

48. Анилинни нечанчи йилда кайси рус олими нитробензолни $(NH_4)_2SO_3$ таъсирида кайтариш реакцияси оркали синтез килган ва уни "бензидом" деб номлаган? **1842 йилда Н. Н. Зинин номлаган.**

49. Антрацен биринчи марта нечанчи йилда тошкўмир смоласи таркибида топилган? **1832 йилда топилган.**

50. Аспарагин кислотани биринчи марта нечанчи йилда кайси олим контлутин ва легумин оксилларидан ажратиб олган? **1868 йилда Г. Ритхаузен ажратиб олган.**

51. Астат элементи нечанчи йилда висмутни α-заррачалар билан парчалаш натижасида кашф этилган? **1940 йилда кашф этилган.**

52. Аустенит кайси инглиз тадкикотчиси номига кўйилган? **Р. Аустен (1843-1902) номига кўйилган.**

53. Ацетилен нечанчи йилда кашф этилган? **1836 йилда кашф этилган.**

54. Ацетиленни биринчи марта нечанчи йилда кайси француз кимёгари кўмир ва водороддан синтез килган? **1862 йилда М. Бертло Пьер Эжен Марселен (1827.25.10-1907.18.3) кўмир ва водороддан синтез килган.**

55. Ацетиленни кайси немис олими нечанчи йилда кальций карбиддан куйидаги реакцияга асосан, олиш мумкинлигини кўрсатиб берган: $CaC_2 + 2H_2O = C_2H_2 + Ca(OH)_2$? **Ф. Вёлер 1862 йилда кўрсатиб берган.**

56. Ацилаш реакцияларини ўрганиш ва улардаги конуниятларни аниклашга кайси Ўзбекистон ФА акад. ва унинг шогирдлари катта хисса кўшган? **Ўзбекистон ФА академик И. П. Цукерваник ва унинг шогирдлари катта хисса кўшган.**

57. Аширит каердан нечанчи йилда топиб келган каерлик кайси савдогарнинг номига кўйилган? **Марказий Қозогистондаги Олтинтепа кони ёнидан бу минералнинг 1785 йилда катта кристаллини топиб келган бухоролик савдогар Амир Мухаммаднинг номига кўйилган.**

Бугун кечани кун учун
кўп вақт ажратма.
Х. Т. Ойнов

58. Баббитларнинг калайли котишмасини биринчи марта нечанчи йилда тайёрлаган кайси америка мухандиси шарафига шундай аталган? **1839 йилда И. Баббит (1799-1862) шарафига шундай аталган.**

59. Барийни кайси швед кимёгари нечанчи йилда кашф этган? **Карл Вильгельм Шееле BaO шаклида 1774 йилда кашф этган.**

60. Барий (металл)ни кайси инглиз кимёгари нечанчи йилда кандай йўл билан олган? **Г. Деви 1808 йилда электролиз йўли билан олган.**

61. Бендизинни биринчи марта нечанчи йилда кайси рус олими гидразобензолни анорганик кислоталар билан киздириб олган? **1845 йилда Н. Н. Зинин олган.**

62. Бензолни нечанчи йилда кайси инглиз олими ёнувчи газ конденсатидан ажратиб олган? **1825 йилда М. Фарадей ажратиб олган.**

63. Бензол (тоза)ни нечанчи йилда кайси немис олими кальций бензоатни курук хайдаб олган? **1833 йилда Э. Митчерлих олган.**

64. Бензол учун нечанчи йилда кайси немис олими 3 оддий ва 3 кўш богдан иборат 6 атомли халка шаклидаги формула таклиф килган? **1865 йилда Ф. А. Кекуле таклиф килган.**

65. Берилл минералидан кайси француз кимегари нечанчи йилда ажратиб олинган оксидини BeO шаклида топган? **Л. Воклен 1798 йилда (берилийнинг номи хам шундан).**

66. Берилийни биринчи марта нечанчи йилда бир-биридан мустакил холда металл (соф) холда кайси олимлар олишган? **1828 йилда Ф. Вёлер билан А. Бюсси олишган.**

67. Берклийнинг β-нурланувчи, ^{247}Bk ни каерлик олимлар нечанчи йилда циклотронда америций оксиди $^{241}Am_2O_3$

га α-пурлар тушириш йўли билан синтез қилишган? **Америкалик олимлар 1949 йилда синтез қилишган.**

68. Бижғиш жараёни ферментлар иштирокида рўй беради деб, нечанчи асрда кайси олим айтган? **XVI асрда Гельмонт Вант айтган.**

69. Бижғиш бир хужайрали тирик микроорганизмлар иштирокида рўй беради, деб качон кайси олимлар тушунтиришганлар? **XIX асрнинг 30-йил-ларида де Латур Каньяр, Шван ва Кютинглар тушунтиришганлар.**

70. Бижғишни факат кайси олим илмий асосда тўғри тахлил килиб, бижғиш микроорганизмлардан моддалар алмашинуви натижаси, деган фикрни исботлаган? **Луи Пастер илмий асосда тўғри тахлил килиб исботлаган.**

71. Биогенез терминини качон ким фанга киритган? **XIX аср ўрталарида Т. Гексли фанга киритган.**

72. Биогенетик қонун кайси олим томонидан нечанчи йилда тавсифланиб берилган? **Э. Геккель. томонидан 1866 йилда тавсифланиб берилган.**

73. Биогенетик конуннинг филоэмбриогенез концепциясини кайси рус олими ишлаб чиккан? **А. Н. Северцов ишлаб чиккан.**

74. Биогеокимё кандай организмлар иштирокида Ер биосфераларда кимёвий элементларнинг айланишини ўрганадиган фан бўлиб, бу тушунчани фанга кайси рус олими киритган? **Тирик организмлар айланишини ўрганадиган фан бўлиб, бу тушунчани фанга В. И. Вернадский киритган.**

75. Биогеокимёвий провинцияларни Ўзбекистонда биринчи бўлиб кайси олим нечанчи йилда ўрганган? **М. А. Рив 1960 йилда ўрганган.**

76. Биокимёгар, ЎзФА акад. (2000), Андижон педагогика институти ректори (1976-1992), Андижон университети ректори (1993-1995), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосари (1995-2000) Акмалжон Қосимов (1937.20.2, Шахрихон ш.-2004.23.6, Тошкент)нинг илмий ишлари нималарга бағишланган? **Радиоактив нурланиш, металларнинг ультрадисперсиялик кукуни, паст харорат ва тузларнинг хужайра хамда организмдаги физиологик ва биокимёвий жараёнларга таъсирини ўрганишга бағишланган.**

77. Биолог, биофизик олим, ЎзФА акад. (1987), ЎзР ОАК раиси (1992-1995), ЎзФА Президиуми аъзоси (1995-1997), Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989), атокли езувчи Ойбекнинг ўғли Бекжон Ойбекович Тошмухамедов (1935.27.1, Тошкент)нинг илмий ишлари кайси муаммоларни ўрганишга оид? **Мембраналарнинг хосил бўлиши ва уларнинг бошкарувчанлик роли, токсинлар, гормонлар, пестицидлар, феромонлар, дефолиантлар ва бошк. биологик фаол моддаларнинг мембранага таъсир қилиш механизмини ўрганиш муаммоларига оид.**

78. Биринчи кристаллик фермент (уреаза), сўнгра пепсин ва бошка бир катор протеолитик ферментларни кристалл шаклида качон Ж. Самнер ажратиб олган? **XX асрнинг 20–30-йилларида Ж. Самнер ажратиб олган.**

79. Бирунит нечанчи йилда Ўзбекистоннинг кайси тоғларидаги конидан топилган ва кайси ўзбек олими номи билан аталган? **Қорамозор тоғларидаги Кўргошинкон конидан топилган ва ўзбек олими Абу Райхон Беруний номи билан аталган.**

80. "Бобурнома" да гирифт, бидратма, дириллама, рездутор, танбур, чанг сингари торли созларда ишлатиладиган ижро усулини қонун созининг машҳур ижрочиси кайси бастакор нечанчи асрда ихтиро этганлиги таъкидланади? **Хўжа Абдуллох Марварид XVI асрда ихтиро этганлиги таъкидланади.**

81. Борни нечанчи йилда биринчи марта кайси олимлар бор ангидриди B_2O_3 ни металл холдаги калий иштирокида киздириш усули билан олишган? **1808 йилда Ж. Гей-Люссак ва Л. Тенар олишган.**

Вакти келиб фан хаёлдан ўтиб кетади.

Жюль Верн

82. Ванадийни кайси мексикалик минералог кўнғир кўргошин рудасида топган? **А. М. дель-Рио топган.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
...ARM
30662

83. Ванадий нечанчи йилда кайси швед кимёгари темир рудасида янги элемент топиб, уни скандинавиялик гўзаллик худоси номи билан атаган? **1830 йилда Н. Г. Сефстрём атаган.**

84. Варисний, варис бурмаланиш терминини кайси немис олими фанга киритган? **Э. Зюсс фанга киритган.**

85. Венгер физиги Дьерд (Жорж) Бекеши (1899-1972) кайси иши учун Нобель мукофоти лауреати (1961) бўлган? **Ички қулоқдаги кўзғалишнинг физик механизмини ишлаб чиккани учун Нобель мукофоти лауреати (1961) бўлган.**

86. Вертолётсозлик сохасидаги кайси рус конструктори, Меҳнат Қаҳрамони (1972), техника фанлари доктори (1952), вертолётсозлик бўйича тажриба конструкторлик бюроси бош конструктори (1940 йилдан), ўқдош схемадаги вертолётлар курилиши асосчиларидан (ўқдош схемадаги вертолётда винт карама-карши томонга кандай русумли винт канотли (самолёт билан вертолетнинг уйгунлашуви), аэрочана яратган? **Камов Николай Ильич [1902.1(14).9-1973.24.11] Ка-8, Ка-10, Ка-15, Ка-18, Ка-25 ва Ка – 26 русумли вертолётлар; Ка-22 русумли винт-канотли, аэрочана яратган.**

87. Вертолетнинг биринчи расми кайси итальян олими кўлёзмаларидан бирида топилган? **Леонардо да Винчи кўлёзмаларидан бирида топилган.**

88. "Вирус" тушунчаси биринчи марта кайси голланд ва немис генетиклари ишларида учрайди? **Голланд М. Бейеринк [1898] ва немис генетиги Э. Баур (1904) ишларида учрайди.**

89. Витаминларни ўрганишга кайси инглиз врачи, француз физиологи, рус врачи, голланд врачи, инглиз олими нечанчи йилларда жуда катта хисса кўшганлар? **Инглиз врачи Ж. Линд (1757), француз физиологи Ф. Мажанди (1816), рус врачи Н. И. Лунин (1880), голланд врачи Эйкман (1897), инглиз олими Ф. Хапкинс (1906)лар ўрганишга жуда катта хисса кўшганлар.**

90. Виттиг реакцияси альдегидлар ёки кетонларга фосфор илидлари (алкилиденфосфоранлар) таъсир эттириб, кандай моддалар олиш? **Олефинлар олиш. Г. Виттиг кашф этган (1954).**

91. Водородни нечанчи йилда кайси инглиз кимёгари ажралаётган газни йигиб текшириб, "алангаланувчи хаво" деб атаган ва ана шу газ флогистон бўлса керак, деб ўйлаган? **1766 йилда Генри Кавендиш (1731.10.10-1810.24.2).**

92. "Водород" (русча) номини нечанчи йилда кайси рус олими таклиф этган? **1824 йилда М. Ф. Соловьев таклиф этган.**

93. Вольфрамни нечанчи йилда кайси швед кимёгари тунгстен минерали (кейинрок эса шеелит)дан вольфрам ангидриди WO_3 сифатида кашф этган ва ажратиб олган? **1781 йилда Карл Вильгельм Шееле ажратиб олган.**

94. Вольфрам деб нечанчи йилда кайси испан кимёгарлари ака-ука WO_3 ни вольфрамит минералидан ажратиб хамда WO_3 ни углерод билан кайтариб, металлнинг ўзини олишда ва уни аташди? **1783 йилда ака-ука д'Эдуярлар аташди.**

Ган ўкиш усулларида эмас, балки ўқиш ва билим олиш йўлидаги кайнок мухаббатдадир.

Н. А. Рубакин

95. Галолиний нечанчи йилда кашф этилган? **1880 йилда кашф этилган.**

96. Галлийни нечанчи йилда кайси француз кимёгари кашф килган, Францияниг лотинча номи асосида "кима" деб атаган? **1875 йилда де-Буабодран Лекок кашф килган, "галлий" деб атаган.**

97. Гальваник элементдаги электр юритувчи куч (ЭЮК) моҳиятини тушунтириш учун энергиянинг сакланиш конуни кашф килингандан сўнг В. Нерст ишларида тўла-тўкис ифодаланган кайси назария олга сурилди? **Кимёвий назария олга сурилди. Бу назарияга мувофик, гальваник элементдаги электр энергиянинг манбаи металл электрод ва электролит эритманинг манбаи металл электрод ва электролит эритмалари чегараларида содир бўладиган кимёвий реакциялар энергиясидир. Гиббс – Гельмгольцнинг термодинамик тенгламаси гальваник элемент ЭЮКни реакциянинг иссиклик эффекти ва харорат би-**

лан боғлаш имкониятини, Нернст тенгламаси (1888) эса ЭЮКнинг электролит концентрациясига термодинамик боғлиқлигини кўрсатади кейинчалик Нернст назарияси баъзи ҳолларда амалиётга тўғри келмаслиги аниқланган. XX асрнинг 30-40-йилларда А. Н. Фрумкин Вольта ва Нернст ишларини ривожлантириши натижасида гальваник элемент ЭЮК пайдо бўлиш механизмининг тўғри ечимини топган.

98. Гаттерман – Кох реакциясини нечанчи йилда қайси немис кимёгарлари кашф этган? **1897 йилда Л. Гаттерман билан Ю. Кох кашф этган.**

99. Гафний элементини эркин ҳолда нечанчи йилда қайси Голландия ва Венгрия олимлари олишган? **1923 йилда Д. Костер ва Г. Хевеши олишган.**

100. Гексаметилентетраминни биринчи марта қайси рус кимёгари нечанчи йилда NH_3 ва полиформальдегиддан синтез қилган? **А. М. Бутлеров 1861 йилда синтез қилган.**

101. Гелийни нечанчи йилда қайси инглиз кимегари радиоактив клевеит минералидан олишга муваффақ бўлган? **1895 йилда У. Рамзай муваффақ бўлган.**

102. Гельминтлар терминини қайси олим биринчи марта фанга киритган? **Гиппократ фанга киритган.**

103. "Генетик фонд" терминини фанга қайси рус олими нечанчи йилда киритган? **А. С. Серебровский 1928 йилда фанга киритган.**

104. Геокимё бўйича биринчи йирик илмий ахборотлар тўпламі қайси америкалик олим томонидан бажарилган? **Ф. У. Кларк томонидан бажарилган.**

105. Геокимё терминини фанга дастлаб қайси швейцариялик кимёгар нечанчи йилда киритган? **К. Ф. Шёнбейн 1838 йилда фанга киритган.**

106. Геокимёнинг асосчилари қайси олимлар хисобланади? **В. И. Вернадский (Россия), В. М. Гольдшмит (Норвегия), А. Е. Ферсман (Россия).**

107. "Геокимёвий цикллар" терминини қайси рус олими томонидан нечанчи йилда таклиф этилган? **А. Е. Ферсман томонидан 1922 йилда таклиф этилган.**

108. Геолог ва геокимёгар, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1953), В. И. Вернадский ва А. Б. Ферсманнинг шогирди, Давлат мукофоти лауреати (1965) Дмитрий Иванович Щербаков (1893.1.1, Новозыбков, хоз. Брянск вилояти-1966.25.5, Москва)нинг илмий ишлари қаерда кандай конларни очишда асос бўлиб хизмат қилган? **Киргизистонда сурма ва симоб, Козогистонда табиий олтингугурт, Кавказда молибден, вольфрам ва сурма конларини очишда асос бўлиб хизмат қилган.**

109. Германийнинг аргиродит номли минерал таркибида борлигини нечанчи йилда қайси немис кимёгари топган? **1886 йилда К. Винклер топган.**

110. Гетероталлизм – вегетатив ва генератив аъзоларининг ташки тузилиши жихатидан бир-биридан фарк қилмайдиган баъзи сувўтлар ва замбуруғларда учрайдиган айрим жинсийлик бўлиб, у биринчи марта нечанчи йилда мугор замбуруғларда аниқланган? **1904 йилда мугор замбуруғларда аниқланган.**

111. Гетеротопия – эволюция жараёнидаги эмбрионал ривожланишда бирон-бир аъзо ўрнининг ўзгариб қолиши бўлиб, у терминни нечанчи йилда қайси немис олими таклиф этган? **1874 йилда Э. Геккель таклиф этган.**

112. Гиббс тақсимоти – маълум хароратда атроф мухит билан мувозанатда бўлган ўзгармас хажми ва зарралар сони ўзгармас бўлган макроскопик система турли холатларининг тақсимланиш эҳтимоллиги, агар система мухит зарралари билан алмашина олса, у ҳолда бу тақсимотни катта каноник Гиббс тақсимоти дейилиб, бу тақсимотни нечанчи йилда қайси америкалик назариётчи физик кашф этган? **1901 йилда Жозайя Уиллерд Гиббс (1839.11.2 – Нью –Хейвен – 1903.28.4) кашф этган.**

113. Гиббереллинлар – ўсимликларнинг ўсиш жараёнларини бошкарувчи табиий моддалар бўлиб, уни қайси япон олими нечанчи йилда кашф этган? **Б. Куросава 1926 йилда кашф этган.**

114. Гидрохинонни биринчи марта нечанчи йилда қайси немис кимёгари хинондан олган? **1844 йилда Ф. Вёлер олган.**

115. Гиперген жараёнларнинг ер юзасида жойлашиш қонунияти – зоналлик биринчи марта кайси рус олими томонидан аниқланган? **В. В. Докучаев томонидан аниқланган.**

116. Глаубер тузи – мирабилитнинг бошқа номи бўлиб, шу тузни дастлаб кайси немис кимегари олган? **И. Р. Глаубер (1604-1670) олган (ўша кимёгар номи билан аталган).**

117. Гнейсни пайдо бўлишига кўра, кайси немис геологи нечанчи йилда ортогнейс ва парагнейсга ажратган? **К. Г. Розенбуш 1891 йилда ортогнейс ва парагнейсга ажратган.**

118. Гольмийни нечанчи йилда кайси швед кимегари кашф килган? **1879 йилда П. Клеве кашф килган.**

119. Гоффман реакциялари кандай аминлар олиш учун А. В. Гоффман таклиф этган реакциялар? **Алифатик аминлар олиш учун А. В. Гоффман таклиф этган реакциялар.**

Донишмандга кундаги уч фазилат келиб чиқади: маъбуд қарорга келиш, бехато сўзлаш ва лозим бўлган, ишни қилиш.

Демокрит

120. Дастлаб коллоид кимё фанига кайси инглиз олими нечанчи йилда асос солган холда, эриган моддаларнинг пергамент қоғоз орқали сувга ўтиш (диффузияланиш) хоссасини текшириб, кристалл модда (ош тузи, шакар) эритмалари фаол диффузияланиши, аморф моддалар (гидроксиллар, елим, альбцумин, желатина, крахмал ва бошқалар) эритмалари эса жуда секин диффузияланиши аниқланган ва уларни тегишлича "кристаллоидлар" ва "коллоидлар" деб атаган? **Грэм Томас 1861 йилда асос солган.**

121. Дезоксирибонуклеин кислотанинг генетик аҳамиятини дастлаб нечанчи йилда кайси АҚШ олими ўз шогирдлари билан бирга аниқлаган? **1944 йилда О. Эвери ўз шогирдлари билан бирга аниқлаган.**

122. Дезоксирибонуклеин кислота таркибидаги нуклеотидларнинг ўзаро муносабатлари маълум конуниятларга бўйсуниб, бу конуниятлар кайси АҚШ олими томонидан аниқланган? **1950 йилда Э. Чаргафф томонидан аниқланган.**

123. Денитрификацияни биринчи марта кайси француз олимлари аниқлашган? **Э. Гайон ва Г. Дюпетилар аниқлашган.**

124. Диазометанни биринчи бор нечанчи йилда кайси немис олими N-нитрозометилуретанга ишқор таъсир эттириб олган? **1894 йилда Х. Нехман олган.**

125. Диен синтези нечанчи йилда кайси органик-кимегарлар томонидан кашф этилган? **1928 йилда О. Дильс ва К. Альдерлар томонидан кашф этилган.**

126. Диоптазни кайси бухоролик савдогар биринчи бўлиб нечанчи йилда Марказий Козогистондаги Олтинтепа деган жойдан топган? **Муҳаммад Ашир 1785 йилда топган.**

127. Диспрозийни нечанчи йилда кайси француз кимегари кашф этган? **1886 йилда П. Э. Лекок де Баубодран кашф этган.**

Ерга дунёда энган — доим курашиш ва доим галаба козониш демак.

Д. И. Писарев

128. Ёруғлик тезлигининг энг аниқ қиймати нечанчи йилда аниқланган бўлиб, у қанча м/с га тенг? **1980 йилда аниқланган бўлиб, с = (299792 458 ± 1,2) м/с га тенг.**

Зўриб тиқиштирилса, пуши ҳиқилат ҳам бельмаш гапда ўхшаб қиска.

А. Франс

129. Зонавий назария-кристалл панжарасининг даврий майдонида харакатланаётган валент электронлар тўғрисидаги назария бўлиб, мазкур назария асосини нечанчи йилда кайси америкалик физик ва нечанчи йилда кайси француз физиги яратишган? **1928 йилда америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1948), Феликс Блох (1905.23.10) ва француз физиги, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1953) Марсель Бриллюэн (1854.19.12-1948.16.6) яратишган.**

Инсон ҳаётида энг кўп фойда берадиган нарса – ушлаш.

А. Ф. Вельтман

130. Иероглифлар назарияси – гносеологик назарияни қачон қайси немис физиологи ишлаб чиққан? **XIX аср охирида Герман Людвиг Фердинанд Гельмгольц (1831.31.8-1894.8.9) ишлаб чиққан. Бунда у немис физиологи И. Мюллер ифодалаб берган "сезги аъзоларининг ўзига хос энергияси қонуни"га асосланган. Мазкур қонунга кўра, сезишнинг ўзига хос хусусияти сезги аъзоларининг ўзига хос тузилганлиги билан белгиланади.**

131. Изотоп алмашинуви – бир хил атомлар ёки атом гуруҳлари орасида рўй берадиган алмашинувнинг бир кўриниши бўлиб, бундай алмашинувнинг мумкинлигини нечанчи йилда қайси рус кимёгари айтиб берган эди? **1886 йилда Д. И. Менделеев айтиб берган эди.**

132. Илк бор МДҲ давлатларида қайси ўзбек олимига очиқ оптик каналли оптронларни яратиш ғояси тегишли? **Мухсинжон Мўминович Мухитдинов (1944.19.11)га тегишли.**

133. Инерт газлардан гелийни нечанчи йилда қайси француз ва инглиз астрономлари қуёш спектридан биринчи инерт газ – гелийни топишган? **1868 йилда француз Ж. Жонсен ва инглиз Н. Локьер топишган.**

134. Ингичка толали ғўза навлари (5476 – И, 8763 – И, 9078 – И)ни қайси селекционар, Туркманистон ФА акад. (1959), Меҳнат Қаҳрамони яратган? **Иван Кириллович Макеименко.**

135. Инглиз физиги Исаак Ньютон сайёралар ҳаракатларини тушунтирувчи қайси қонунлар асосида бутун олам тортишиш қонунини кашф этган ва бу қонун орқали Ой, сайёралар ва кометалар ҳаракатини исботлаб берган? **Кеплер қонунлари асосида исботлаб берган.**

136. Индийни нечанчи йилда қайси немис олимлари рух минерали – сфалеритни спектрал таҳлил йўли билан текшираётиб, номаълум элементнинг спектр чизиғини топишган? **1863 йилда Ф. Рейх ва Т. Рихтер топишган.**

137. "Ионлар" тушунчаси ва термини нечанчи йилда қайси инглиз олими биринчи бўлиб татбиқ этган? **1834 йилда М. Фарадей биринчи бўлиб татбиқ этган.**

138. Интродукция (лот. introduction – жорий қилиш) – турли ўсимликлар турлари ва навларини ўз табиий ареалидан илгари учрамаган ҳудудларга кўчириш бўлиб, бу тушунча қачондан буён қўлланиб келинмоқда? Ўсимликлар интродукцияси назариясини қайси швейцариялик ботаник нечанчи йилларда асослаб берган? Қайси рус олими ўзи яратган маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари назарияси асосида нечанчи йилда интродукциянинг илмий асосларини ишлаб чиққан? **XIX асрнинг 2-ярмидан буён А. Декандол (1806-1893) 1855 йилда асослаб берган. 1920 йилда интродукциянинг илмий асосларини ишлаб чиққан.**

139. Иридийни нечанчи йилда қайси инглиз кимёгари кашф қилган? **1804 йилда С. Теннат кашф қилган.**

140. Испаниялик гистолог. Валенси, Барселон, Мадрид (1892-1922) университетлари проф., нейрон асаб (нерв) системасининг морфологик бирлиги таълимотининг асосчиси (1894) қайси илмий ишлари бўйича Нобель мукофоти лауреати (1906) бўлган? **Кўз тўр пардаси, орқа мия, миячанинг тузилиши, шунингдек, шикастланган асабнинг тикланиш масалаларига оид илмий ишлари бўйича Нобель мукофоти лауреати (1906) бўлган.**

141. Италиян рассоми ва меъмори ("Ришар уйкуси", "Мадонна", "Конестабиче", "Марямнинг никоҳи", "Мадонна Грандука", "Богбон мадонна" ва ҳ.к. асарлар муаллифи) ким бўлган? **Рафаэль [асли Рафаэлло Санти (Санцио), [1483.26. ёки 28.3 (айрим манбаларга кўра, 6.4). Урбино – 1520.6.4, Рим].**

Ишитликда энг илғанг магнит,
Картлик чоғи харж қилиғ анг.

А. Навоий

142. Йодни нечанчи йилда қайси француз кимёгари кашф этган? **1811 йилда Б. Куртуа кашф этган.**

Китоб инсон кўз ўнгида номаълум фанларни очади

Ж. Гершель

143. Кадмийни нечанчи йилда кайси немис кимегари кашф этган? **1817 йилда Ф. Штромейер кашф этган.**

144. Калий металини биринчи марта кайси инглиз физиги ва кимёгари гидроксид – (КОН)ни электролиз килиб, олган ва уни нима деб атаган? **Г. Деви, потассий деб атаган.**

145. Калифорний нечанчи йилда кайси АКШ олимлари кандай олган? **1950 йилда С. Томпсон, К. Стрит, А. Гиорсо ва Г. Сиборглар кюрийни альфа-зарралар билан нурлантириб, сунъий равишда олган.**

146. Кальцийнинг металл холидагисини нечанчи йилда кайси инглиз кимегари кандай килиб ажратиб олган? **1808 йилда Г. Деви сўндирилган охакни электролиз килиб ажратиб олган.**

147. Кальций карбидини нечанчи йилда кайси немис кимёгари кальций – рух котишмасини кўмир билан киздириб олган? **1862 йилда Ф. Вёлер кальций – рух котишмасини кўмир билан киздириб олган.**

148. Каннициаро реакциясини каерлик кимегар нечанчи йилда кашф килган? **Италиялик кимёгар С. Каннициаро 1853 йилда кашф килган.**

149. Катагенез терминини кайси рус олими нечанчи йилда тавсия этган? **А. Е. Ферсман 1922 йилда тавсия этган.**

150. Каталитик крекингни нечанчи йилда кайси рус олими биринчи бўлиб татбик этган? **1918 йилда Н. Д. Зелинский биринчи бўлиб татбик этган.**

151. Каучук (синтетик)ни биринчи марта нечанчи йилда кайси француз олими олган? **1879 йилда Г. Бушарла олган.**

152. Каучук (синтетик)ни саноат микёсида ишлаб чикаришни кайси рус олими нечанчи йилда йўлга кўйган? **С. В. Лебедев 1932 йилда йўлга кўйган.**

153. Каустобиолитлар (юнон kaustos –ёнувчи, био... ва lithos - тош) органик моддалардан хосил бўлган ёнувчи фойдали казилмалар бўлиб, бу терминни фанга кайси немис олими нечанчи йилда киритган? **Г. Потонье 1888 йилда киритган.**

154. Квант механика кайси физиклар томонидан яратилган? **Н. Бор, В. Гейзенберг, Л. Де-Бройль, М. Борн, А. П. Дирак ва бошкалар томонидан яратилган.**

155. Квант сонлар тушунчаси физикага дастлаб нимани ўрганишда киритилган? **Атом спектрини ўрганишда киритилган. Атомдаги боғланган электронларнинг ҳолатлари 4 та квант сонлари билан ифодаланади.**

156. Келиб чикиши америкалик бўлган кайси даниялик физик, 1951 йилда Данияга кўчиб келган, Копенгагендаги Нордит назарий атом физикаси институти проф. (1957 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1975, О. Бор ва Д. Райлоутер билан хамкорликда) О. Бор билан хаммуаллифликда ядронинг жамоавий моделини ишлаб чиккан? **Бенжамин Рей Моттельсон (1926,9,7, Чикаго) моделини ишлаб чиккан.**

157. Кембрий системаси, хажми нечанчи йилда кайси инглиз геологи томонидан аникланган ва хозирги замон тушунчасига якинлаштирилган? **1879 йилда Чарльз Лэпворс томонидан аникланган ва хозирги замон тушунчасига якинлаштирилган.**

158. Кембрий системаси, кембрий (Уэльснинг лот. номи) – Ернинг геологик тарихидаги палеозой эратемасининг биринчи даври бўлиб, нечанчи йилда кайси инглиз геологи томонидан Буюк Британиядаги Уэльс тоғларида девон давригача бўлган ёткизикларни ўрганиш вактида ажратилган? **1835 йилда А. Сежвик томонидан ажратилган.**

159. Кимёгар олим, ЎзФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), техника фанлари доктори (1971), проф. (1973), Тошкент машинасозлик институти ректори (1989-1991), Тошкент техника университети ректори (1991-1992), Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат кўмитаси раиси (1992-1994), "Ўзкимесаноат" бошкаруви раиси (1994-2001), Тошкент кимё-технология институти ректори (2001-2003), Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983) Нодирбек Рустамбекович Юсуфбеков (1940.7.1, Тошкент)нинг илмий ишлари нималарга оид? **Кимё-технология жараёнларида ўлчаш техникаси, унинг усуллари ва асбобсозликни ривожлантиришга оид.**

160. Кимёвий формуласи $C_{10}H_{18}O$ – бициклик терпенлар гуруҳига мансуб иккиламчи спиртнинг номи нима? Борнеол.

161. Кино қачон каерда кайси ака-ука ихтирочилар томонидан юзага келган? **1875 йил 28 декабрда Парижда ихтирочилар ака-ука О. ва Л. Люмьерлар томонидан юзага келган.**

162. Кислород (тоза)ни нечанчи йилда кайси олим селитра (KNO_3, $NaNO_3$)ни, марганец кўш оксид (MnO_2)ни, нечанчи йилда кайси олим симоб оксид (HgO)ни, сурик (Rb_2O_2)ни қиздириш натижасида бир-бирига мустакил холда ажратиб олишган? **1771 йилда К. Шееле, 1774 йилда Ж. Пристли ажратиб олишган.**

163. Кислород ва азотдан хаво иборат эканлигини нечанчи йилда кайси олим аниклаган? **1775 йилда А. Лавуазье аниклаган.**

164. Кислород кислоталар таркибида борлигидан, уни кайси кимёгар олим oxygen, яъни «кислота хосил қилувчи» деб атаган (юнон. oxys – нордон ва dеппао – тугдираман, шундан русча "кислород" сўзи келиб чиккан)? **А. Лавуазье.**

165. Кобальт (металл)ни биринчи марта кайси швед кимёгари рудадан ажратиб олган? **1735 йилда Г. Брандт ажратиб олган.**

166. Коллоиднинг Ўзбекистонда ривожланишида кайси ўзбек академиги рахбарлигида илмий мактабнинг хизмати катта? **К. О. Ахмедов рахбарлигидаги илмий мактабнинг хизмати катта. Олим ва унинг шогирдлари томонидан минерал дисперс системалар (тупрок, табиий минерал сорбентлар, цемент, керамик коришмалар, бурғулаш эритмалари ва эмульсиялари ва бошкалар)нинг хоссаларини бошкаришда сирт фаол моддалар ва полиэлектролитлардан рационал фойдаланиш усуллари ишлаб чикилган.**

167. Кольрауш конуни нечанчи йилда кайси немис физиги томонидан тажриба натижалари асосида тасдикланган? **1879 йилда Ф. Кольрауш томонидан тажриба натижалари асосида тасдикланган.**

168. Контрафаготни качон кайси немис ихтирочиси такомиллаштирган? **XX аср бошида В. Геккель такомиллаштирган.**

Диапазони C_1 (ёки A_2) – f. Контрафагот, одатда, заранг ёғочидан, баъзан металлдан ясалади. Симфоник ва пуфлама чолғулар оркестрларида ишлатилади.

169. Координация (лот. co – ҳамкорлик ва ordinato – тартибга солиш) бўлиб, бу терминни кайси рус олими таклиф этган? **А. Н. Северцов таклиф этган.**

170. "Кратон" терминини фанга кайси олим нечанчи йилда киритган? **Штилле 1940 йилда киритган.**

171. Кремний (тоза)ни нечанчи йилда биринчи бўлиб кайси француз кимёгарлари ажратиб олишган? **1911 йил Ж. Л. Гей – Люссак ва Л. Ж. Тенар ажратиб олишган.**

172. Криптон нечанчи йилда кашф килинган? **1898 йилда кашф килинган.**

173. Ксилофон – ёрма (зарбли) мусика чолғуси нечанчи йилларда ким томонидан яратилган? **1830 йилларда М. Гузиков томонидан яратилган.**

174. Курчатовийни нечанчи йилда кайси рус олими рахбарлигида олинган? **1964 йилда Дубна шахридаги Г. Н. Флёров рахбарлигида олинган.** $^{243}Pu + {}^{22}Ne \rightarrow {}^{260}Ku + 4n$.

175. Кукун металлургиясида металл кукунларидан буюмлар тайёрлаш принципини дунёда биринчи марта нечанчи йилда кайси рус металлурглари яратишган? **1826 йилда П. Г. Соболевский ва В. В. Любарский яратишган. Платина кукунини пресслаб ва пиширib буюм тайёрлашган.**

176. Кюрий нечанчи йилда кашф килинган? **1944 йилда кашф килинган.**

Дойиқа – келажакнинг хомаки режаси.

Ж. Ренар

177. Лайн, Марказий Полинезия Спорада оролларини нечанчи йилда кайси инглиз денгизчиси сайёхи кашф этган? **1777 йилда Ж. Кук кашф этган.**

178. Лантанни кайси швед кимёгари нечанчи йилда лантан "ери" – La_2O_3, кўринишида кашф килган? **К. Мосандер 1839 йилда кашф килган.**

179. Лизинниг L шакли биринчи бор нечанчи йилда синтез килинган? **1889 йилда синтез килинган.**

180. Лиственит биринчи бор каерда аниқланиб, қайси немис геологи (нечанчи йилда) томонидан таърифланган? **Россия (Урал)да аниқланиб, Г. Розе (1842 йилда) томонидан таърифланган.**

181. Литийни нечанчи йилда қайси швед кимёгари кашф қилган? **1817 йилда А. Арфведсон кашф қилган.**

182. Литография – ясси босманинг калимги ва кенг тарқалган усули бўлиб, у нечанчи йилда қайси давлатда ихтиро қилинган? **1798 йилда Германияда ихтиро қилинган.**

183. Лондон Қироллик жамияти – Буюк Британиянинг етакчи илмий жамияти, Европадаги қадимги илмий марказлардан бири бўлиб, нечанчи йилда ташкил этилган ва нечанчи йилда Қироллик харитаси билан тасдиқланган? **1660 йилда ташкил этилган ва 1662 йилда Қироллик харитаси билан тасдиқланган.**

184. Лоуренций нима учун шу ном билан аталган? **Чунки циклотронни кашф этган олим Э. Лоуренс шарафига шу ном билан аталган.**

185. Лютецийни нечанчи йилда қайси француз кимёгари кашф этган? **1907 йилда Ж. Урбен кашф этган.**

Миллатнинг луғати бойлиги – халқнинг маънавий кўзгуси

И. Г. Чернышевский

1657. Нечанчи йилда қайси рус физиги ва электротехниги томонидан Лауфен шаҳри (Германия)да электр станцияларининг биринчиси қурилган? **1891 йилда Михаил Иосифович Доливо-Добровольский (1862.21.12-1919.15.11) томонидан қурилган.**

1658. Нечанчи йили қайси рус олими томонидан Новосибирскда уч фазали ток берувчи, қуввати 1200 кВт, кучланиши 250 В ли биринчи электр станция қурилган? **1893 йили А. П. Шченснович томонидан қурилган.**

1659. Нечанчи йилда қайси рус олими раҳбарлигида дунёда биринчи аэродинамик қувур қурилган? **1902 йилда Николай Егорович Жуковский [1847.5(17).1-1921.17.3] раҳбарлигида дунёда биринчи аэродинамик қувур қурилган.**

1660. Нечанчи йилда қайси рус гидрологи, муҳандислик геологиясига асос солганлардан бири раҳбарлигида собиқ Иттифоқ ер ости сувларининг биринчи маълумотномаси тузилган? **1933 йилда Фёдор Петрович Саваренский (1881.11.2, Гороховец, ҳозирги Владимир вилояти – 1946.8.10, Москва) раҳбарлигида собиқ Иттифоқ ер ости сувларининг биринчи маълумотномаси тузилган.**

1661. Нечанчи йилда қайси рус олимлари томонидан биринчи марта гельминтозоонозлар табиий шароитда қўзғатувчиси одамларда ва ҳайвонларда паразитлик қилиб яшовчи гельминтоз касалликлар гуруҳи киритилган? **1929 йилда К. И. Скрябин ва Р. С. Шульцлар томонидан киритилган.**

1662. Нечанчи йили қайси француз физиги тишли ғилдирак методи ёрдамида лаборатория шароитида биринчи марта ёруғлик тезлигини ўлчаганда, унинг қиймати 313274,3 км/с эканлигини ҳисоблаган? **1849 йили Арман Ипполит Луи Физо ҳисоблаган.**

1663. Нечанчи йилда қайси норвег сайёҳи, океанограф, жамоат арбоби, Петербург ФА фахрий аъзоси (1898), Нобель мукофоти лауреати (1922) биринчи бўлиб чангида Гренлан-

диянинг жанубий қисмини кесиб ўтиб, унинг ички райони бутунлай муз билан қопланганлигини аниқлаган? **1888 йилда Фритьоф Нансен (1861.10.10-1930.13.5) аниқлаган.**

1664. Нечанчи йилда қайси норвег сайёҳи Бутия-Феликс ярим оролида Шимолий магнит қутбини текширган ва шу атрофдаги 100 га яқин оролларни биринчи бўлиб харитага туширган? **1904 йилда Руаль Амундсен (1872.16.7-1928) харитага туширган.**

1665. Нечанчи йили Петербургда четдан келтирилган хом ашё (шакаркамиш) билан ишловчи биринчи канд заводи қурилган? **1719 йили қурилган.**

1666. Нечанчи йили собиқ Иттифоқда биринчи марта неча т юк кўтарадиган АМО – Ф – 15 маркали автомобиль ишлаб чиқарилган? **1925 йили, 1,5 т юк кўтарадиган АМО – Ф – 15 маркали автомобиль ишлаб чиқарилган.**

1667. Нечанчи йилда АҚШда қайси шаҳарлар орасида биринчи 5 та телефон каналига мўлжалланган радиоалоқа линияси қурилган? **1935 йилда Нью-Йорк билан Филадельфия орасида радиоалоқа линияси қурилган.**

1668. Нечанчи йилда, АҚШ (Вашингтон)нинг қайси университетида биринчи марта рус тилидан инглиз тилига машина таржимасига оид экспериментлар ўтказилган? **1954 йилда, Жоржтуан университетида ўтказилган.**

1669. Нечанчи йилда, қаерда биринчи марта саноатлашган соатсозлик корхоналари ташкил топган? **1804 йилда, Женевада ташкил топган.**

1670. Нечанчи йилда Тошкент кишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида биринчи пневматик машина ишлаб чиқарилган? **1937 йилда ишлаб чиқарилган.**

1671. Нечанчи йилда қайси инглиз конструктори ва ихтирочиси Англия (Ньюкасл)да биринчи паровозсозлик заводига асос солган? **1823 йилда Жорж Стевенсон, Стивенсон (1781.9.6-1848.12.8) асос солган.**

1672. Нечанчи йилларда қайси инглиз кемасида биринчи марта барча океанлар ёткизикларидан намуна олинган? **1872-1876 йилларда "Челленжер" кемасида намуна олинган.**

1673. Нечанчи йилда биринчи марта Париж – Бордо линиясига қайси француз ихтирочиси номи билан аталувчи аппаратлар ўрнатилган? **1877 йилда Жан Морис Эмиль Бодо (1845-1903) номи билан аталувчи аппаратлар ўрнатилган.**

1674. Нечанчи йилда, қайси давлатда дунёда биринчи марта радиозонд учирилган? **1930 йилда, собиқ Иттифоқда учирилган.**

1675. Нечанчи йилда, қаерда биринчи марта, қайси рус ёзувчиси теософия жамиятини тузган? **1825 йилда, Нью-Йоркда биринчи марта, рус ёзувчиси С. П. Блаватская теософия жамиятини тузган.**

1676. Нечанчи йилда, қайси давлатда ички ёнув двигателли ўрнатилган биринчи трактор ишлаб чиқилган? **1901 йилда, АҚШда ишлаб чиқилган.**

1677. Нечанчи йилда собиқ Иттифоқда биринчи трактор ("Фордзон-путиловец") яратилиб, нечанчи йилдан кўплаб ишлаб чиқарила бошлаган? **1923 йилда, 1930 йилдан ишлаб чиқарила бошлаган.**

1678. Нечанчи йилда собиқ Иттифоқда радиолокаторлар (Рус-1) ишлаб чиқарила бошланган? **1939 йилда ишлаб чиқарила бошланган.**

1679. Нечанчи йилда Россияда буғ билан ишлайдиган биринчи тегирмонлар пайдо бўлган? **1818 йилда пайдо бўлган.**

1680. Нечанчи йилда биринчи марта рус фармакопеяси босилиб чиққан? **1778 йилда босилиб чиққан.**

1681. Нечанчи йилда қайси инглиз врачи Дуан касаллигини биринчи бўлиб тавсия этган? **1886 йилда Л. Даун тавсия этган.**

1682. Нечанчи йилда қайси инглиз муҳандиси томонидан жаҳонда биринчи умумий фойдаланишдаги Стоктон-Дарлингтон темир йўли (21 км, Англия) қурилган? **1825 йилда Стефенсон Жорж (1781.9.6-1848.12.8) томонидан қурилган.**

1683. Нечанчи йилда Тошкентдаги темирйўлчилар истироҳат боғида очиқ сув ҳавзаси қурилиб, сузиш бўйича биринчи болалар – ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилган? **1937 йилда ташкил этилган.**

1684. Нечанчи йилда қайси давлатда пайвандланган кувурлар биринчи марта ишлаб чиқарилган? **1842 йилда Буюк Британияда ишлаб чиқарилган.**

1685. Нечанчи йилда қайси давлатда чоксиз пўлат кувурлар биринчи марта ишлаб чиқарилган? **1886 йилда Германияда ишлаб чиқарилган.**

1686. Нечанчи йилдаёқ қайси рус геокимёгари ва минералоги, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1919), В. И. Вернадскийнинг шогирди биринчи марта Мўғулистон – Охота геокимё минтақасини аниқлаган? **1926 йилдаёқ Александр Евгеньевич Ферсман (1883.27.10 (8.11) – 1945.20.5) аниқлаган.**

1687. Нечанчи йилда қайси рус кимегари ва минералоги, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1919), В. И. Вернадскийнинг шогирди илк бор Мўғулистон – Олтой геокимёвий минтақасини аниқлаган? **1926 йилда Александр Евгеньевич Ферсман (1883.27.10-1945.20.5) аниқлаган.**

1688. Нечанчи йилда телевизион телескоп биринчи марта Ойни (Буюк Британия) кузатишда қўлланилган? **1952 йилда қўлланилган.**

1689. Нечанчи йилда телевизион телескоп биринчи марта Марсни (АҚШ) кузатишда қўлланилган? **1954 йилда қўлланилган.**

1690. Нечанчи йилда қайси россиялик хаваскор ихтирочи Россияда иккинчи бўлиб (дунё бўйича) сув ости кемасини курган? **1724 йилда Ефим Никонов курган.**

1691. Нечанчи йилда қайси америкалик олим Шимолий Америкада сув ости кемасини учинчи бўлиб (дуне бўйича) курган? **1776 йилда Д. Бушнель курган.**

1692. Нечанчи йили Англияда (Ньюкаслда) биринчи марта паровозсозлик заводига қайси конструктор ва ихтирочи асос солган? **1823 йили Стефенсон Жорж асос солган.**

1693. Нечанчи йилда қайси итальян физиги томонидан фашга Ферми –Дирак статистикаси – ярим бутун спинли зарралар тизимининг физик квант статистикаси киритилган ва ўша йили Поль Андриен Морис Дирак унинг квант механик маъносини кўрсатган? **1926 йилда Энрико Ферми томонидан киритилган ва ўша йили Поль Андриен Морис Дирак унинг квант механик маъносини кўрсатган.**

1694. Нечанчи йилда қайси француз математиги ва инженери, Париж ФА аъзоси (1834)нинг геометрияга оид "фигураларнинг проектив хоссалари ҳақида трактат" асарида биринчи марта фигураларнинг проектив хоссаларини – фигура бир текисликдан иккинчи текисликка проекцияланганда сақланадиган хоссалари алоҳида гуруҳга ажратилган? Бу хоссаларни ўрганиш учун яратган методлар жумладан, иккилик принципини геометриянинг янги қайси соҳаси яратилишига олиб келган? **1822 йили Понселе Жан Виктор (1788.1.7, Мец – 1867.22.12, Париж). Проектив геометрия яратилишига олиб келган.**

1695. Нечанчи йилда Хорревелда (Бельгия) биринчи киностудия ташкил қилинган? **1908 йилда ташкил қилинган.**

1696. Нечанчи йилдан лифтсозлик заводи биринчи марта кема лифти ишлаб чиқара бошлаган? **1974 йилдан ишлаб чиқара бошлаган.**

1697. Нечанчи йилда каерда қайси АҚШ кинорежиссёри, рассом биринчи бўлиб уч рангли фильм яратган? **1933 йилда Уолт Дисней, Диснн (1901-1966) АҚШда яратган.**

1698. Нечанчи йилда қайси америкалик ихтирочи лойиҳаси бўйича каерда дунёдаги биринчи умумфойдаланиладиган ўзгармас ток электр станцияси курилган? **1882 йилда Томас Алва Эдисон Нью-Йоркда, Нобель мукофоти лауреати (1915) лойиҳаси бўйича курилган.**

1699. Нечанчи йилда қайси шаҳарда биринчи марта светофор ўрнатилган? **1868 йилда Лондон шаҳрида ўрнатилган.**

1700. Нечанчи аср бошида каерда кўлда бошқариладиган биринчи электр светофор пайдо бўлган (унда фақат яшил ва қизил чироклар бўлган)? **XX аср бошида АҚШда пайдо бўлган.**

1701. Нечанчи йилда қайси шаҳарда дастлабки 3 рангли (яшил, сариқ ва қизил) светофор ишлатилган? **1918 йилда Нью-Йоркда ишлатилган.**

1702. Нечанчи йилда қайси француз ботаниклари биринчи стель типларини таснф (классификация) қилишган? **1886 йилда Ф. Ван Гигем ва А. Дулиолар таснф қилишган.**

1703. Нечанчи йилда кайси рус олими биринчи бўлиб, азот тўпловчиларни тоза холда ажратиб олишга муваффак бўлган? **1893 йилда С. Н. Виноградский муваффак бўлган.**

1704. Нечанчи йилда кайси француз рассоми ва ихтирочиси, фотография ихтирочиларидан бири Ж. Н. Ньепс тажрибаларидан фойдаланиб биринчи бўлиб ёруглик сезгир модда сифатида кумуш иодини қўллаб, ўчиб кетмайдиган тасвирларни олиш усули – дагеротипияни ишлаб чиккан? **1839 йилда Луи Жак Манде Дагер (1787.18.11-1851.10.7) ишлаб чиққан.**

1705. Нечанчи йилда қайси француз рассоми ва ихтирочиси, фотография ихтирочиларидан бири биринчи диорамани яратган? **1892 йилда Луи Жак Манде Дагер (1787.18.11-1851.10.7) яратган.**

1706. Нечанчи йилда кайси рус тадкикотчиси биринчи бўлиб, хужайра бўлинишида хромасомаларнинг кискариши ва зичланиш жараёни натижасида хромосомалар хужайра кутблари томон нормал ажралишини, яъни спирализация хромосомаларини ташкил этувчи спираль шаклида ўралган нуклеопротеид иплар – хрононемалар диаметрининг ошиши ва оралиғининг кискаришига асосланганлиги таърифлаган? **1880 йилда О. В. Баранецкий таърифлаган.**

1707. Нечанчи йилда буғ машинаси ўрнатилган биринчи ёғоч пароход кайси давлатда пайдо бўлган? **1802 йилда Англияда пайдо бўлган.**

1708. Нечанчи йилда кайси давлатларда буғ машинаси ўрнатилган биринчи ғилдиракли трактор пайдо бўлган, транспорт ва харбий ишда ишлатилган? **1830 йилда Англия ва Францияда ишлатилган.**

1709. Нечанчи асрда биринчи марта механика қонуниятларини организмни ўрганишга (қон айланиши, товуш ва ёруғликни сезиш) татбиқ килишга уриниш содир бўлган? **XVII асрда содир бўлган.**

1710. Нечанчи асрда кайси инглиз ва немис астрономлари томонидан биринчи фундаментал каталог тузилган (40 тага якин юлдуз)? **XIX асрда инглиз астрономи Н. Маскелайн ва немис астрономи Ф. Бессел томонидан биринчи фундаментал каталог тузилган (40 тага якин юлдуз).**

1711. Нечанчи аср охирида кайси АКШ олимлари ва кайси немис астрономи фундаментал каталог тузишнинг классик методларини ишлаб чикишган? **XIX аср охирлари АҚШ олимлари С. Ньюкомб, Л. Босс ва немис астрономи А. Ауверс ишлаб чикишган.**

1712. Нечанчи йилда қайси француз денгизчиси томонидан биринчи планёр ясалган ва синаб кўрилган? **1868 йилда Ж. Л. Бри томонидан планёр ясалган ва синаб кўрилган.**

1713. Нечанчи йилда кайси немис мухандиси учирган планер биринчи марта неча м масофага мувозанат саклаган? **1891 йилда О. Лилиенталь учирган планёр биринчи марта 250 м масофагача мувозанат саклаган.**

1714. Нидерландия худудининг бир кисмини мил. авв. нечанчи асрда римликлар босиб олган? **Мил. авв. I асрда римликлар босиб олган.**

1715. Нечанчи йилларда кайси инглиз биокимёгари инсулинда аминокислоталар колдиғининг кетма-кет жойлашувини аниклаган? Инсулиннинг моляр массаси канча г/моль га тенг? Инсулин молекуласи дисульфид боғлари билан бирикқан нечта полипептид занжирдан тузилган бўлиб, нечта аминокислота колдигидан ташкил топган? **1945 - 1956 йилларда Ф. Сангер аниклаган. Инсулиннинг моляр массаси 6000 г/моль га тенг. Инсулин молекуласи дисульфид боғлари билан бирикқан иккита полипептид занжирдан тузилган бўлиб, 51 аминокислота колдигидан ташкил топган.**

1716. Нечанчи йил қайси олим электрнинг икки турини, яъни бир хил жисмларнинг итаришишини кашф килган? **1733 йили Ш. Дюфе кашф килган.**

1717. Нечанчи йили кайси физик икки жисм тортишишини бурама тарози ёрдамида И. Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонунини тасдиклаш учун ўлчаган? **1798 йили Г. Кавендиш ўлчаган.**

1718. Нечанчи йили кайси физик икки бўлак музнинг бир-бирига ишкаланишида сувга айланиши бўйича тажрибаларни амалга оширган? **1799 йили Г. Дэви икки бўлак музнинг бир-бирига ишкаланишида сувга айланиши бўйича тажрибаларни амалга оширган.**

1719. Нечанчи йили қайси физик икки тиркишда ёруғлик интерференциясини хосил қилишга оид тажрибаларни амалга оширган? **1802 йили Т. Юнг икки тиркишда ёруғлик интерференциясини хосил қилишга оид тажрибаларни амалга оширган.**

1720. Нечанчи йили қайси физик ҳаракатланувчи иккита зарядниг ўзаро таъсир конунини, яъни электромагнит ходисаларни назарий ишлаб чиккан? **1845 йили В. Вебер электромагнит ходисаларни назарий ишлаб чиккан.**

1721. Нечанчи йили қайси физик икки электродли электрон лампани ихтиро килган? **1904 йили Ж. Флеминг икки электродли электрон лампани ихтиро килган.**

1722. Нечанчи йилларда қайси физиклар иккиланма квантланиш методини ишлаб чикишган? **1927-1928 йилларда Поль Андриен Морис Дирак, Паскаль Блез, Пордан, Оскар Клейн Бенжамин, Ю. Вингерлар ишлаб чикишган.**

1723. Нечанчи йили қайси физик иккита потенциал ўра орасидаги барьер орқали заррачалар пайдо бўлишининг умумий кўринишини ҳисоблаган? **1928 йили Р. Оппенгеймер иккита потенциал ўра орасидаги барьер орқали заррачалар пайдо бўлишининг умумий кўринишини ҳисоблаган.**

1724. Нечанчи йили қайси физик II жинсли ўтказгични экспериментал кашф этган? **1934-1937 йилларда Алексей Васильевич Шубников (1887-1970) кашф этган.**

1725. Нечанчи йили қайси физик II жинсли фазовий ўтиш назариясини ишлаб чиккан? **1937 йили Л. Д. Ландау II жинсли фазовий ўтиш назариясини ишлаб чиккан.**

1726. Нечанчи йили қайси физиклар суюк гелий II нинг фонтан эффекти (термомеханик эффект)ни кашф этишган? **1938 йили Жон Фрзик Аллен, Х. Жонслар кашф этишган.**

1727. Нечанчи йили қайси физик гелий II нинг иккисуюкликли моделини таклиф этган? **1938 йили Л. Тисса гелий II нинг иккисуюкликли моделини таклиф этган.**

1728. Нечанчи йили қайси физиклар иккиламчи нейтронлар сочилишини кашф этишган? **1939 йил Лео Сциларда, Энрико Ферми, Карл Дэвид Андерсон, Вальтер Зинн, Фредерик Жолио-Кюри, Ханс Халбан, Лев Коварскилар кашф этишган.**

1729. Нечанчи йилда қайси шотланд физиги бир жинсли электр майдонига жойлаштирилган оптик изотроп моддалар (масалан: газ, суюқлик, шиша)да ёруғликнинг иккиламчи синиш ходисасини кашф этган? **1875 йилда Жон Керр (1824.17.12-1907.18.8) кашф этган.**

1730. Нечанчи йили қайси физик II жинсли ўтказгич мавжудлигини олдиндан айтган? **1952 йили Алексей Алексеевич Абрикосов олдиндан айтган.**

1731. Нечанчи йили қайси физик иккиланган электрон-ядро резонансни кашф этган? **1956 йили Жорж Феер кашф этган.**

1732. Нечанчи йили қайси физик икки мюондан гамма-квант хосил бўлишини экспериментал кўрсатган? **1956 йили В. Пановский икки мюондан гамма-квант хосил бўлишини экспериментал кўрсатган.**

1733. Нечанчи йили қайси физик иккипротонли радиоактивликни олдиндан айтган? **1960 йили В. И. Гольданский иккипротонли радиоактивликни олдиндан айтган.**

1734. Нечанчи йили қайси физиклар ионларни иккиланма кайта зарядли ходисасини экспериментал ўркатишган? **1963 йили С. А. Бунятков, Венимин Александрович Сидоров, Ю. П. Батусов, В. А. Ярбалар ўрнатишган.**

1735. Нечанчи йили қайси физиклар иккиланма гиперядрони кашф этишган? **1963 йили М. Дамиш, Б. Пневскийлар кашф этишган.**

1736. Нечанчи йилда компьютернинг II авлоди яратилган? **1953 йилда яратилган.**

1737. Нечанчи йили қайси физиклар суюк гелийнинг 2,19 К ҳароратда фазовий иккинчи жинсга ўтишида ва икки хил кўринишли гелий I ва гелий II хосил бўлишини кашф этишган? **1928 йили Виллем Хендрик Кеезом, Мечислав Вольфкелар Нобель мукофоти лауреати бўлган.**

1738. Нечанчи йили қайси физиклар нейтриноинг – электрон ва мюон икки тини мавжудлигини экспериментал исботлашган? **1962 йили Л. Ледерман, М. Шварц, Ж. Штейнбергерлар.**

1739. Нечанчи йили қайси физик иккифотонли резонансларни олдиндан айтган? **1970 йили В. П. Чеботаев иккифотонли резонансларни олдиндан айтган.**

1740. Нечанчи йилда қайси ота-бола, рус машинасозлари ва ихтирочи механиклари, паровоз ихтирочилари Россияда иккинчи паровозни ясашган? **Ефим Алексеевич Черепановлар (1774, Вийск заводи – 1842, Нижний тагил) ва Мирон Ефимович (1803, Вийск заводи – 1849, Нижний тагил) 1835 йилда ясашган.**

1741. Нечанчи йилда қайси немис назариётчи физиги, квант назария асосчиларидан бири, Берлин ФА аъзоси (1894 йилда) термодинамиканинг иккинчи қонунини асослаган? **1879 йилда Макс Карл Эрнст Людвиг Планк (1858-1947), Нобель мукофоти лауреати (1918) асослаган.**

1742. Нечанчи йилда, қайси давлатдан учирилган "Вояжер-2" аппарати бортидан Сатурн йўлдоши Атлант кашф қилинган? **1980 йилда, АҚШдан учирилган "Вояжер-2" аппарати бортидан Сатурн йўлдоши Атлант кашф килинган.**

1743. Нечанчи асрда қайси қадимги римлик врач томирлар аневризми бўйича операция ўтказган ва окма яраларни даволаган? **II асрда Антилус даволаган.**

1744. Нечанчи йилда қайси италъян геологи "учламчи система (давр)" терминини таклиф этган? **1759 йилда Ардуино таклиф этган.**

1745. Нечанчи йилда қайси француз физиги учинчи бўлиб, Нобель мукофоти лауреати бўлган? **1903 йилда Антуан Анри Беккерель (1852.15.12-1908.15.81)** бўлган.

1746. Нечанчи йили қайси физик антигелий – 3 ядросларининг ҳосил бўлиши ва емирилишини экспериментал яратган? **1970 йили Ю. Д. Прокошкин.**

1747. Нечанчи йили қайси физиклар ^{3}He нинг ўтаоқувчанлигини кашф этган? **1972 йили Д. Ошерофф, Р. Ричардсон, Д. Лилар.**

1748. Нечанчи йили қайси физик ^{3}He нинг ўтаоқувчилигини олдиндан айтган? **1958 йили Л. П. Питаевский.**

1749. Нечанчи йили қайси физиклар мувозанатсиз квант лар тизимларини яратишнинг унсатхли методини таклиф этишган? **1955 йили Н. Г. Басов ва А. М. Прохоровлар.**

1750. Нечанчи йилда қайси америкалик назариётчи – физик, Нобель мукофоти лауреати (1979, С. Вайнберг ва

А. Салом билан биргаликда) электромагнит ва кучсиз ўзаро таъсирнинг умумий назариясини яратгани учун Нобель мукофоти лауреати бўлган? **1979 йилда Шелдон Глэшоу (1932) бўлган.**

1751. Нечанчи йилда қайси америкалик физик Холл эффектини кашф килган? **1879 йилда Э. Г. Холл (1855-1838) кашф этган [Холл эффекти – зичлиги j га тенг ток ўтаётган ва магнит майдони B га жойлаштирилган ўтказгичда йўналиши γ ва H нинг йўналишига перпендикуляр электр майдони E нинг хосил бўлиши].**

1752. Нечанчи йилда "Скайлаб" номли космик станцияда (АҚШ) ўрнатилган рентген телескоп ёрдамида Қуёшнинг рентген нурланиши кашф килинган? **1979 йилда кашф килинган.**

1753. Нечанчи йилда кўшалоқ юлдузларда маълум давр билан кучли рентген чақнаши хусусиятига эга бўлган барстерлар кашф этилган? **1975 йилда кашф этилган.**

1754. Нечанчи йилда қайси немис биокимёгари, Нобель мукофоти лауреати (1988, Й. Дейзенхофер ва Х. Михель билан ҳамкорликда) Й. Дейзенхофер билан ҳамкорликда мембранали интеграл оксилнинг учламчи тузилишини аниклаган? **1982 йилда аниклаган.**

1755. Нечанчи йилда орттирилган иммун танисизлиги синдроми-ретровирус гуруҳига мансуб вирус кўзғатадиган касаллик бўлиб, вирус дастлаб бир вақтда Парижда, АҚШда қайси профессорлар бошчилигидаги олимлар томонидан кашф этилган? **1983 йилда Парижда проф. Монтанье Люк ҳамда АҚШда проф. Галло бошчилигидаги олимлар томонидан кашф этилган.**

1756. Нечанчи йилда қайси америкалик олим ҳамкасблари билан ҳамкорликда лазер ёрдамида графитни буғлатиб гўзал фазовий кўринишга эга бўлган неча киррали C_{60} молекуласини кашф этган? **1985 йилда Г. Крото. 32 киррали C_{60} молекуласини кашф этган.**

1757. Нечанчи йилда қайси немис физиги растрли тунель микроскопини яратгани учун Нобель мукофоти лауреати бўлган? **1986 йилда Герд Бинниг (1947) растрли тунель микроскопини яратгани учун Нобель мукофоти лауреати бўлган.**

1758. Нечанчи йилда қайси япон физиги, Токио университети проф., Нобель мукофоти лауреати (2002) Сомон йўли Галактикасининг нурланиш энергияси Ерга етиб келганда Масатоси қуилмасида "нейтрино портлаш"ни кузатган? **1987 йилда Косиба Масатоси (1926) кузатган.**

1759. Нечанчи йилда қайси кимёгар олим олмоснинг кристалл холдаги углерод эканлигини исботлаган? **1772 йилда А. Лавуазье исботлаган.**

1760. Нечанчи йилда қайси инглиз олими кальций карбонатга фосфор буғи таъсир эттириб соф углерод олган? **1797 йилда С. Теннант соф углерод олган.**

1761. Нечанчи йилда қайси шотландиялик олим магний карбонат парчаланганда газ чиқишини аниқлаган? **1956 йилда Ж. Блэк аниқлаган.**

1762. Нечанчи йилда қайси кимёгар олим карбонат ангидрид (CO_2)нинг таркибини белгилаб берган? **1789 йилда А. Лавуазье таркибини белгилаб берган.**

1763. Нечанчи йилда қайси гистолог олим, ЎзФА акад. (1968), Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968) ингичка ичакдан сўрилган экзоген оксилларнинг буйракларда парчаланиши тўғрисидаги илмий кашфиёт муаллифи? **1987 йилда Комилжон Ахмаджонович Зуфаров (1925.1.5 -Тошкент – 2002.30.7) кашфиёт муаллифи.**

1764. Нечанчи йилда қайси ўзбекистонлик кончилик соҳасидаги олим тоғ-кон босими бўйича оригинал назария яратган ва босимни хисоблаш формуласини, тоғ жинслари каттиклиги шкаласини ишлаб чиккан? **1907 йилда Михаил Михайлович Протодьяконов (1874.22.9(4.10) – 1930.5.4) ишлаб чиккан.**

1765. Нечанчи йилда қайси америкалик генетик олим, Нобель мукофоти лауреати (1985, М. С. Браун билан хамкорликда) одам ва хайвонлар организмида липидларнинг тўпилиши ва холестерин алмашинувининг бошқарилиши механизми устида тадқиқот олиб борган? **1940 йилда Жозеф Леонард Голдстайн тадқиқот олиб борган.**

1766. Нечанчи йилларда Ўрта Осиё Республикалари ичида биринчи бўлиб, ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон ўқув ягамаси нашр қилинган? **1980 - 1981 йилларда нашр қилинган.**

1767. Нечанчи йилда углероднинг кристалл шаклдаги хиллари олиниб, уларга фуллеритлар деб ном берилган? **1990 йилда углероднинг кристалл шаклдаги хиллари олиниб, уларга фуллеритлар деб ном берилган.**

1768. Никотинни нечанчи йилда қайси швейцариялик кимёгар синтез йўли билан олган? **1904 йилда А. Пикте олган.**

1769. Ниобийни қайси инглиз олими нечанчи йилда кашф килган? **Ч. Хатчем 1801 йилда кашф килган.**

1770. Ниобий (метали холида тоза) нечанчи йилда олинган? **1907 йилда олинган.**

1771. Нитроглицерини биринчи бор нечанчи йилда қайси италиялик олим синтез килган? **1846 йилда А. Соброра синтез килган.**

1772. Нитроцеллюлозани биринчи бор қайси француз кимёгари нечанчи йилда олган? **А. Бароконно 1882 йилда олган.**

1773. Нобелий Стокгольмда (Швеция) халқаро олимлар гуруҳи нечанчи йилда нобелий атоми олинганлигини эълон қилган ва уни Нобель номи билан аташни тавсия этган? **1957 йилда нобелий атоми олинганлигини эълон қилган ва уни Нобель номи билан аташни тавсия этган.**

1774. Нобелийнинг масса сони 251-256 бўлган изотопи хакидаги ишончли маълумотлар Дубна шаҳрида қайси рус олими бошчилигидаги бир гуруҳ рус физиклари томонидан олинган? **У. П. Флёров бошчилигидаги бир гуруҳ рус физиклари томонидан олинган.**

1775. Норвег иқтисодчиси, Осло университети иқтисодиет проф. (1947 - 1979 йилларда) Хаавелмо Трюгве (1911-1999) қайси асарлари учун Нобель мукофоти лауреати (1989) бўлган? **"Иқтисодий назария эволюцияси бўйича тадқиқотлар" (1954) асарида иқтисодий тахлил усулини қўллаб глобал иқтисодий тенгсизлик муаммоларини ўрганганлиги, шунингдек, "Инвестиция назарияси бўйича тадқиқотлар" (1960) асари учун Нобель мукофоти лауреати (1989) бўлган.**

1776. Норвег иқтисодчиси, Осло университети иқтисодиёт проф. (1947-1979). Нобель мукофоти лауреати (1989) Хаавелмо Трюгве (1911 – Осло - 1999) қайси тадқиқотлари

учун Нобель мукофотини олган? "Эконометрияда эҳтимоллик ёндашуви" асари (1944 йилда эълон килинган), **"Иқтисодий назария эволюцияси бўйича тадқиқотлар" (1954), "Инвестиция назарияси бўйича тадқиқотлар" (1960) асарлари учун Нобель мукофотини олган.**

Олимлар оддий кишилардан кўпинча қийин ва чигал хатоликлардан ҳам тезликда билим ларёқати билан ажралиб турадилар.
А. Франс

1777. Озон тешиги, озон – Ер атмосферасининг озон қатламидан узилиш; даставвал, нечанчи йилда қаерда, кейинчалик қайси томон силжиётгани, нечанчи йилда эса қаерда кузатилган? **1985 йилда Антрактида устида, кейинчалик Австралия томон силжиётгани, 1992 йилда эса Арктика устида кузатилган.**

1778. Океан суви кўтарилиши электр станцияси дастлаб Францияниг қайси соҳилида, Ранс дарёси қуйиладиган жойда нечанчи йилда курилган? **Ла-Манш соҳилида, Ранс дарёси қуйиладиган жойда 1967 йилда курилган.**

1779. Оксидланишли форфорланишнинг оксидланиш билан боғлиқ бўлган фосфорланиш жараёнини қайси рус олими нечанчи йилда кашф этган? **В. А. Энгелгердб 1930 йилда кашф этган.**

1780. Оксидланишли форфорланишнинг нафас олиш билан боғлиқ бўлган фосфорланиш жараёни қайси рус олимлари томонидан нечанчи йилда кашф килинган? **В. А. Белицер ва Е. Т. Цибаковалар томонидан 1939 йилда кашф килинган.**

1781. Оксипролинни биринчи бор нечанчи йилда қайси немис олими желатинидан ажратиб олган? **1902 йилда Э. Фишер желатинидан ажратиб олган.**

1782. Олигоцен (олиго ... ва kainos - янги) – палеоген системаси (даври)ниг юкори бўлими бўлиб, нечанчи йилда қайси немис геологи томонидан ажратилган? **1855 йилда Г. Бейрих томонидан ажратилган.**

1783. Олмос инсониятга качондан маълум бўлиб, дастлаб қайси давлатда қачон топилган? **Инсониятга мил. авв. дан маълум бўлиб, дастлаб Хиндистонда мил. авв. VIII-VII асрларда топилган.**

1784. Органик кимё – углероднинг бошка элементлар билан бирикиши ва бу моддаларнинг ўзгариш қонунлари хақидаги фан бўлиб, у качондан бошлаб мустакил фан сифатида шаклланган ва ривожланган? **XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мустакил фан сифатида шаклланган ва ривожланган.**

1785. Осмийни нечанчи йилда қайси олим платинани зар сувида эритишда ортиб колган моддалар таркибидан топган? **1804 йилда С. Теннант топган.**

1786. Осмотик босим, диффузия босими – суюкликда эриган модданинг диффузия харакати туфайли юзага чикарадиган босим бўлиб, унинг қонунларини қайси олимлар кашф этишган? **Де-Фриз, В. Пфеффер ҳамда Вант – Гоффлар кашф этишган.**

1787. Офиолитлар тушунчасини фанга биринчи марта нечанчи йилда қайси швейцариялик олим киритган? **1905 йилда Г. Штейнман киритган.**

Ишлаб етилмаган ва зарур тақозо этган фикрлар бир-биридан мустасно тарзда бир йўла юзларча миялларда туғилиши ҳам мумкин.
И. Гете

1788. Палладийни нечанчи йили қайси инглиз олими тозаланмаган платинадан ажратиб олган ва уни нечанчи йилда кашф килинган паллада астероиди номи билан атаган? **1803 йили Волластон, 1802 йилда кашф килинган.**

1789. "Пегматит" терминини дастлаб қайси француз олими нечанчи йилда ҳозирги ёзма гранит, графикаси пегматит ёки яхудий тошини белгилаш учун киритган? **Р. Ж. Аюи 1805 йилда киритган.**

1790. Пенетрантлик (лот. penetro – тешиб кираман, етиб оламан) – якин қариндош организм гуруҳларининг ҳар хил индивидларида муҳит шароитларига боғлиқ холда маълум

ген аллели фаолиятининг намоён бўлиш частотаси бўлиб, бу терминни қайси рус олими томонидан нечанчи йилда таклиф этилган? **Н. В. Тимофеев – Ресовский томонидан 1927 йилда таклиф этилган.**

1791. Пенициллинлардан ҳозирги тиббиётда қайси турдан фойдаланилади? **Табиий ва ярим сунъий пенициллинлардан фойдаланилади.**

1792. Петротектоникага қайси немис олими нечанчи йилда асос солган? **Б. Зандер 1930 йилда асос солган.**

1793. Плазмидлар – ҳужайра хромосомалари таркибига кирмайдиган, цитоплазмада хромосомалар билан боғланмаган автоном ҳолатда мавжуд бўлган доимий элементлар бўлиб, бу терминни қайси олимлар нечанчи йилда таклиф этишган? **Ж. Ледерберг ва бошқалар 1952 йилда таклиф этишган.**

1794. Платина (тоза) энг аввал нечанчи йилда қайси олим томонидан олинган? **1803 йилда Волластон томонидан олинган.**

1795. Плиоцен (юнон. pleion – нисбатан кўп сонли, кўпроқ ва kainos - янги) – неоген системаси (даври)нинг юкори бўлими, Ернинг геологик тарихидаги неоген даврининг сўнгги эпосига тўғри келиб, 2 млн йилдан 7 млн йилгача бўлган вақтни ўз ичига олгани ҳолда, плиоценни нечанчи йилда қайси олим ажратган? **1833 йилда Ч. Лайель ажратган.**

1796. Плутоний нечанчи йилларда қайси америкалик олим рахбарлигида уранни оғир водород – дейтронлар билан нурлатиб олинган? **1940 - 1941 йилларда Г. Сиборг рахбарлигида уранни оғир водород – дейтронлар билан нурлатиб олинган.**

1797. "Плюрализм" (лот. pluralis - кўплик) терминини қайси немис файласуфи нечанчи йилда фанга киритган? **Х. Вольф (1679-1954) киритган.**

1798. "Позитивизмга ким качон асос солган? **XIX асрнинг 30-йилларида О. Конт асос солган ("позитивизм" терминини фанга киритган).**

1799. Полиморфизм нечанчи йилда кашф килинган? **1798 йилда кашф килинган.**

1800. "Политенезис" термини фанга биринчи марта қайси финляндиялик геолог томонидан нечанчи йилда киритилган? **Я. Сёдерхольм томонидан 1907 йилда киритилган.**

1801. Попурри (франц. pop – рошті - хар хил нарсалар) – бирон опера, оперетта, балет, кинофильм ва бошкалардаги машхур, оммавийлашган куйлар ёки халк кўшиклари, ракс куйлари ва х.к. дан тузилган чолғу асар бўлиб, "попурри" термини дастлаб нечанчи йили (француз нашири К. Баллар нашр этган пьесалар тўпламида) ишлатилган? **1711 йили ишлатилган.**

1802. Прецессия (лот. Precaledo – судда берилмаш) ходисасини мил. авв. нечанчи асрда қайси олим астрономияда аниклаган? **II асрда Гиппарх аниклаган.**

1803. Прецессия ходисасини нечанчи йили қайси инглиз физиги механикада аниклаган? **1686 йили Исаак Ньютон аниклаган.**

1804. Прецессия назариясини, асосан, нечанчи асрда қайси олимлар ишлаб чиккандар? **XVIII асрда Ж. Д. Аламбер, П. Лаплас ва Л. Эйлерлар. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1767), Париж ФА аъзоси (1722), Петербург ФАга фахрий аъзо (1780) ишлаб чиккандар.**

1805. Прометийнинг ^{147}Pm изотопини биринчи бор нечанчи йилда қайси америкалик олимлар бошқа элементларнинг радиоактив изотоплари аралашмасидан бир неча мг ажратиб олганлар? **1947 йилда Ж. Маринский ва Л. Гленденин ажратиб олганлар.**

1806. Протактинийнинг радиоактив изотопи ^{231}Pa ни нечанчи йилда қайси швед минералоги ва кимёгари билан қайси австралиялик физик ва кимёгар, уларга боғлик бўлмаган холда қайси инглиз радиокимёгари томонидан уран рудаси чикиндисидан топилган? **1917 йилда швед минералоги ва кимёгари Ю. Ган билан австралиялик физик ва радиокимёгар А. Майтнер, уларга боғлик бўлмаган холда инглиз радиокимёгари Ф. Содди ва Краистонлар томонидан уран рудаси чикиндисидан топилган.**

1807. Протактинийнинг радиоактив изотопи ^{231}Pa α-заррача чикариб қайси кимёвий элементга айланади? **Актинийга айланади: $^{231}Pa \rightarrow {}^{227}Ac + He^{2}$.**

1808. Психофизикани махсус соҳа сифатида қайси немис файласуфи ва физиги асослаб бериб, у сезги миқдори билан таъсирот кучи ўртасидаги логарифмик киёслаш конунини кашф этган? **Г. Фехнер (1801-1887) кашф этган.**

1809. Психрометр – ҳаво намлиги ва ҳароратини аниқлашда ишлатиладиган асбоб бўлиб, унинг иш принципини қайси рус акад. кашф қилган? **Р. В. Рихман кашф қилган.**

Руҳият кучи ва эҳтирос одамларни ноғорқа айлантиради.
Квинтилион

1810. Радийни нечанчи йилда қайси олимлар кашф этишган? **1898 йилда М. ва Пьер Кюрилар кашф этишган.**

1811. Радий тузларини симоб катод билан электролизлаб радий амальгамаси ҳолида олишга нечанчи йилда қайси олимлар муваффақ бўлишган? **1910 йилда М. Кюри ва А. Дебьери муваффақ бўлишган.**

1812. Радиоактивлик ҳодисасини биринчи марта нечанчи йилда қайси физик кашф қилган? **1896 йилда А. А. Беккерель кашф қилган.**

1813. Радиоактивацион таҳлил дастлаб қайси Венгрия кимёгарлари томонидан нечанчи йилда иттрий препаратида диспрозий миқдорини аниқлаш учун қўлланилган? **Д. Хевеши ва Г. Леви томонидан 1936 йилда иттрий препаратида диспрозий миқдорини аниқлаш учун қўлланилган.**

1814. Радиокимё ривожланиш даврида қайси босқичларни босиб ўтади? **Радиокимёнинг дастлабки I босқичи 1898 йилдан, яъни И. Кюри ва М. Кюри илк бор табиий радиоактив элементлар – полоний ва радийни ажратиб олишларидан бошланган. II босқич (1914-1933)да табиий радиоактив элементларнинг кимёвий табиати ўрганилган. III босқич И. Кюри ва Ф. Жолио – Кюриларнинг 1934 йилда сунъий радиоактив изотопларини кашф қилганларидан кейин бошланган. IV босқич сунъий изотопларнинг технологияси босқичи бўлиб, парчаланиш занжир реакциясининг саноат миқёсида амалга оширилган даври – 1944 йилга тўғри келади. Энг сўнгги босқич**

1950 йилларни – изотопларни ажратиб олиш даврини ўз ичига камраб олади.

1815. Ракета – космик системалари бўйича қайси рус олими, конструктор, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1958) раҳбарлигида Ой, Венера ва Марсга учирилган автоматик станциялар, "Электрон", "Молния - 1", "Космос", "Зонд" сериясидаги сунъий йўлдошлар ишлаб чиқилган? **Сергей Павлович Королёв [1906.30.12(1907.12.1 – 1966.14.1] раҳбарлигида ишлаб чиқилган.**

1816. Ракета – космик системалари бўйича қайси рус олими, конструктор, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1958) раҳбарлигида бал истик ва геофизик ракеталар, элтувчи ракеталар, бортида космонавтлари бўлган "Восток" ва "Восход" космик кемалари, Ер ва Ой сунъий йўлдошлари яратилган? **Сергей Павлович Королёв [1906.30.12(1907.12.1)-1966.14.1] раҳбарлигида яратилган.**

1817. Реактив авиация двигателлари бўйича қайси рус конструктори, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1974), икки марта Меҳнат Қаҳрамони (1957, 1981) раҳбарлигида Ту – 114, Ту – 144, Ан – 22, Ил – 62, Ил – 86 ва бошқа самолетлар учун двигателлар яратилган? **Николай Дмитриевич Кузнецов[1911.10.(23).6-1995] раҳбарлигида яратилган.**

1818. Резерфордийнинг ^{257}Rf ($T_{1/2}$ – 4,5 с), ^{259}Rf ($T_{1/2}$ – 3 с) ва ^{261}Rf изотопларининг α-фаоллигини қайси америкалик кимёгар нечанчи йилларда аниқлаган? **А. Гиорсо 1969-1970 йилларда аниқлаган.**

1819. Резерфордий (^{260}Rf)ни қайси рус физиги ва кимегари ўз ходимлари билан Pu нишонни Ne нинг тезкор ионлари билан нурлантириб олган? **Г. Н. Флёров олган.**

1820. Резерфордий (^{260}Rf)ни Pu нишонни Ne нинг тезкор ионлари билан нурлантириб олган бу элемент Россияда "ким" деб аталади? **"Курчатовий" Кун деб аталган. Элемент Э. Резерфорд номи билан аталган. ИЮПАК томонидан қабул қилинган, лекин ҳали тасдикланмаган.**

1821. Рений элементини қайси олимлар нечанчи йилда колумбит минералидан топишган? **В. ва И. Ноддаклар 1925 йилда колумбит минералидан топишган.**

1822. Ренийнинг валентлиги 4, айникса, неча бўлганда барқарор бирикмалар ҳосил бўлади? **7 бўлганда барқарор бирикмалар ҳосил бўлади.**

1823. Россияда парфюмерия – косметика саноати качон вужудга келган? **XIX асрнинг ўрталарида вужудга келган.**

1824. Рояль ва пианиноларнинг умумий номи нима? Качон кимлар томонидан ихтиро килинган? **Фортепиано (итал. forte – кучли ва piano – кучсиз, секин). XVIII аср бошида Б. Кристофори (Италия), Ж. Мариус (Франция) ва К. Г. Шрётер (Германия) томонидан ихтиро килинган.**

1825. Рубидийни нечанчи йилда кайси кимёгарлар Германиядаги Дюркгейм минерал сувини спектрал анализ (тахлил) килиб, кашф этишган? **1861 йилда Р. Бунден ва Г. Р. Кирхгоф кашф этишган.**

1826. Рубидий (металл)ни кайси кимёгар нечанчи йилда олишга мувофик бўлган? **Р. Бунзен 1863 йилда олишга мувофик бўлган.**

1827. Рутений нечанчи йилда каерда кайси рус олими томонидан кашф этилган? Нима учун рутений деб аталган? **1844 йилда Козонда К. Клаус томонидан кашф этилган. Россия шарафига рутений деб аталган.**

Сабр аччиқ-у лекин мевасi ширин.

Ж. Ж. Руссо

1828. Самарий нечанчи йилда кашф килинган? **1879 йилда кашф килинган.**

1829. Серотонин биринчи бор нечанчи йилда бука вимасидан ажратиб олинган? **1947 йилда бука зардобидан ажратиб олинган.**

1830. Скандий кайси минералдан нечанчи йилда кайси швед олими олган? **Гадолинит минералидан 1879 йилда Л. Нильсон Скандиновияда (лот. Scandia, элементнинг номи хам шундан) олган.**

1831. Скандийнинг табиатда факат нечта изотопи борлиги маълум? **1 та, ^{45}Sc.**

1832. Собик Иттифокда ярим ўтказгичли нур таркатувчи тузилмалар характеристикаларини тахлил килиш методлари биринчи марта кайси ўзбек олими томонидан тавсия килинган? **Мухсинжон Мўминович Мухитдинов (1944.19.11) томонидан тавсия килинган.**

1833. Содани саноатда олиш усулини илк бор нечанчи йилда кайси француз кимёгари ишлаб чиккан? **1787-1789 йилларда Н. Леблан ишлаб чиккан.**

1834. Сода Н. Леблан усулидан фойдаланиб кандай йўл билан олинади? **Ош тузи, NaCl га концентрланган H_2SO_4 таъсир эттириб, натрий сульфат (Na_2SO_4)га айлантирилади, кейин Na_2SO_4ни охактош ва кўмир билан биргаликда печда 1000° С хароратда киздириш йўли билан олинади.**

1835. Соф холдаги органик моддаларни дастлаб нечанчи йилларда араб алкимёгарлари хосил килишган? **900-йилларда араб алкимёгарлари хосил килишган.**

1836. Стронцийни нечанчи йилда кайси шотланд врачи кашф килган? **1790 йилда Крофорд кашф килган.**

1837. Стронцианит биринчи бор нечанчи йилда каерда топилган? **1787 йилда Шотландиянинг Строниан шахри якинида топилган (номи шундан).**

1838. Стрихнини нечанчи йилда кайси француз кимёгарлари кашф килганлар? **1818 йилда П. Ж. Пельтье ва Ж. Б. Каванту кашф килганлар.**

1839. Стрихнинни тузилишини кайси инглиз кимёгари нечанчи йилда аниклаган? **Робинсон 1946 йилда аниклаган.**

1840. Стрихнинни тўлик синтезини кайси америкалик кимёгар нечанчи йилда ишлаб чиккан? **Р. Б. Вудворд 1954 йилда ишлаб чиккан.**

1841. Сувни нечанчи йилларда кайси инглиз олими биринчи бор водород ва кислород аралашмасини электр учкуни билан портлатиб синтез килган? **1781-1782 йилларда Г. Кавендиш синтез килган.**

1842. Сульфаниламидларнинг (стрептоцид) актебактериал хоссасини биринчи бўлиб, нечанчи йилда кайси немис патологи ва микробиологи аниклаб, амалий тиббиётга киритган? **1935 йилда Г. Домагк аниклаб, амалий тиббиётга киритган.**

1843. Сурмани нечанчи йилда кайси олим antimoine номи билан кимёвий элементлар рўйхатига кўшган? **1789 йилда А. Лавуазье кўшган.**

Тафаккур сезгидан қандайдир дастлабки турткини олмаса, ҳеч қандай гоялар, фикрлар, ақлий жараёнлар юзага келмайди.

Ж. Эдвардс

1844. Таллий элементга мансублигини нечанчи йилда қайси инглиз кимёгари сульфат кислота заводининг қўрғошин камерасидаги чиқиндиган балчиқдан спектроскоп ёрдамида текшириб, спектрда ўша вақтга қадар маълум бўлмаган яшил чизиқлар борлигини кузатиб, сўнгра бу чизиқларнинг таллий элементига мансублиги аниқланган? **1861 йилда У. Крукс аниқлаган ва янги элементга таллий (юнон. thallos – ёш новда) номи берилган.**

1845. Таллийни биринчи бўлиб қайси француз кимёгари ажратиб олган ва унинг металлик хоссаларини аниқлаган? **К. О. Лами аниқлаган.**

1846. Таллий минерали авиценнит нечанчи йилда Ўзбекистондан топилган? **1958 йилда Ўзбекистондан топилган.**

1847. Тантални нечанчи йилда қайси швед кимёгари кашф қилган? **1802 йилда А. Экеберг кашф қилган.**

1848. Тантал (металл)ни биринчи марта қайси немис кимёгари нечанчи йилда олган? В. Больтон 1903 йилда олган.

1849. Теллурни дастлаб нечанчи йилда венгриялик инженер олтинли рудани текшириш натижасида кашф этган? **1782 йилда Ф. Мюллер кашф этган.**

1850. "Теллур" (лот. tellus-Ер) номини қайси немис олими нечанчи йилда Ф. Мюллер кашфиётининг тўғрилигини тасдиқлаган ва янги элементга Ерни шарафлаб берган? **М. Клапрот 1798 йилда Ф. Мюллер кашфиётининг тўғрилигини тасдиқлаган ва янги элементга Ерни шарафлаб берган.**

1851. Тербийни нечанчи йилда қайси олим олган? **К. Мозандер 1843 йилда олган.**

1852. Термокимёга қайси олим асос солган? **Г. И. Гесс асос солган. У 1840 йилда термокимёвий хисобларга асосланган принципни эълон қилади, кейинрок мазкур принцип Гесс қонуни номини олади.**

1853. Тешенит нечанчи йилда қаерда топилган ва ўрганилган? **1963 йилда Ўзбекистоннинг ғарби (Қизилқум)да топилган ва ўрганилган.**

1854. Титанни нечанчи йилда қайси инглиз ҳаваскор минералоги кашф қилган? **1791 йилда У. Грегор кашф қилган.**

1855. Титан (IV) – оксид (рутил) номаълум элементнинг оксиди эканлигини нечанчи йилда қайси немис кимёгари аниқлаган ва ўша элементга титан номини берган? **1795 йилда М. Клапрот аниқлаган (Титан номи юнон афсонасидаги Титанлар – Уран (Осмон) ва Гея (Ер)нинг болалари номидан олинган) ва ўша элементга титан номини берган.**

1856. Титан (тоза бўлмаган) нечанчи йилда қайси олим калий фторид ва титан фториддан иборат қўш тузли натрий билан қайтариб олган? **1825 йилда И. Берцелиус олган.**

1857. Титан (тоза) фақат нечанчи йилда қайси Нидерландия олимлари титан (IV) – йодидни чўғ ҳолатидаги вольфрам симда парчалаш йўли билан олишган? **1925 йилда Ван-Аркел ва де Бур олишган.**

1858. Товушнинг тарқалиш ва қайтиш қонунлари қайси олим замонида аниқланган? **Евклид замонида аниқланган.**

1859. Тошкентдаги замонавий меъморий иншоот, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароргоҳи нима дейилади? **Оқсарой дейилади.**

1860. Турмалин (ванадийли тўқ жигарранг) қаерда биринчи марта топилган? **Пуротада биринчи марта топилган.**

Устознинг билими тугиб, шогирднинг билими бошланган жойда кашфиёт туғилади.

К. А. Федин

1861. Углероднинг янги кластери – C_{60} ни муаллифлар ўз ватандошлари қайси меъмор, мухандис-ихтирочи шарафига фуллерин деб аташни таклиф этганлар? **Р. Б. Фуллер шарафига фуллерин деб аташни таклиф этганлар.**

1862. Углерод (IV) – оксиди нечанчи йилда қайси шотландиялик олим магнит карбонат парчаланганда газ чиқишини аниқлаган? **1956 йилда Ж. Блэк (CO_2 нинг таркибини 1789 йилда А. Лавуазье белгилаб берган).**

1863. Уранни дастлаб нечанчи йилда қайси немис кимёгари Боге миянинг уранли рудаси таркибида кашф этган ва Уран сайёраси деб атаган? 1789 йилда **М. Г. Клапрот кашф этган ва Уран сайёраси деб атаган.**

1864. Уран (соф) олишда нечанчи йилда қайси француз кимёгари уран хлоридни қайси элемент билан қайтариб олишга муваффақ бўлган? 1841 йилда **Э. М. Пелиго водород билан қайтариб олишга муваффақ бўлган.**

Фан – бу тартибга солинган билим.

Г. Спенсер

1865. Фагот (итал. fagotto – тугун, боғлам) – пуфлама-тилчали мусиқа чолғу асбоби бўлиб, тахм. нечанчи йилларда бомбарда (тилгачли ёғоч – пуфлама соз) асосида ихтиро қилинган? **1530 йилларда ихтиро қилинган.**

1866. Фанга иерархия (юнон. hierarchia, hieros – авлиё ва arche – ҳукмронлик, ҳокимият) – бир бутун нарса ёки ҳодисаларнинг айрим қисмлари ёки элементларининг юқоридан қуйига томон бир тартибда жой олиши бўлиб, бу тушунча қачон кириб келган? **XIX асрнинг 2-ярмида кириб келган.**

1867. Файласуф – ўзбек олими, ЎзФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978), Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981) Жондор Туленов (1928.12.1 хозирги Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сайрам тумани – 2002.29.12, Тошкент)нинг илмий ишлари қандай масалаларга бағишланган? **Диалектика, билиш назарияси, ижтимоий фалсафа масалаларига бағишланган.**

1868. "Феногид" терминини нечанчи йилда қайси Дания генетиги таклиф этган? **1903 йилда В. Иогансен таклиф этган.**

1869. Фермий нечанчи йилда кашф қилинган? **1953 йилда кашф қилинган.**

1870. Фермий нечанчи йилда қайси физик номига қўйилган? **1955 йилда Э. Ферми номига қўйилган.**

1871. Фермий изотопларининг энг енгиллари қандай қилиб олинган? **Уранни ^{16}O ионлари билан ёки Cf ни α-зарралар билан бомбардимон қилиб олинган.**

1872. Ферментларни ажратиш ва тозалашда XX аср бошларига келиб қайси немис кимёгари ҳодисалар билан адсорбция усулидан кенг фойдаланган? **Р. Вильмтеттер ҳодисалар билан адсорбция усулидан кенг фойдаланган.**

1873. Физик олим, ЎзФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1988). Термиз ДУ ректори (1983-2000), ЎзФА Илмий –ўқув маркази директори (2001 йилдан) Назар Йўлдошевич Тўраев (1938.19.5. Денов тумани) атом зарраларининг қандай жинслар спектрида сочилиши назариясини яратган? **Атом зарраларининг каттиқ жисмлар спектрида сочилиши назариясини яратган.**

1874. Физик олим, давлат ва жамоат арбоби, ЎзФА акад. (1943), проф. (1949), ТожФА акад. (1957), Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1958), ТожФА президенти (1957-1964), Султон Умарович Умаров (1908.11(24).8, Хўжанд-1964.6.5, Душанба)нинг илмий ишлари қандай муаммоларга онд? **Кинетик назария, статистик ва ядро физикаси, физик электроника, ярим ўтказгич асбобларнинг ишлаш назарияси ва физиканинг фалсафий муаммоларига онд.**

1875. Филармония (юнон. philia –дам, боскон ва harmonia – уйғунлик, мослик, ҳамоҳанглик) қачон ихтиро қилинган? **XIX аср бошида ихтиро қилинган.**

1876. Флектив тиллар нечанчи йилда қайси немис олими томонидан фанга киритилган? **1809 йилда Ф. Шлегель томонидан фанга киритилган.**

1877. Фольклор (инг. folk- халк, lore-билим, донолик) – халқ ижодини ифодаловчи термини фанга нечанчи йилда қайси инглиз археологи олиб кирган? **1846 йилда У. Ж. Томс олиб кирган.**

1878. Фортран [инг. for (шула) tran (slation)-формулалар таржимаси] – ЭХМ (компьютер) ёрдамида илмий-техникавий масалаларни ечиш алгоритмини баён қилиш учун қўлланадиган дастурлаш (программалаш) тили бўлиб, нечанчи йилда каерда ишлаб чиқилган? **1957 йилда АҚШда ишлаб чиқилган.**

1879. Фотокимё – кимёнинг ёруғлик таъсирида содир бўладиган реакцияларини ўрганувчи бўлим бўлиб, унинг илк қонунлари, яъни Гроттус қонуни, Бунзен қонуни нечанчи асрда пайдо бўлган? **XIX асрда пайдо бўлган.**

1880. Фотокимё качон қайси қонун эълон қилингандан кейин мустақил фанлар сифатида ташкил топган? **XX асрнинг 1-чорагида Эйнштейн қонуни эълон қилингандан кейин мустақил фанлар сифатида ташкил топган.**

1881. Фотосинтез ҳақидаги дастлабки маълумотлар қайси инглиз ботаниги ва кимёгари нечанчи йилда, қайси рус олими нечанчи йилдаги ишларида келтирилади? **С. Гейлс 1727 йилдаги, М. В. Ломоносов 1753 йилдаги ишларида келтирилади.**

1882. Фотосинтезни тажрибалар орқали ўрганиш қайси инглиз кимёгари нечанчи йилда, қайси голланд табиатшуноси нечанчи йилда, қайси швейцариялик олим нечанчи йилда ва бошқаларнинг ишлари билан боғланган? **Инглиз кимёгари Ж. Пристли 1771 йилда, голланд табиатшуноси Ж. Сеебье 1782 йилда, швейцариялик олим Т. Соссюр 1804 йилда ва бошқаларнинг ишлари билан боғланган.**

1883. Фотосинтезда қайси немис физиги нечанчи йилда барглардаги хлоропластларда крахмал синтезланишини кўрсатган? **Ю. Сакс 1863 йилда барглардаги хлоропластларда крахмал синтезланишини кўрсатган.**

1884. Фотосинтезда қайси рус олими нечанчи йилда ёруғлик энергиясининг ўсимликдаги хлорофилл орқали фотосинтетик ўзгаришлари жараёнида иштирок этишини кўрсатган? **К. А. Тимирязев 1875 йилда ёруғлик энергиясининг ўсимликдаги хлорофилл орқали фотосинтетик ўзгаришлари жараёнида иштирок этишини кўрсатган.**

1885. Фотосинтезда кислород ҳосил бўлиши жараёнини қайси немис физиологи нечанчи йилда ўрганган? **Т. В. Энгельман 1881 йилда ўрганган.**

1886. Фотосинтезда қайси рус биокимёгари нечанчи йилда CO_2 ассимиляцияси сув водород ва гидроксил гуруҳи иштирокидаги оксидланиш – қайтарилиши жараёнидан иборат эканлиги ҳақида фикр билдирган? **А. Н. Бах 1893 йилда CO_2 ассимиляцияси сув водород ва гидроксил гуруҳи иштирокидаги оксидланиш – қайтарилиши жараёнидан иборат эканлиги ҳақида фикр билдирган.**

1887. Фотосинтезнинг самарадорлигини қайси олим нечанчи йилда хлор сув устида ўтказган тажрибаларида нур-

ларнинг аралаш спектрларида аниқлаган? **Р. Эмерсон 1957 йилда аниқлаган. Масалан, 710 нм қизил нурдан 1000 квант ютилганда 70 мол O_2, 650 км нурлар учун эса бу кўрсаткич 100 молекула O_2 га тенг бўлади. 710 нм ва 650 км нурлар бир вақтнинг ўзида таъсир этганда 160 мол O_2 ажралиб чиққан. Бу ҳодиса Эмерсон эффекти дейилади.**

1888. Фосфорни нечанчи асрда қайси араб кимёгари ажратиб олган? **XII асрда А. Бехил (Башир) сийдикдан ажратиб олган.**

1889. Фосфор (ок)ни нечанчи йилда гамбурглик қайси алкимёгар сийдикни буғлатишдан ҳосил бўлган қолдиқни кўмир иштирокида қурук ҳайдаш билан олган? **1669 йилда Х. Бранд олган.**

1890. Фосфорни суяк кулидан қайси швед олими нечанчи йилда олган? **К. В. Шееле 1774 йилда олган.**

1891. Франций, ^{223}Fr ни илк бор қайси француз радиокимёгари нечанчи йилда ^{227}Ac нинг α-емирилиш маҳсулоти сифатида кашф қилган? **М. Перей 1939 йилда кашф қилган. Франций номи ана шу тадқиқотчи аёлнинг ва "Франция" номидан олинган.**

1892. "Фратрия" [юнон. phratria-биродарлик) – асосан, бир уруғдан келиб чиққан бир неча уруғлар мажмуидан иборат қабила бирлашмаси] терминини фанга қайси Америка этнографи томонидан киритилган? **Л. Г. Морган (1818-1881) томонидан киритилган.**

1893. Фторид кислота, HF ни нечанчи йилда қайси швед кимёгари олган? **1771 йилда К. В. Шееле олган.**

1894. Фторид кислотанинг хлорид кислотага ўхшашлигига асосланиб, хлор каби яна бир элемент мавжуд, у кашф этилиши керак деган фикрга нечанчи йилда қайси француз олими келган? **1810 йилда А. Ампер келган.**

1895. Фтор (эркин)ни илк бор нечанчи йилда қайси француз кимёгари калий фторид қўшилган сувсиз фторид кислотани платина идишда минус 55° С ҳароратда қандай олган? **Электролизлаб 1886 йилда А. Муассон олган.**

Ҳаёл билимдан муҳимроқ.
А. Эйнштейн

1896. Хемосинтез қайси рус микробиологи томонидан нечанчи йилда кашф этилган? **С. Н. Виноградский томонидан 1887 йилда кашф этилган.**

1897. Хемосинтезнинг кашф қилиниши тирик организмларда кечадиган қандай жараённинг асосий типлари тўғрисидаги тушунчани ўзгартириб юборади? **Моддалар алмашинуви жараёнининг асосий типлари тўғрисидаги тушунчани ўзгартириб юборади.**

1898. Хитойда биринчи бўлиб нималар кашф қилинган? **Компас, сейсмаскоп, спидометр, қоғоз, порох, китоб босиш ва бошқ. кашф қилинган.**

1899. Хитой олимлари нечанчи асрларда биномал коэффициентлар хоссаларини билганлар. Паскаль учбурчаги (арифметик учбурчак) билан таниш бўлганлар? **XI-XIV асрларда таниш бўлганлар.**

1900. Хитойликлар мил.авв. нечанчи минг йилликка оид тарихий манбалардан сайёра ва кометалар ҳақида маълумотни билишган? **1-минг йилликка оид тарихий манбалардан сайёра ва кометалар ҳақида маълумотни билишган.**

1901. Хитойликлар жаҳонда биринчи бўлиб нимани порох ишлаб чиқаришда қўллаганлар? **Селитрани қўллаганлар.**

1902. Хитойликлар нечанчи асрдаёқ мушакбозлик ракеталари тайёрлашда порох қўллашган? **X асрдаёқ қўллашган.**

1903. Хитойликлар нечанчи аср бошларидан ўқ отишда нима қўллашган? **Порох қўллашган.**

1904. Хитойда нечанчи асрларда чинни ихтиро қилинган? **III-V асрларда чинни ихтиро қилинган.**

1905. Хлорни биринчи бор нечанчи йилда қайси швед кимёгари хлорид кислотани марганец (IV) – оксид таъсирида оксидлаб ҳосил қилган? **1774 йилда К. В. Шееле кашф қилган.**

1906. Хлорни қайси олим яшил – сариқ тусли бугувчи бу газнинг сувдаги эритмаси ёруғлик таъсиридан кислород чиқариб, хлорид кислота ҳосил қилишини кузатган ва уни оксидланган хлорид кислота деб атаган? **К. Бертолле атаган.**

1907. Хлорни қайси олимлар номаълум элемент – мурийнинг оксиди деб фараз қилишган? **К. Бертолле ва А. Лавуазье фараз қилишган.**

1908. Хлорнинг элемент эканлигини қайси олимлар нечанчи йилда исбот қилишган? **Ж. Гей-Люссак, Л. Тенар ва Г. Деви 1810 йилда исбот қилишган.**

1909. Хлорнинг ранги сариқ-яшил бўлганлиги учун унга қайси олимлар нечанчи йилда "нима" номини беришган? **Ж. Гей-Люссак, Л. Тенар ва Г. Деви 1810 йилда "хлорик" ёки "хлорин" (юнон. chloros-сарғиш-яшил) номини беришган.**

1910. Хлорид кислотани қачон қайси немис кимёгари NaCl ва H_2SO_4 таъсир эттириб олган? **XVII аср ўрталарида И. Глаубер олган.**

1911. Хромни биринчи бор қайси француз кимёгари нечанчи йилда табиий кўрғошин (II) – хромат –крокоит ($PbCrO_4$) минерали таркибида топган? **Л. Воклен 1797 йилда топган.**

Цивилизациянинг буюк вазифаси – одамни фикрлашга ўргатиш.

Т. Эдисон

1912. Цезий биринчи бор нечанчи йилда қайси олимлар томонидан Германиянинг Дюркгейм минерал сувларини спектрал усулда текшириш натижасида кашф қилинган? **1860 йилда Р. Бунзен ва Г. Кирхгоф томонидан кашф қилинган.**

1913. Цезий (металл)ни биринчи бор қайси олим нечанчи йилда суюқлантирилган цезий цианидни электролизлаб олган? **К. Сеттерберг 1882 йилда олган.**

1914. Цирконийни нечанчи йилда қайси кимёгар кашф қилган? **1789 йилда М. Клапрот кашф қилган.**

1915. Циркон минералини анализ (таҳлил) қилиб, қайси кимёгар янги элемент оксидини ажратиб олган? **М. Клапрот (циркон сўзи арабча Zerk – қимматбаҳо тош ёки форсча Zargun – олтин тош демак) ажратиб олган.**

1923. Энергетика соҳасидаги олим, ЎзФА акад. (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1966), Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970), Музаффар Зоҳидович Ҳамидхонов (1916.26.7-Тошкент-1972.25.6)нинг илмий ишлари нималарга бағишланган? **Янги самарали автоматлаштирилган ўзгарувчан ва ўзгармас ток электр асбоблари назариясини, хисоблаш усуллари ва рационал схемаларини ишлаб чикишга, ток кучи ва кучланиш ўзгартиргичлари, уларни бошкариш ва хисоблаш курилмаларини татбик этишга багишланган.**

1924. Эпитермал конлар термини кайси америкалик геолог томонидан нечанчи йилда фанга киритилган? **В. Линдгрен томонидан 1907 йилда киритилган.**

1925. Эрбийни нечанчи йилда қайси швед олими кашф этган? **1843 йилда К. Мосандар кашф этган.**

1926. Эйнштейнийни нечанчи йилда каерлик олимлар кашф этишган? **1952 йилда америкалик олимлар кашф этишган.**

Юксак мақсадлар юзага чиқмай қолган тақдирда ҳам биз учун у амалга ошган паст мақсадлардан кўра қимматлироқдир.

И. Гете

1927. "Ювенил сувлар" термини фанга нечанчи йилда қайси олим томонидан киритилган? **1902 йилда Э. Зюсс томонидан киритилган. Э. Зюссинг фикрича, ювенил сувларнинг хосил бўлишига магма совишида ажралиб чиккан буглар ёки гидрат минераллар таркибидаги кристаллизацион (минералларнинг кристалл панжарасидаги молекула кўринишидаги) ва конструкцион (минералларнинг кристалл панжараларидаги ион шаклидаги) сувлар сабаб бўлади.**

1928. Юнон математиги, файласуф, кулдор аристократининг ғояний тарғиботчиси, 530 йилдан Жанубий Италиядаги Кротоне шаҳрида, кейинрок Метапонт шаҳрида яшаган ким бўлган? **Пифагор (тахм. мил. авв. 580, Самос – 500, Метапонт) бўлган.**

Шон – шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир.

Фирдавсий

1916. Шаҳрисабзда Амир Темур курдирган меъморий ёдгорлик (1380-1404)нинг номи нима? **Оксарой.**

1917. Швед биокимегари, Нобель мукофоти лауреати (1982, С. Бергстрём ва Ж. Р. Вейн билан хамкорликда) Бент Самуэльсон (1934)нинг асосий тадкикотлари нималарни ўрганишга оид? **Простагландинларни ажратиб олиш, кимёвий тузилиш ва биокимёвий хусусиятларини ўрганишга оид.**

1918. Швейцариялик кимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1948), Пауль Мюллер (1899-1965)нинг асосий илмий ишлари кандай муаммога оид? **Ўсимликларни кимёвий воситалар билан химоя килишга оид.**

1919. Швециялик биокимегар, Швеция Кироллик ФА аъзоси (1942 йилдан) ва президенти (1967-1968), Нобель мукофоти лауреати (1955) Аксель Теорелль Теодор Хуго (1903.6.7-1982.15.8)нинг илмий фаолияти нималарни ўрганишга оид? **Илмий фаолияти оксидланиш – кайтарилиш ферментлари ва миоглобинларнинг физик-кимёвий хоссалари (тузилиши ва таъсир механизмлари)ни ўрганишга оид.**

1920. Шўрсувит, шорсуит (Шўрсув олтингугурт конидан топилган; номи шундан) минерали нечанчи йилда топилган? **1955 йилда топилган.**

Энг жиддий эҳтиёж – бу ҳақиқатни билиш эҳтиёжи.

Д. И. Менделеев

1921. Электрон мусикага кайси немис композитори ва мусикашуноси асос солган? **Х. Аймерт (1897-1972) асос солган.**

1922. Элементар ячейкаларда атомларнинг жойлашишига қараб, кристалл панжаралар неча турга бўлинади ва кайси француз кристаллографи номи билан юритилади? **14 турга, О. Бравэ (1811-1863) номи билан юритилади.**

Янги ҳақиқат ҳаммадан кўра, кўпроқ эски хатолардан заҳмат чекади.

И. Гёте

1929. Ядронинг ўз-ўзидан (спонтан) бўлинишида $^{238}_{92}U$ уран ядросида қайси рус олимлари томонидан нечанчи йилда кашф этилган? **Г. Н. Флёров ва К. А. Петржак томонидан 1940 йилда кашф этилган.**

Ўзига ва китта ишга ишонган одамлар: буюк ишларга қодир бўлишади.

Ю. Г. Маҳмудов

1930. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази дунёда биринчи марта кўп вариантли тестни нечанчи йилда амалиётга жорий қилган? Унинг муаллифи қайси ўзбек олими, Давлат тест маркази директори бўлган? **1996 йилда амалиётга жорий қилган. Мухсинжон Мўминович Мухитдинов бўлган.**

1931. Ўзгармас ҳароратда суюқлик устидаги газнинг эрувчанлиги унинг босимига тўғри мутаносиб бўлиб, бу қонун қайси америка физиги номи билан аталади? Нечанчи йилда аниқлаган? **Генри қонуни. 1803 йилда аниқлаган. Генри қонуни – фақат идеал эритмаларга тегишли бўлиб, паст босимда қўлланилиши мумкин.**

1932. Ўзи мустақил ўқиб ўрганган қайси рус механиги 1764-1767 йилларда мураккаб механизмлардан тузилган тухумсимон соат ясаб, 1769 йилда кимга инъом қилган? **Иван Петрович Кулибин (1735.10(21).4-1818.30.7(11.8) Екатерина II га инъом қилган.**

1933. Ўрта аср Ғарбий Европа адабиётида Буюк Карл сафдошларининг аталиши нима? **Паладин (сўнгги лот. palatines - мулозимн).**

Қатъият – муваффақият гарови.

И. И. Дмитр

1934. Қаерда мил. авв. нечанчи асрда Цицероннинг қайси кули римча стенография тизимини кашф этган ва мазкур

куп номи билан аталадиган нотлари деб аталадиган бу тизим нечанчи асргача қўлланиб келинган? **Қадимги Римда мил. авв. I асрда Цицероннинг қули Тирон римча стенография тизимини кашф этган ва Тирон нотлари деб аталадиган бу тизим XI асргача қўлланиб келинган.**

1935. Қайси авиация, аэродинамика ва ракеталар динамикаси соҳасидаги рус олими ва ихтирочиси дунёда биринчи бўлиб ракета назариясига ва суюқ ёнилгини ракета двигатели назариясига асос солган? **Константин Эдуардович Циолковский [1857.5(17)9, Рязань вилояти – 1935.19.9, Калуга] асос солган.**

1936. Қайси авиация, аэродинамика ва ракеталар динамикаси соҳасидаги рус олими ва ихтирочиси Ерга сунъий йўлдош бўладиган ракета масаласи билан биринчи бўлиб шуғулланган? **Константин Эдуардович Циолковский [1857.5(17)9, Рязань. вилояти – 1935.19.9, Калуга] шуғулланган.**

1937. Қайси америкалик физик, Нобель мукофоти лауреати (1976, Б. Рихтер билан биргаликда) Б. Рихтердан мустақил тарзда янги оғир мезон – биринчи жозибали кварки мезонни кашф қилган? **Сэмюэл Тинг (Тин Чжаогун., 1936.27.1, Мичиган штати, Анн-Арбор) кашф қилган.**

1938. Қайси австрия ботаниги, Вена университети проф. (1899), Ботаника институти директори, собиқ Иттифоқ ФАнинг фахрий аъзоси (1927 йилдан) ёпиқ уруғли ва чангчи гул гулларининг бирлашувидан келиб чиққан деган назарияни яратган? **Рихард Веттштейн (1863-1931) яратган.**

1939. Қайси австриялик физик-кимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1925) бўёғичлар ва рангли пишалар олиш усулларини ишлаб чиққан? **Рихард Адольф Зигмонди (1865.1.4-1929.23.9) ишлаб чиққан.**

1940. Қайси австралиялик кимёгар, Грац университети проф. (1913 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1923) оз миқдорда (2-6 мг) анализ қилинадиган бирикмалардаги элементлар ва функционал гуруҳларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиб, миқдорий органик микроанализга асос солган? **Фриц Прегль (1869.9.9-1930.13.12) асос солган.**

1941. Қайси австралиялик кимёгар, Инсбрук (1910 йилдан) ва Грац (1913 йилдан) университетлари проф., Нобель мукофоти лауреати (1923) ишлаб чиққан усуллар гормонлар, витаминлар ва бошк. мураккаб табиий моддаларни синтез қилишнинг тез ривожланишига имкон берган? **Фриц Прегль (1869.3.9, Лайбах, хозирги Любляна, Югославия -1930.13.12, Грац) имкон берган.**

1942. Қайси австралиялик физиолог ва фармаколог, Граце университети (1909-1938), Нью-Йорк университети тиббиёт коллежи (1940 йилдан) проф., Нобель мукофоти лауреати (1936, Г. Дейль билан ҳамкорликда) юрак фаолияти асаб (нерв) охирларидан ажраладиган физиологик фаол моддалар – медиаторлар оркали бошкарилишини кўрсатиб берган? **Отто Лёви (1873.3.6, Франкфурт – на – Майне – 1961.25.12, Нью-Йорк) кўрсатиб берган.**

1943. Қайси австриялик иммунолог, иммуногематология асосчиларидан бири, Нобель мукофоти лауреати (1930) П. Левин билан одам кони эритроцитларидаги 2 антигенни аниклашган? **Карл Ландштейнер (1868.14.6, Вена– 1943.26.6, Нью-Йорк) П. Левин билан одам кони эритроцитларидаги 2 антигенни аниклашган.**

1944. Қайси швед иқтисодчиси, сиёсатчи ва халкаро арбоб, жахон иқтисодиёти ва тадқикоти институтининг асосчиси ва директори, БМТнинг Европа учун Иқтисодий комиссияси Бош котиби (1947-1957), Стонгельм университетида халкаро иқтисодий муносабатлар проф. (1961 йилдан) иқтисодий тахлилга кутиладиган ва амалдаги ўзгарувчанликлар атамаларини киритган хамда уларнинг иқтисодий мувозанатнинг вужудга келишига таъсирини кўрсатган? **Хорак Бенедикт де (1898.6.12-1987.17.5) кўрсатган.**

1945. Қайси Австрия иқтисодчиси, сиёсий иқтисодчи Австрия мактаби намояндаси қиймат, пул ва реал даромадлар нисбатига қараб белгиланадиган пул назариясини илгари сурган? **Фридрих Визер (1851.10.7, Вена – 1926.22.7, Санкт Гильгем) илгари сурган.**

1946. Қайси Австрия иқтисодчиси, сиёсий иқтисодчи Австрия мактаби намояндаси, 1903 йилдан Вена университетида сиёсий иқтисод проф. қайси олимлар билан биргаликда меъёрий нафлик назариясини ишлаб чиққан ва мазкур

атамани фанга киритган? **Фридрих Визер (1851.10.7, Вена – 1926.22.7, Санкт Гильгем) фанга киритган.**

1947. Қайси Австрия психиатри, Нобель мукофоти лауреати (1927), нечанчи йилда авжланиб борадиган фалажни даволашда пиротерапияни асослаб берган ва амалиётга татбиқ этган? **Юлиус Вагнер – Яурегг (1857-1940), 1918 йилда асослаб берган ва амалиётга татбиқ этган.**

1948. Қайси австриялик зоолог, этолог ва зоопсихолог, Нобель мукофоти лауреати (1973, Н. Тинберген ва К. Фриш билан хамкорликда) ҳайвонларнинг инстинктив хулқ-атвори ва унинг онто – ва филогенезда ривожланиши тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиққан? **Конрад Лоренц (1903.7.11, Вена - 1989) ишлаб чиққан.**

1949. Қайси австриялик зоолог, этолог ва зоопсихолог, Нобель мукофоти лауреати (1973) айрим асалариларида ҳайвонлар хулқ-атворининг биологик конуниятларини кишилик жамиятига ҳам татбиқ этган? **Конрад Лоренц (1903.7.11-1989) татбиқ этган.**

1950. Қайси австриялик минералог ва петрограф олим Бакке чизиғи (минералнинг чегараси бўйлаб ҳосил бўладиган ёруғ чизиқ)ни топган? **Фридрих Бекке (1865-1931) топганлиги учун унинг номи билан аталган.**

1951. Қайси америка кимёгари, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1957 йилдан), Америка санъат ва фан академияси аъзоси (1966 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1979) нечанчи йилда тўйинмаган органик бирикмаларни гидроборирлаш реакциясини кашф этган? **Герберт Чарлз Браун (1912.22.5, Лондон), 1959 йилда кашф этган.**

1952. Қайси америкалик физик-кимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1960) таркибидаги радиоактив углерод ^{14}C сонига караб, археологик намуналарнинг ёшини аниклашга имкон берувчи усулни ишлаб чиққан? **Уиллард Франк Либби (1908.17.12, Гранд-Валли, Колорадо штати) ишлаб чиққан.**

1953. Қайси америкалик физик-кимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1960) табиий уранда ^{235}U изотопни ажратишнинг газодиффуз усулини ишлаб чиқишда қатнашган? **Уиллард Франк Либби (1908.17.12, Гранд-Валли, Колорадо штати) ишлаб чиқишда қатнашган.**

1954. Қайси америкалик физик-кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1935 йилда), Нобель мукофоти лауреати (1934) уран -235 ва уран -238 изотопларининг бўлиниш усулларини ишлаб чиккан? **Гарольд Клейтон Юри (1893.29.4-1981.6.1) ишлаб чиккан.**

1955. Қайси америкалик физик (Нидерландияда туғилган, 1949 йилдан АҚШда), Нобель мукофоти лауреати (1981) радиодиапазондаги парамагнит кванг кучайтиргичини яратишда 3 сатх усулини қўллашни тавсия этган? **Николас Бломберген (Блумберген) (1920) тавсия этган.**

1956. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий академияси аъзоси (1966), Нобель мукофоти лауреати (1980) тартиб раками 13 ÷ 85 оралигидаги ядролар радиусини ўлчаган ва $1,2 \cdot 10^{-13}$ см га тенглигини кўрсатган? **Вал Логедон Фитч (1923.10.3, Мерриман) кўрсатган.**

1957. Қайси америкалик физик ва врач, Нобель мукофоти лауреати (1977) конда ва эндокрин безлари тўкимасида инсулин, паратиреоид гормон, гастрин ва кортико - тропинни радиоиммунологик аниклаган? **Розалин Сасмен Ялоу (1921.19.7) аниклаган.**

1958. Қайси америкалик физик, Нобель мукофоти лауреати (1936) нечанчи йилда космик нурларда мюонлар мавжудлигини кашф этган? **Карл Дэвид Андерсон (1905-1991). 1936 йилда кашф этган.**

1959. Қайси америкалик ревматолог, Нобель мукофоти лауреати (1950, Э. Кендалл ва Т. Рейхштейн билан хамкорликда) ревматик касалликлар клиникасида эндокрин омилларни тадкик этган ва уларни даволашда буйрак ости бези пўстлоғи гормонини биринчи бўлиб қўллаган? **Филип Шоуолтер Хенч (1896.28.2, Питербург-1965.30.13, Ого-Рипс, Ямайка) қўллаган.**

1960. Қайси америкалик кимёгар, Колорадо университети фалсафа доктори, Йель университети проф. (1971), Нобель мукофоти лауреати (1989, Р. Чек билан хамкорликда) рибонуклеоза РНК ва оксил компонентларидан ташкил топганлигини, уларни ажратиш ва кайта бириктириб мумкинлигини, РНК дан ажратиб олинган оксил компонентлари

ферментатив фаолликка эга эмаслигини исбот килган, РНК ферментлари айни вактгача факат оксил ферментларга тааллукли деб хисобланган, барча классик – каталитик хоссаларга эга бўлган янги рибозим кашф этган? **Сидни Олтмен (1939.8.5, Монреаль) кашф этган.**

1961. Қайси Америка физиологи, Нобель мукофоти лауреати (1944) асаб толаларидаги биоэлектр потенциалларни электрон осциллограф ёрдамида тадкик қилган? **Герберт Спенсер Гассер (1888-1963) тадкик килган.**

1962. Қайси америкалик физиолог ва биокимёгар, АҚШ Миллий ФА акад. (1939), Гарвар университети проф. (1954), Нобель мукофоти лауреати (1943) гормонлар ва ўт кислоталарининг алмашинувини ўрганиб, ўзигача номаълум бўлган ўт кислоталарини кашф этган, уларнинг кимёвий тузилишини ўрганган ва синтез килган? **Эдуард Аделберт Дойзи кашф этган, уларнинг кимёвий тузилишини ўрганган ва синтез килган.**

1963. Қайси немис органик кимёгари ва биокимёгари, фалсафа доктори (1901), Нобель мукофоти лауреати (1927) ўт кислоталари ва шунга ўхшаш бирикмалар тузилишини аниклаган? **Генрих Отто Виланд (1877.4.6 – 1957.5.8.) аниклаган.**

1964. Қайси америкалик физик, Нобель мукофоти лауреати (1968) пуфаксимон камералар билан ишлашнинг замонавий усулини яратган? **Луис Уолтер Альварес (1911-1988) яратган.**

1965. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1949 йилдан), Америка Фан ва санъат академиясининг аъзоси, Гарвард университети проф. (1947-1972), Нобель мукофоти лауреати (1965, Р. Ф. Фейнман ва С. Томонага билан хамкорликда) сочилиш назарияси учун вариацион усулни ишлаб чиккан? **Юлиус Швингер (1918.12.2, Нью-Йорк – 1994) ишлаб чиккан.**

1966. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1949 йилдан), Америка Фан ва санъат академиясининг аъзоси, Гарвард университети проф. (1947-1972), Нобель мукофоти лауреати (1965, Р. Ф. Фейнман ва С. Томонага би-

лаш ҳамкорликда) ковариант кўринишидаги квант электродинамикасини биринчи бўлиб баён килган? **Юлиус Швингер (1918.12.2, Нью-Йорк - 1994) баён килган.**

1967. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1971), Нобель мукофоти лауреати (1972, Ж. Бардин ва Л. Купер билан хамкорликда) Ж. Бардин ва Л. Купер билан бирга ўта ўтказувчанлик назариясини ишлаб чиккан? **Жон Роберт Шриффер (1931.31.5, Оук Парк) ишлаб чиккан.**

1968. Қайси америкалик физик, Нобель мукофоти лауреати (1981) радиодиапазондаги парамагнит квант кучайтиргични яратишда 3 сатх усулини кўллаши тавсия этган? **Николас Бламберген (Блумберген) (1920) тавсия этган.**

1969. Қайси америкалик ревматолог, Нобель мукофоти лауреати (1950, Э. Кендалл ва Т. Рейхштейн билан хамкорликда) ревматик касалликлар клиникасида эндокрин омилларни тадқиқ этган ва уларни даволашда буйрак ости бези пўстлоги гормонини биринчи бўлиб қўллаган? **Филип Шоуолтер Хенч (1896.28.2, Питербург-1965.30.13, Оғо-Риос Ямайка) қўллаган.**

1970. Қайси америкалик биокимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1968) аланининг ташувчи РНКсида нуклеотидларнинг тўлиқ кетма-кетлигини биринчи бўлиб аниклаган? **Роберт Уильям Холли (1922.28.1) аниклаган.**

1971. Қайси америкалик ва рус геологлари силикатлар (айникса, учувчи компонентлар – бор, сув, фторга бой силикатлар)даги ликвация ходисасини тажрибада аниклаган? **Америкалик геологлар О. Ф. Татл, Ж. Фридман ва рус геологлари Д. П. Григорьев, О. А. Есин, Я. И. Ольшанский ва бошкалар ликвация ходисасини тажрибада аниклашган.**

1972. Қайси ўзбек олими МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда диссертацияларнинг асосий мазмуни ва хулосалари хамда натижаларининг статистик ишланмасини экспертиза килиш учун янги дастур яратган? **Мухсинжон Мўминович Мухитдинов (1944.19.11) янги дастур яратган.**

1973. Қайси оториноларинголог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), Иброхим Мўминович Мўминовнинг ўғли, Бухоро тиббиёт институти ректори (1990-1995), Самарканд тиббиёт институти ректори (1995-2000) кулок, томок аъзолари экопатологияси, карлик ва эшитиш кобилиятининг сусайиши муаммолари устида тадқиқот олиб бориб, шу аъзолар касалликларида магнитотерапия қўллашни тавсия этган? **Акром Иброхимович Мўминов (1937.20.5, Самарканд – 2001.1.11, Тошкент) тавсия этган.**

1974. Қайси ГФР сиёсат ва давлат арбоби, нечанчи йилда Нобель тинчлик мукофоти лауреати бўлган? **Вилли Брандт (хакикий исм-фамилияси – Герберт Карм Франк) (1913.18.12 - 1992), 1971 йилда бўлган.**

1975. Қайси хинд физиологи ва биофизиги рус физиги П. Н. Лебедев билан бир вактда мм ва см диапазонли электромагнит тўлкинли генератор конструкциясини ишлаб чиккан? **Жагдиш Чандра Бос (1858.30.11, Бенгалия – 1937.23.11, Гиридих, Бенгалия) ишлаб чиккан.**

1976. Қайси хинд физиги, Лондон Кироллик жамияти аъзоси (1958), квант статистикаси (Бозе – Эйнштейн статистикаси) асосчиларидан бири мутлак қора жисм учун Планк нурланиш конунини топган? **Шатьендранат Бозе, Бос (1894.1.1-1974.4.2) топган.**

1977. Қайси асли хиндистонлик бўлган америкалик иктисодчи, Гарвард (АҚШ) университетининг хизмат кўрсатган проф. Америка иктисодий уюшмасининг президенти (1924), Нобель мукофоти лауреати (1918) очлик ва камбағаллик муаммоларини хамда ижтимоий ердам масалаларини ҳар томонлама тадқиқ килган? **Амартя Сен (1933, Хиндистон, Бенгалия штати) тадқиқ килган.**

1978. Қайси америкалик иктисодчи, проф., Нобель мукофоти лауреати (1993 Д. Норт билан бирга) "Клиометрия" яки тарихий жараёнларни ўрганишда иктисодий назария ва микдорий усуллардан фойдаланадиган "янги иктисодий тарих" асосчиларидан бири? **Роберт Фоужел (1926.1.7, Нью-Йорк) асосчиларидан бири.**

1979. Қайси америкалик иктисодчи 1975 йилдан Сан-Диегодаги Калифорния университетида иктисодиёт проф., 1999 йилдан Нью-Йорк университетида молиявий хизматлар менежменти проф., Нобель мукофоти лауреати (2003,

К. Грейжер билан бирга) прогнозлашда муайян ўзгаришларни анча ишончлирок аниклаш йўли (ARCH модели)ни яратган? **Роберт Энгли (1942, Сиракузи, Нью-Йорк штати) яратган.**

1980. Қайси америкалик физиолог, электрофизиология асосчиларидан, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1944) "Юрак блокадаси" (миокард бирор бўлагининг кўзғалишини ўтказиш хусусияти ёмонлашуви ёки тўла йўқолиши) табиатини тадқик этган? **Жозеф Эрлангер (1874.5.1-1965.5.12) тадқик этган.**

1981. Қайси америкалик физик ва кимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1932) мономолекуляр адсорбцион қатламлар тузилишини текширган? **Ирвинг Ленгмюр (1881.31.1-1957.16.8) текширган.**

1982. Қайси америкалик физик ва кимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1932) коллоид системаларнинг назарий масалаларини ишлаб чиккан? **Ирвинг Ленгмюр (1881.31.1-1957.16.8) ишлаб чиккан.**

1983. Қайси америкалик кимёгар, фалсафа доктори (1975), Колорадо университети проф. (1980 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1989) Силайсинг реакцияси учун, яъни энг оддий организмлардан тетрахимена генидаги 2 экзонни ажратиб турувчи интронни олиб ташлаш ва экзонларни ўзаро боғлаш (димеризация) учун зарур ферментни тонгил маъсадида ўтказилган тадқикотлар натижасида бу реакция ҳеч кандай оксил-ферментлар иштирокисиз, ўз-ўзидан ўтишини аниклаган? **Томас Чек (1947.8.12, Чикаго) аниклаган.**

1984. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1960), атом бомбаси яратувчиларидан бири, Нобель мукофоти лауреати (1959) Э. Сегре ва бошқ. олимлар билан ҳамкорликда антипротонни кашф этган? **Оуэн Чемберлен (1920.10.7) кашф этган.**

1985. Қайси америкалик кимёгар, Йель университети проф. (1971), Нобель мукофоти лауреати (1989) рибонуклеаза РНК ва оксил компонентларидан ташкил топганлигини, уларни ажратиш ва қайта бириктириш мумкинлигини, РНК дан ажратиб олинган оксил компонентлари ферментатив фаолликка эга эмаслигини исбот килган? **Сидни Олтмен (1939.8.5, Монреаль) исбот килган.**

1986. Қайси америкалик физик-кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1953 йилдан), фалсафа доктори (1934), Корнелл университети проф. (1948-1956), Нобель мукофоти лауреати (1974) полиҳодентсатланиш жараёнларида функционал гуруҳларнинг реакцияга киришиш хусусияти ўзаро таъсир этувчи молекулалар занжири узунлигига боғлик эмаслигини аниклаган (Флори принципи)? **Пол Жон Флори (1910.19.6, Стерлинг, Иллинойс штати – 1985.9.9) боғлик эмаслигини аниклаган.**

1987. Қайси америкалик физик ва кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Америка кимёгарлар жамияти раиси (1948 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1954) кристалл панжаралардаги "дефект структура" тини тушунчасини жорий этган? **Лайнус Карл Полинг (1901.28.2-1994.19.8) жорий этган.**

1988. Қайси америкалик физик ва кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Америка кимёгарлар жамияти раиси (1948 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1954) америкалик физик-кимёгар Д. Слайтер билан бирга молекулалар структурасини тасвирлаш ва ўрганишнинг квант механик боғлар усулини ишлаб чиккан? **Лайнус Карл Полинг (1901.28.2-1994.19.8) ишлаб чиккан.**

1989. Қайси америкалик физик ва кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1954) дезоксирибонуклеин кислота (ДНК)нинг 3 та полидезоксирибонуклеотид занжиридан иборат гипотетик моделини ишлаб чиккан? **Лайнус Карл Полинг (1901.28.2-1994.19.8) ишлаб чиккан.**

1990. Қайси америкалик физик ва кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1954) Ж. Д. Бенол ва У. Л. Брэгг билан ҳамкорликда оксилларни структуравий тахлил қилиш усулига асос солган? **Лайнус Карл Полинг (1901.28.2-1994.19.8) асос солган.**

1991. Қайси америкалик физик ва кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1954) Р. Корн билан биргаликда оксил молекуласининг α-спирал тузилишини ифодалаб берган? **Лайнус Карл Полинг (1901.28.2-1994.19.8) ифодалаб берган.**

1992. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси ва президенти (1923-1927), Нобель мукофоти лауреати

(1907) жуда юкори аниқлик билан ишлайдиган спектрал асбобни ихтиро қилган? **Альберт Абрахам Майкельсон (1852.19.12, Польша – 1931.9.5, Калифорния) ихтиро қилган.**

1993. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси ва президенти (1923-1927), Нобель мукофоти лауреати (1907) юлдузларнинг бурчак диаметрларини аниқлаган? **Альберт Абрахам Майкельсон (1852.19.12, Польша – 1931.9.5, Калифорния) аниқлаган.**

1994. Қайси америкалик физик ўзи ихтиро қилган интерферометрни қўллаб, ёруғлик тезлигининг Ер ҳаракати тезлигига боғлиқ эмаслигини тажрибада исботлаган? **Альберт Абрахам Майкельсон (1852.19.12, Польша – 1931.9.5, Калифорния) тажрибада исботлаган.**

1995. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1956), Нобель мукофоти лауреати (1983) Қуёшнинг нейтрино оқимини хисоблаган ва уларнинг камлиги тезлигини аниқлаган? **Уильям Алфред Фаулер (1911.9.8, Питербург-1995) камлиги тезлигини аниқлаган.**

1996. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1956), Нобель мукофоти лауреати (1983) Коинотда кимёвий элементларнинг пайдо бўлиши назариясини яратган? **Уильям Алфред Фаулер (1911.9.8, Питербург -1995) яратган.**

1997. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1954), фалсафа доктори (1942), А. Эйнштейн мукофоти (1950), Нобель мукофоти (1965) лауреати ўтаўтказувчанлик ҳодисасининг укурма табиатини тушунтириб берган? **Ричард Филлипс Фейнман (1918.11.5-1988) (Фейнман укурмаси деб аталади) тушунтириб берган.**

1998. Қайси немис физиги К. А. Мюллер билан биргаликда янги ўта ўтказувчан материалларни кашф этгани учун, Нобель мукофоти лауреати бўлган? **Йоханнес Георг Беднорц (1950) Нобель мукофоти лауреати бўлган.**

1999. Қайси америкалик вирусолог ва генетик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1959), Нобель мукофоти лауреати (1969) бактериофагларнинг тузилиши ва кўпайиши механизмини ҳамда уларнинг кўпгина реактивация хусусиятларини кашф этган? **Сальвадор Эдуард Лурия (1912.13.8, Италия**

– 1991), 1940 йилдан АҚШда кашф этган.

2000. Қайси америкалик вирусолог, АҚШ Миллий ФА ҳамда Фан ва санъат академияси аъзоси, Калифорния технология институтида фалсафа доктори (1959), Висконсин штатидаги Мадисон университетида онкология проф. (1969 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1975, Д. Балтимор ва Р. Дульбехно билан ҳамкорликда) хужайра ирсий аппаратининг ўсма вируслари билан таъсирлашувига боғлиқ кашфиёт, яъни провирус назарияси муаллифи? **Хауард Мартин Темин (1934.10.12, Филадельфия) провирус назарияси муаллифи.**

2001. Қайси америкалик вирусолог, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1954) полиомиелит вирусини ундириш техникасини ишлаб чиққан, бу кейинчалик полиомиелитга қарши вакцинанинг яратилишига имкон берган? **Фредерик Чапмен Роббинс (1916.25.8) полиомиелит вирусини ундириш техникасини ишлаб чиққан, бу кейинчалик полиомиелитга қарши вакцинанинг яратилишига имкон берган.**

2002. Қайси америкалик вирсуолог, АҚШ Миллий ФА, Америка Фан ва санъат академияси ҳамда Лондон Қироллик жамияти аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1954) қизамиққа қарши вакцина кашф этган? **Жон Франклин Эндерс (1897.10.2-1985.8.9) кашф этган.**

2003. Қайси америкалик врач ва патолог, Орегона университети ва Бостондаги Гарвард тиббиёт мактабини тугатган; шу мактаб проф. (1940-1950), Нобель мукофоти лауреати (1934, Ж. Майнот ва Ж. Уипл билан ҳамкорликда) пернициоз анемияни даволашда "жигарли пархез"ни кашф қилган? **Уильям Парри Мёрфи (1892-1987) кашф қилган.**

2004. Қайси америкалик цитогенетик, Нобель мукофоти лауреати (1983) кўчиб юрадиган генетик тизимлар (транспозонлар)ни кашф қилган? **Барбара Мак – Клинтон (1902-1992) кашф қилган.**

2005. Қайси америкалик психолог ва нейрофизиолог; Чикаго, Гарвард университетлари, Калифорния технология институти проф. Рожер Уолкотт Сперри (1913.20.8) кайси илмий изланишлари учун Нобель мукофоти лауреати (1981) бўлган? **Асаб (нерв) системасининг тузилиши, кўриш**

нейрофизиологияси, комиссуротомия (чап ва ўнг бош мия ярим шарларини бириктириб турувчи йўлларни жаррохлик усулида (кесиш) асоратлари, чап ва ўнг мия ярим шарларининг вазифаларини ўрганишга оид илмий изланишлари учун Нобель мукофоти лауреати (1981) бўлган.

2006. Қайси америкалик физик ва файласуф, Нобель мукофоти лауреати (1946) юқори босимлар физикаси асосчиси, юқори (425 минг атм гача) босим олиш усулларини ишлаб чиққан, кўпгина моддаларнинг юқори босимларда қандай хоссаларга эга бўлишини текширган? **Перси Уильямс Бриджмен (1882.21.4, Кембриж – 1964.20.8, Рандолф) текширган.**

2007. Қайси америкалик физик-кимегар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1936), Нобель мукофоти лауреати (1949) термодинамиканинг 3-қонуни бошланишини амалий тадқиқотлар ўтказиш натижасида текширган? **Уильям Фрэнсис Жиок (1895.12.5, Канада – 1982.29.3) текширган.**

2008. Қайси америкалик физик-кимегар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1936), Нобель мукофоти лауреати (1949) 0,5 К ҳарорат ҳосил қилишга эришган? **Уильям Фрэнсис Жиок (1895.12.5, Канада – 1982.29.3) эришган.**

2009. Қайси америкалик физик, Стенфорд университетида (1954 йилдан проф.) ишлаган, Нобель мукофоти лауреати (1961) гамма-квантлар, нейтронлар ва рентген нурланишларини қайд қилиш учун мўлжалланган ҳисоблагичларни яратган? **Роберт Хофстеттер (1915.5.2, Нью-Йорк-1990) яратган.**

2010. Қайси америкалик физик, Стенфорд университети проф. (1954 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1961) космик нурларни ва релятивистик электронлар вужудга келтирган каскад жараёнларни ўрганган? **Роберт Хофстеттер (1915.5.2-1990) ўрганган.**

2011. Қайси америкалик физик, Чикаго университети проф. (1946 йилдан) Энрико Ферми билан биргаликда U^{235} нинг критик массасини аниқлаган? **Сцилард Лео (1898.11.2, Будапешт – 1964.30.5, Калифорния) аниқлаган.**

2012. Қайси америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1975, О. Бор ва Б. Моттельсон билан ҳамкорликда) ядронинг умумий моделини таклиф этган? **Жеймс Рейноутер (1917.9.12, Каунсил, Айдахо штати) таклиф этган.**

2013. Қайси америкалик физик, генетик, вирусолог, молекуляр биология асосчиларидан бири, миллати немис, 1937 йилдан АҚШда, АҚШ Миллий ФА акад., фалсафа доктори (1930), Нобель мукофоти лауреати (1969) бактериофагдардаги рекомбинацияни кашф этган? **Макс Дельбрюк (1906.4.9, Берлин - 1981) кашф этган.**

2014. Қайси америкалик физик, генетик, вирусолог, молекуляр биология асосчиларидан бири, миллати немис, 1937 йилда АҚШда, АҚШ Миллий ФА акад., фалсафа доктори (1930), Нобель мукофоти лауреати (1969, А. Д. Херши ва С. Э. Лурия билан ҳамкорликда) кимёвий моддалар тузилишининг квант назарияси масалаларини ишлаб чиққан? **Макс Дельбрюк (1906.4.9, Берлин - 1981) ишлаб чиққан.**

2015. Қайси америкалик физик-кимегар, Нобель мукофоти лауреати (1966) кимёвий боғлар ва молекулаларнинг электрон структура тузилишларини молекуляр орбиталлар усулида аниқлаган? **Роберт Сандерсон Милликен (1896.7.6, Ньюрепорт – 1986.31.10) аниқлаган.**

2016. Қайси америкалик физик, Нобель мукофоти лауреати (1973) Б. Жозефсон номи билан аталувчи ностационар эффектни кашф этган? **Айвар Живер (1929.5.6, Берген, Норвегия) кашф этган.**

2017. Қайси америкалик молекуляр биолог, вирусолог, Нобель мукофоти лауреати (1989) Д. М. Бишоп ва француз олими Д. Стэнлек билан хамкорликда ретровирус онкогенлар хужайравий табиатга эга эканлигини исботлаб беришган? **Харолд Вармус (1939) исботлаб беришган.**

2018. Қайси америкалик астроном, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1877), Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1877), Петербург ФА фахрий аъзоси (1896), Гарвард университетини битирган (1858), асли канадалик, 1853 йилда АҚШга кўчиб ўтган бўлиб, у томонидан аберрацион вакт, нутация ва прецессия доимийларининг сон қийматлари хозир ҳам кўл-

ланилади? **Ньюком (Ньюкомб) Саймон (1865.12.3, Янги Шотландия – 1909.11.7, Вашингтон) томонидан аберрацион вакт, нутация ва прецессия доимийларининг сон кийматлари хозир хам кўлланилади.**

2019. Қайси америкалик геолог ва географ, Америка геоморфология мактабининг асосчиси, Гарвард университети проф. рельеф ривожланишининг географик цикли хакидаги таълимотни яратган? **Уильям Моррис Дейвис, Дэвис (1850.12.2-1934.5.2) таълимотни яратган.**

2020. Қайси америкалик биокимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1959) ДНК – полимераза ферментини кашф этган ва унинг ёрдамида биологик фаолликка эга бўлган ДНК молекуласини синтез килган? **Артур Корнберг (1918.3.3) синтез килган.**

2021. Қайси америкалик биокимёгар, молекуляр биологиянинг асосчиларидан, АҚШ Фан ва санъат академияси аъзоси (1957), АҚШ президентининг фан бўйича маслахатчиси (1962 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1962, Ф. Крик ва М. Уилкинсон билан хамкорликда) Ф. Крик билан хамкорликда ДНК молекуласининг кўш спирали моделини ишлаб чикишган? **Жеймс Дьюи Уотсон (1928.6.4, Чикаго, АҚШ) ишлаб чикишган.**

2022. Қайси америкалик биокимёгар, Сент Луислаги Ж. Вашингтон университети проф. (1932 йилдан) ва Корнелл университетининг Тиббиёт коллежи проф. (1938 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1959) пенициллинни синтез қилиш мумкинлигини кўрсатиб берган? **Винью Винсет Дю (1901.18.5, Чикаго – 1978.11.12) кўрсатиб берган.**

2023. Қайси америкалик биокимёгар, Сент Луислаги Ж. Вашингтон университети проф. (1932 йилдан) ва Корнелл университети Тиббиёт коллежи проф. (1938 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1959) В гурухи витаминларининг олиниш усулларини ишлаб чиккан? **Винью Винсет Дю (1901.18.5, Чикаго – 1978.11.12) ишлаб чиккан.**

2024. Қайси америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1961) ўсимликларнинг CO_2 ни ўзлаштириш пайтида содир бўладиган биокимёвий жараёнлар боскичларини кашф этган? **Мелвин Калвин (1911.7.6) кашф этган.**

2025. Қайси америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1966), Нобель мукофоти лауреати (1968) генетик кодниг мохиятини аниклаган? **Хар Гобинд Корана (1922.9.1, Хиндистон) аниклаган.**

2026. Қайси америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1957), тиббиёт доктори, Нобель мукофоти лауреати (1959, Корнберг билан бирга) генетик кодниг маъносини очиб берган? **Северо Очоа (1905.24.9, Луарка, Испания – 1993.11.1, Мадрас) очиб берган.**

2027. Қайси америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1957), тиббиёт доктори, Нобель мукофоти лауреати (1959, Корнберг билан бирга) полинуклеотидфосфорилаза ферментини ажратиб олиб тадкик этган? **Северо Очоа (1905.24.9, Луарка, Испания – 1993.11.1, Мадрас) тадкик этган.**

2028. Қайси америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1966), Нобель мукофоти лауреати (1968) мембрана оқсилларининг тузилишини аниқлаган? **Хар Гобинд Корана (1922.9.1, Хиндистон) аниклаган.**

2029. Қайси америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий академияси ва Лондон Қироллик жамияти аъзоси, Вашингтон университети проф. (1931 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1947, Г. Т. Кори билан хамкорликда) каталитик жараёнларини аниклаган? **Карл Фердинанд Кори (1896.5.12, Прага-1987) аниклаган.**

2030. Қайси америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий академияси ва Лондон Қироллик жамияти аъзоси, Вашингтон университети проф. (1931 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1947, Г. Т. Кори билан хамкорликда) глюкоза (I)-фосфат моддасини кашф этган ва соф холда ажратиб олган? **Карл Фердинанд Кори (1896.5.12, Прага-1987) ажратиб олган.**

2031. Қайси америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий ФА (1967) ва Америка Фан ва санъат академияси (1966) аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1968) польуридил кислота полифенилаланинни синтез қилиш учун матрица бўлиб хизмат килишини исботлаб берган? **Маршалл Уоррен Ниренберг (1927.10.4) исботлаб берган.**

2032. Қайси америкалик биокимгар ва вирусолог, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1941 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1946) биринчи марта вирусни микробиология услуби билан эмас, балки Ж. Д. Сампер ва Ж. Мортон услуби билан суюк экстракти кристаллаб ажратиб олган? **Уэнделл Мередит Стэнли (1904.16.8-1971.15.6) ажратиб олган.**

2033. Қайси америкалик биокимёгар, АҚШ Миллий ФА ва Америка Фан ва санъат академияси аъзоси, Нью-Йоркдаги Рокфеллер тиббиет тадкикотлари институти проф. (1952 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1972) аминокислоталар микдорини аниклаш, уларни хроматографик усулда ажратиш учун автоматик курилмани таклиф этган? **Стэнфорд Мур (1913.4.9-1982.23.8) таклиф этган.**

2034. Қайси америкалик биокимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1980) 2 та хар хил вируслан ДНКнинг рекомбинант молекулаларини хосил килиб, шу вируслар асосида индивидуал генлар тузилишини тадкик этган? **Пол Берг (1926) тадкик этган.**

2035. Қайси америкалик зоолог, генетика асосчиларидан бири, АҚШ Миллий ФА президенти (1927-1931), Лондон Кироллик жамияти аъзоси (1919 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1933) ирсиятнинг хромосома назариясини асослаб берган? **Томас Хант Морган (1866.25.9, Лексингтон, Кентукки – 1945.4.12, Пасадена, Калифорния) асослаб берган.**

2036. Қайси америкалик зоолог, генетика асосчиларидан бири, АҚШ Миллий ФА президенти (1927-1931), Лондон Кироллик жамияти аъзоси (1919 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1933) ва унинг ходимлари томонидан хромосомалар чалкашуви ва кроссинговер ходисаси кашф этилган? **Томас Хант Морган (1866.25.9, Лексингтон, Кентукки – 1945.4.12, Пасадена, Калифорния) кашф этилган.**

2037. Қайси америкалик врач-вирусолог, Америка фан ва санъат академияси, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1964), Нобель мукофоти лауреати (1954) Ф. Роббинс ва Ж. Эндерс билан хамкорликда полиомиелит вируси нейротроп эмаслигини ва вируслар етиштиришда хужайралар культураси усулини ишлаб чикишган? **Томас Хакл Уэллер (1915.15.6) ишлаб чикишган.**

2038. Қайси америкалик врач, нейрофизиолог, Канадада тугилган, Нобель мукофоти лауреати (1981, Т. Н. Визель билан хамкорликда) миянинг ташки таъсиротларни кабул килувчи нейрон структураларида ахборотни кайта ишлаш принципларини кашф этган? **Дэвид Хантер Хьюбел (1926) кашф этган.**

2039. Қайси америкалик врач, вирусолог ва эпидемиолог, Нобель мукофти лауреати (1976) оламда вируслар кўзгагиб аста-секин кечадиган касалликлар (яширин даври бир неча йил давом этадиган ва асосан, марказий асаб системасига зарар етказадиган касалликлар)ни аниклаган; бу касалликларнинг сабаблари, келиб чикиш механизмлари ва хусусиятлари, кечиши устида тадкикот олиб борган? **Даниел Карлтон Гайдузек (1923) олиб борган.**

2040. Қайси америкалик врач-патолог, Калифорния университети проф. (1914 йилдан), Рочестер университети патология проф. (1921-1955), Нобель мукофоти лауреати (1934) гемонозда жигарнинг ахамиятини ва перницноз анемияда жигар препаратларини кўллаш усулини кашф этган? **Жорж Хойт Уипл (1878.28.8-1976.1.2) кашф этган.**

2041. Қайси америкалик хирург ва онколог, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1949 йилдан), 1927 йилдан Чикаго университетида ишлаган (1936 йилдан хирургия профессори), Нобель мукофоти лауреати (1966, Роус Ф. П. билан хамкорликда) простата бези ракини даволашда биринчи марта гормонларни кўллаб, гормонотерапиянга асос солган, бу рак кимётерапияси ривожига олиб келган? **Чарльз Бретон Хаггинс (1901.22.9, Галифакс, Канада) ривожига олиб келган.**

2042. Қайси америкалик хирург-кардиолог; АҚШ Миллий ФА аъзоси, тиббиёт проф. (1947-1961), Нобель мукофоти лауреати (1956, А. Курнан ва В. Форсман билан бирга) А. Курнан билан хамкорликда юрак ва ўпканинг нормал ва патологик холатидаги функциясини (жумладан, юракни катетерлашни) тадкик этган; травматик шокда юрак фаолиятининг ўзига хос жихатларини ўрганган? **Дикинсон Ричардс (1895.3.10, Орандж, Нью Жерси - 1973) тадкик этган.**

2043. Қайси америкалик патолог ва онколог, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1966) товуклар-

да саркома пайдо киладиган онкоген вирусларни кашф этган? **Фрэнсис Пейтон Роус, Раус (1879.5.10-1970.16.2) кашф этган.**

2044. Қайси америкалик патолог ва онколог, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1966) ўсмалар этнологияси ва патогенезисида вируслар ва канцероген моддалар ролини талқик этган? **Фрэнсис Пейтон Роус (1879.5.10-1970.16.2) тадкик этган.**

2045. Қайси америкалик генетик, Нобель мукофоти лауреати (1958) "Бир ген – бир фермент" концепциясининг муаллифларидан бири (хар бир ген фақат битта фермент синтезига жавоб беради, 1941)? **Жорж Уэллс Бидл (1903-1989) жавоб беради.**

2046. Қайси америка генетиги, Нобель мукофоти лауреати (1985) одам ва хайвонлар организмида липидларнинг ташилиш ва холестерин алмашинувининг бошкарилиш механизми устида тадкикот олиб борган? **Майкл Стюарт Броун (1941) тадкикот олиб борган.**

2047. Қайси америкалик генетик ва вирусолог, Америка Фан ва санъат академияси аъзоси, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1958 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1969) бактериофаглар хромосомасининг генетик харитасини тузган? **Альфред Дей Херши (1908.4.12) генетик харитасини тузган.**

2048. Қайси америкалик генетик, тиббиёт доктори (1954 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1978, Х. Смит билан хамкорликда) рестрикцион энзимлар (ферментлар) кашф этган ва уларни молекуляр генетикада қўллаган? **Даниел Натанс (1928.30.10, Уилмингтон ш.) кашф этган ва уларни молекуляр генетикада қўллаган.**

2049. Қайси америкалик генетик ва вирусолог, Америка Фан ва санъат академияси аъзоси, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1958 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1969) бактериофаглар иркитини ташувчиси унинг ДНКси эканлигини аниклаган? **Альфред Дей Херши (1908.4.12) аниклаган.**

2050. Қайси америка иктисодчиси, 1948 йилда докторлик илмий даражасини олган, Нобель мукофоти лауреати (1986) ижтимоий танлов назарияси асосчиси? **Жеймс Макл – Гил Бьюкенен (1919.2.10) асосчиси.**

2051. Қайси америкалик иктисодчи ва математик, Нобель мукофоти лауреати (1975) чизикли дастурлаштириш усулини яратган ва уни анъанавий микроиктисодий назария билан боғлаган? **Тъяллинг Чарльз Купманс (1910.28.8-1985.26.7) яратган ва боғлаган.**

2052. Қайси америкалик иқтисодчи ва магематик, Нобель мукофоти лауреати (1975) миллий даромадни инвестициялар ва истеъмол ўртасида замон (вакт)да оптимал тақсимлашга оид бир қанча мухим теоремаларни яратган? **Тъяллинг Чарльз Купманс (1910.28.8-1985.26.7) яратган.**

2053. Қайси америкалик иқтисодчи ва математик, Лондон университетида магематик статистика ва унинг иқтисодиетта татбики бўйича доктор (1936), Нобель мукофоти лауреати (1975) чизикли дастурлаштириш усулини яратган ва уни анъанавий микроиктисодий назария билан боғлаб, ракобатли иқтисодиёт шароитларида ресурслар аллонацияси моделини илгари сурган? **Тъяллинг Чарлз Купманс (1910.28.8, Нидерландия – 1985.26.7, АҚШ) моделини илгари сурган.**

2054. Қайси америкалик иқтисодчи, хукук доктори (1939), иқтисодиёт адъюнкт-проф. (1949), Иллинойс университети иқтисодиёт проф. (1950-1952), проф. (1952-1960), Кембриж университети проф. (1970) хейнчалик сиёсий иқтисодини неоклассик иқтисодий назария ва монетар тахлил билан уйғунлаштиришга эришган, макроиктисодий назарияда рационал кутиш концепциясини ривожлантиришга, пул ва фоиз назариясига, "қаттий цикл" модели ва инвестиция карорлари моделларини яратишга катта хисса қўшган? **Франко Модильяни (1918.18.6, Рим) катта хисса қўшган.**

2055. Қайси америкалик иқтисодчи, Массачусетс технология институтида докторлик илмий даражасини олган (1967), АҚШ Президенти Б. Клинтоннинг иқтисодий маслахатчилари кенгаши аъзоси (1993-1997), Жахон банки вице-президенти ва бош иқтисодчиси (1997-2000), Нобель мукофоти лауреати (2001) ассимметрик ахборотларга асосланган бозор назариясини асослаб берган? **Жозеф Стиглиц (1943.9.2) асослаб берган.**

2056. Қайси америкалик биокимегар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1948 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1946) илк бор уреаза энзимини кристалл шаклда ажратиб олган? **Жеймс Беттеллер Самнер (1887.19.11, Коптон, Огайо штати – 1955.12.8) ажратиб олган.**

2057. Қайси америкалик биокимегар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1948 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1946) юкори даражада фаол ферментлар препаратларини синтез килган ва бу кристалл ферментларнинг соф оксиллар эканлигини исботлаган? **Жеймс Беттеллер Самнер (1887.19.11, Коптон, Огайо штати – 1955.12.8) синтез килган ва бу кристалл ферментларнинг соф оксиллар эканлигини исботлаган.**

2058. Қайси америкалик иктисодчи, Масачусетс технология институти проф. (1951-1959), Пристон университети математика факультети проф. (1959 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1994, Ж. Харшаньи ва Р Зелтен билан биргаликда) умумий ўйин назариясига нокооператив ўйинлар концепциясини киритган? **Жон Нэш (1928.13.6, Блуфильд, Гарбий Виржиния) киритган.**

2059. Қайси америкалик иктисодчи, Кембриж университети проф. (1969-1980), Нобель мукофоти лауреати (1997) иккиламчи киммати когозлар ёки "деривагив"ларнинг опционлари кийматини баҳолашда фойдаланиладиган "Блэк-Скоулз формула"сини ечишнинг янги услубларини яратган. Натижада, бу формуладан кенг фойдаланиш имконияти пайдо бўлган? **Роберт Мертон (1944, Нью-Йорк) яратган.**

2060. Қайси америкалик иктисодчи, иктисод доктори (1951), Станфорд (1949-1968) ва Гарвард (1968-1974) университетларида проф., АҚШ Миллий ФА, Эконометрика жамияти ва бошка ташкилотлар аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1972, Хикс сэр Жон Ричард билан ҳамкорликда) умумий иктисодий мувозанат ва фаравонлик назариясига мухим ҳисса кўшган? **Кеннеит Жон Эрроу (1921, Нью-Йорк) мухим ҳисса кўшган.**

2061. Қайси америкалик иктисодчи, иктисодий назарияда Чикаго мактабининг етакчи вакили, фалсафа (1946) ва хукук (1968) доктори, Чикаго университетида иктисодиет проф.

(1948 йилдан), АҚШ Президенти Р. Никсоннинг иктисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси (1971-1974 йилларда), Нобель мукофоти лауреати (1976) АҚШнинг деярли 100 йиллик пул муомаласи тарихини ўрганиб пулнинг миқдорий назариясини асослаб берган? **Милтон Фридмен (1912.31.7) асослаб берган.**

2062. Қайси америкалик иктисодчи, Гарвард университетида В. Леонтьев кўлида сабок олган, 1961-1963 йилларда АҚШ Президентининг иктисодий маслаҳатчиси, Нобель мукофоти лауреати (1987) бюджет сиёсати назарияси, шаҳарлар иктисодиети ва ердан фойдаланиш, ишсизлик назарияси ва бошқ.га катта хисса кўшган? **Роберт Мертон Солу (1924.23.8, АҚШ, Нью-Йорк) катта ҳисса кўшган.**

2063. Қайси америкалик иктисодчи, Гарвард университети доктори (1955), Жорж Мейсон университетида проф., Нобель мукофоти лауреати (2002, Д. Канетан билан биргаликда) иқтисодий тахлилда эмпирик усуллардан фойдаланишни олга сурган? **Вернон Смит (1927, АҚШ, Вичита, Канзас штати) олга сурган.**

2064. Қайси америкалик иктисодчи (асли канадалик), Гарвард университетида иктисодиет доктори қайси тадқиқотлари учун Нобель мукофоти лауреати (2001) бўлган? **Майкл Спеж (1943, Монтклер, АҚШ, Нью-Жерси штати) асимметрик ахборотли бозорлар, меҳнат бозори, ташки сигналлар назариялари соҳасидаги тадқиқотлари учун Нобель мукофоти лауреати (2001) бўлган.**

2065. Қайси америкалик иктисодчи, Чикаго университетида иктисодиёт доктори (1969), Нобель мукофоти лауреати (1997, Р. Мартон билан биргаликда) Станфорд университети проф. Ф. Блек билан ҳамкорликда фонд бозорида акциялар опциони кийматини аниклашнинг принципиал янги усулини ишлаб чиккан? **Майрон Скоулс (1941, АҚШ, Калифорния штати) аниклашнинг принципиал янги усулини ишлаб чиккан.**

2066. Қайси америкалик иктисодчи, Чикаго университети доктори (1938), Нобель мукофоти лауреати (1982) биринчилардан бўлиб, формал микроиктисодий назарияларда саноат ташкилотлари тўғрисидаги билимларни кенг кўллаш гоясини илгари сурган? **Жорж Жозеф Стиглер (1911-1991) илгари сурган.**

2067. Қайси инглиялик паразитолог, микробиолог ва врач, Лондон Кироллик жамияти аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1902) безгакни анофелес уругига мансуб чивинлар таркатишини аниқлаган? **Роналд Росс (1857.13.5, Алмора, Ҳиндистон – 1932.16.9, Лондон) аниқлаган.**

2068. Қайси антрополог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1959), проф. (1935) туркманларни скиф – сарматлардан келиб чиққанлиги ҳақидаги гипотезани асослаб берган? **Лев Васильевич Ошанин (1884.7.3-Тошкент – 1962.9.1) гипотезани асослаб берган.**

2069. Қайси аргентиналик физиолог, Аргентина биологлар жамиятининг президенти, тиббиёт доктори (1911), АҚШ Миллий ФАнинг хорижий аъзоси, Лондон Кироллик жамияти ва бошқа ФА ҳамда жамиятлар аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1947) қалқонсимон без, гипофиз, буйрак усти бези пўстлоги гормонларининг углеводлар алмашинувидаги аҳамиятини, шунингдек, қандли диабет касаллигида углеводлар алмашинуви издан чиқишини аниқлаган? **Бернардо Альберто Усай, Хуссей (1887.10.4, Буэнос – Айрес – 1971.21.9) аниқлаган.**

2070. Қайси аргентиналик биокимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1984, Г. Келер ва Н. К. Ерне билан ҳамкорликда) моноклонал антителолар олиш ва иммуногенезининг турсимон назорати бўйича кашфиётлар қилган? **Сезар Мильштейн (1927.8.10, Байя-Бланка) кашфиётлар қилган.**

2071. Қайси америкалик физик, Нобель мукофоти лауреати (1923) электрон зарядини ўлчаш усулини яратган? **Роберт Эндрус Милликен (1868.12.3, Моррисон – 1953.13.12, Сан-Марино) яратган.**

2072. Қайси АҚШ кимёгари, Америка Фан ва санъат академияси ва Нью-Йорк академияси аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1972, Р. Р. Портер билан ҳамкорликда) хужайралар ва антителоларни фракцияларга ажратиш, оқсилларни флуоресценг спектроскопия қилиш усулларини ишлаб чиққан? **Жеральд Морис Эдельмон (1929.1.7, Нью-Йорк) ишлаб чиққан. Ушбу усуллар ёрдамида иммуноглобулинларнинг молекулалари тўғри полинуклеотид занжирлан иборат эканлигини аниқлаган.**

2073. Қайси АҚШ биокимёгари, Америка Фан ва санъат академияси ҳамда Нью-Йорк академияси аъзоси, тиббиёт доктори (1954), Нобель мукофоти лауреати (1972) флуоресцент спектроскопия қилиш усуллари ёрдамида иммуноглобулинларнинг молекулалари тўғри полинуклеотид занжирдан иборат эканлигини аниқлаган? **Жеральд Морис Эдельман (1929.1.7.) аниқлаган.**

2074. Қайси инглиз физиги, Нобель мукофоти лауреати (1922) масс-спектрографияни яратган? **Фрэнсис Уильям Астон (1877-1945) масс-спектрографияни яратган.**

2075. Қайси инглиз физиологи, Лондон Кироллик жамияти аъзоси (1918 йилдан, 1935-195 йиллар котиб), фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш жамияти раиси (1946-1963, 1963 йилдан президент), Нобель мукофоти лауреати (1922, О. Мейергоф билан ҳамкорликда)нинг илмий ишлари мускуллар фаолияти термодинамикаси ва мускуллар қисқариши механизмига оид? **Archibald Vivien Hill (1886.26.9, Бристол, Англия – 1977.3.6 Кембриж)нинг илмий ишлари.**

2076. Қайси инглиз физик-кимёгари, Лондон Кироллик жамияти аъзоси (1929), Нобель мукофоти лауреати (1936, Н. Н. Семёнов билан ҳамкорликда), рус олими Н. Н. Семёнов билан бир вақтда занжир реакциялар назарияси асосларини яратган? **Сирил Норман Хеншелвуд (1897.19.6-Лондон-1967.9.10) яратган.**

2077. Қайси АҚШ олими реология (моддалар деформацияси ва оқувчанлиги тўғрисидаги фан) терминини киритган? **Ю. Бингам киритган.**

2078. Қайси бельгиялик физиолог ва фармаколог; Нобель мукофоти лауреати (1938) нафас ва қон айланишининг бошқарилишида каротид синуслар ва аорта хеморецепторлари аҳамиятини кашф этган? **Корней Хейманс, Гейманс (1892-1968) кашф этган.**

2079. Қайси америкалик биолог ва иммуно-генетик, Нобель мукофоти лауреати (1980, Б. Бенасерраф ва Ж. Доссе билан ҳамкорликда) хужайра сиртида жойлашган ва иммун реакцияларни бошқарадиган генетик структураларни кашф этган? **Жорж Дейвис Снелл (1903.19.12).**

2080. Қайси белгиялик иммунолог ва бактериолог, Нобель мукофоти лауреати (1919) серологик реакциялар ме-

ханизми, комплементни боғлаш реакциясини кашф этган? **Жюль Борде (1870-1961) кашф этган.**

2081. Қайси бельгиялик иммунолог ва бактериолог, Нобель мукофоти лауреати (1919), кўкйўтал қўзғатувчисини аниқлаб, унинг олдини олиш учун эмлаш усулини ишлаб чиққан? **Жюль Борде (1870-1961) ишлаб чиққан.**

2082. Қайси бельгиялик биокимёгар, Тиббиёт Қироллик академияси ва Бельгия ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1974) қандли диабетни даволашда ишлатиладиган инсулин ҳамда глюкагоннинг биокимёсини ўрганган? **Де Дюв Кристиан Рене (1917.2.10, Темс – Диттон, Буюк Британия) ўрганган.**

2083. Қайси бельгиялик биокимёгар, Тиббиёт Қироллик академияси ва Бельгия ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1974, Ж. Э. Паладе ва А. Клод билан ҳамкорликда) субҳужайравий тузилма – лизосомаларни кашф этган? **Дюв Кристиан Рене Де (1917.2.10. Темс-Диттон, Буюк Британия) кашф этган.**

2084. Қайси бельгиялик биокимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1984, Э. Палладе ва К. Р. Де Дюв билан ҳамкорликда) оксидланиш жараёнлари (ҳужайранинг нафас олиши) митохондрияларда кечишини аниқлаган? **Альберт Клод (1899.23.8, Лонглер, Бельгия - 1983) аниқлаган.**

2085. Қайси бельгиялик биокимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1984, Э. Палладе ва К. Р. Де Дюв билан ҳамкорликда) биринчилардан бўлиб субҳужайравий структураларни тадқиқ этишда дифференциал центрифугалаш усулини қўллаган? **Альберт Клод (1899.23.8, Лонглер, Бельгия - 1983) қўллаган.**

2086. Қайси бельгиялик америка кимёгари бакелит (фенол ёки крезолни формальдегид билан ишлашда олинадиган синтетик смола)ни ихтиро қилган? **Л. Бакеланд (1863-1944) ихтиро қилган.**

2087. Қайси венгер электротехниги электр станциялари учун генераторлар, турбогенераторлар, трансформаторлар ва бошқ. электр жиҳозларни лойиҳалаган? **Отто Титус Блати (1860.11.8-1939.26.9) лойиҳалаган.**

2088. Қайси венгриялик физик-кимёгар, радиокимёгар, Венгрия ФА фахрий аъзоси (1945 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1943) илк бор биологияда радиоактив индикатор (радий Д) қўллаб ўсимликларда кўргошиннинг таксимланишини ўрганган? **Дьердь Хевеши (1885.1.8, Будапешт -1966.5.7, Фрейберг, ГФР) ўрганган.**

2089. Қайси генетик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), проф. (1958)нинг илмий ишлари эхинококк биологияси ва Ўзбекистонда безгак касаллигига қарши биологик кураш усулларига оид? **Николай Петрович Соколов (1899, Тула губернияси – 1971, Андижон)нинг илмий ишлари эхинококк биологияси ва Ўзбекистонда безгак касаллигига қарши биологик кураш усулларига оид.**

2090. Қайси голланд физиги, физик-кимёгари, 1940 йилдан АҚШда, Берлин университети (1935 йилдан) ва Итака (АҚШ)дан Корнелл университети проф. (1940 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1936) поликристалл материалларнинг ички тузилишини рентген нурлари ердамида ўрганиш усулини ишлаб чиққан? **Петер Йозеф Вильгельм Дебай (1884.24.3, Маастрихт – 1966.2.11, Итака, АҚШ) (Дебой – Шеррер усулини) ишлаб чиққан.**

2091. Қайси голланд назариётчи физиги, Лейден университети проф. (1878-1923), Нобель мукофоти лауреати (1902, П. Зееман билан ҳамкорликда) Ж. К. Максвеллнинг электромагнит назариясига асосланиб, электрон назариясини яратган? **Хендрик Антон Лоренц, Лоренц (1853.18.7, Арнем-1928.4.2, Харлем) электрон назариясини яратган.**

2092. Қайси голланд назариётчи физиги, Лейден университети проф. (1878-1923), Нобель мукофоти лауреати (1902, П. Зееман билан ҳамкорликда) ёруғлик дисперсиясини ёруғликнинг синиш кўрсаткичи ва қутбланувчанлиги орасидаги боғланишни аниқлаган? **Хендрик Антон Лоренц, Лоренц (1853.18.7, Арнем-1928.4.2, Харлем) аниқлаган**

2093. Қайси голланд назариётчи физиги, Лейден университети проф. (1878-1923), Нобель мукофоти лауреати (1902, П. Зееман билан ҳамкорликда) Зееман эффектини тушунтириб берган? **Хендрик Антон Лоренц, Лоренц (1853.18.7, Арнем-1928.4.2, Харлем) тушунтириб берган.**

2094. Қайси голландиялик астроном ва математик Р. Декарт билан ёруғлик нурининг синиш қонунини очишган? **В. Снелиус (Снелль) очишган.**

2095. Қайси голланд назариётчи физиги, Лейден университети проф. (1878-1923), Нобель мукофоти лауреати (1902, П. Зееман билан ҳамкорликда) электромагнит майдонда ҳаракатланаётган зарядли заррача таъсир этувчи куч (Лоренц кучи) ифодасини келтириб чиқарган? **Хендрик Антон Лоренц, Лоренц (1853.18.7, Арнем-1928.4.2, Харлем) келтириб чиқарган.**

2096. Қайси голланд назариётчи физиги, Лейден университети проф. (1878-1923), Нобель мукофоти лауреати (1902, П. Зееман билан ҳамкорликда) нисбийлик назарияси асосида етган ва унинг номи билан аталадиган координаталарни алмаштириш (Лоренц алмаштиришлари)ни ишлаб чиққан? **Хендрик Антон Лоренц, Лоренц (1853.18.7, Арнем-1928.4.2, Харлем) ишлаб чиққан.**

2097. Қайси голланд физиги ва кимёгари, Голландия ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1913) 1,04 К паст ҳароратни олишга муваффақ бўлган ва жисмларнинг паст ҳарорат шароитидаги хоссаларини ўрганиб чиққан? **Хейке Камерлинг – Оннес (18953.21.9-1926.21.2) ўрганиб чиққан.**

2098. Қайси назариётчи физик, Нобель мукофоти лауреати (1921) ёруғлик нурланишини ёруғлик квантлари ёки фотонлар оқимидан иборат деб ҳисоблаб, ёруғлик нурларининг дискретлиги, квант структурага эга эканлиги ҳақидаги тасаввурни фанга киритган? **Альберт Эйнштейн (1879.14.3 – 1955.18.4) фанга киритган.**

2099. Қайси назариётчи физик, Нобель мукофоти лауреати (1921) изотопни назарий жиҳатдан кашф қилган? **Альберт Эйнштейн (1879.14.3 – 1955.18.4) кашф қилган.**

2100. Қайси голландиялик бактериолог ва шифокор, Голландия Утрехт университети проф. (1898-1928), Нобель мукофоти лауреати (1929, Ф. Г. Хопкинс билан ҳамкорликда) витамин танқислиги айрим касалликлар пайдо қилишини кашф этган? **Христиан Эйкман (1858.11.8, Нейкерк, Гелдерланд-1930.5.11, Утрехт) кашф этган.**

2101. Қайси голландиялик микробиолог бактериялар ва ўсимликлар фотосинтезини солиштириб, бирламчи фотосинтезнинг фотокимёвий жараёни сувнинг диссоциланишидан иборатлигини аниқлаган? **К. Б. Ван Ниль аниқлаган.**

2102. Қайси голландиялик физиолог олим, электронейрофизиология фанининг вакилларидан бири, Нобель мукофоти лауреати (1924) ишлаб чиққан электрокардиограммаларнинг математик таҳлил усули юрак электрик реакциялари моҳиятини ўрганишга бирмунча аниқлик киритган? **Виллем Эйнтховен (1860.21.5-1927.29.9) аниқлик киритган.**

2103. Қайси Голландия-англиялик зоопсихолог ва этолог, Лейден ва Оксфорд университетлари, Вольфсон коллежида (проф., 1966) ишлаган (1949 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (К. фон Фриш ва К. Лоренц билан ҳамкорликда) индивидуал ва ижтимоий юриш-туришнинг тузилиши ва шаклланиши билан боғлиқ кашфиётлар қилган? **Николас Тинберген (1907.15.4, Гаага – 1988.21.12) кашфиётлар қилган.**

2104. Қайси голланд иқтисодчиси, ҳозирги замон математик иқтисодчилари вакилларидан бири, Нидерландия ФА аъзоси, (1933 йилдан Роттердамдаги Нидерландия иқтисодий фанлар мактаби проф., 1945-1955 йилларда Марказий режалаштириш бюроси раҳбари, 1965-1970 йилларда БМТнинг режалаштириш бўйича қўмита раиси, Нобель мукофоти лауреати (1969, Р. Фишер билан бирга) "капиталистик самарадорлик" ва "социалистик текислик"ка асосланган "оқилона тузум" ғоясини олға сурган" **Ян Тинберген (1903.12.4, Гаага-1994, Роттердам) олға сурган.**

2105. Қайси бельгиялик физик ва физик-кимёгар, Бельгия Қироллик академияси аъзоси (1953) ва президенти (1960 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1977) номутаносиб жараёнлар назариясининг асосий теремаларидан бирини ишлаб чиққан? **Илья Пригожин (1917.25.1, Москва) (Пригожин теоремаси) ишлаб чиққан.**

2106. Қайси голланд муҳандиси, тезлаткичлар ва электрон микроскоп бўйича мутахассис, Нобель мукофоти лауреати (1984) зарралар дастасини тасодифий тарзда совитиш усулини таклиф этган, шу усул билан оралиқ вектор бозонлар (W^+ ва Z^0)ни кашф этган? **Мер Симон ван дер (1925) кашф этган.**

2107. Қайси немис назариётчи физиги, Нобель мукофоти лауреати (1963) М. Гепперт – Майердан мустақил равишда ядронинг қобиқ моделини ишлаб чиққан? **Ханс Даниель Йенсен, Йоханнес (1907.25.6, Гамбург – 1973.11.11, Гейдельберг) ишлаб чиққан.**

2108. Қайси немис назариётчи физиги, Нобель мукофоти лауреати (1963) фанга спин-орбитал боғланиш тушунчасини киритган? **Ханс Даниель Йенсен, Йоханнес (1907.25.6, Гамбург – 1973.11.11, Гейдельберг) киритган.**

2109. Қайси немис назариётчи физиги, Нобель мукофоти лауреати (1963) кристалларда ионларнинг ўзаро таъсирлашишини ўрганган ва кристаллар тўлиқ энергиясининг атомлараро масофага боғлиқлигини аниқлаган? **Ханс Даниель Йенсен, Йоханнес (1907.25.6, Гамбург – 1973.11.11, Гейдельберг) аниқлаган.**

2110. Қайси немис назариётчи физиги, Нобель мукофоти лауреати (1967) юлдузларда термоядровий реакцияларнинг мавжуд бўлиш эҳтимоллигини айтган? **Ханс Альбрехт Бете (1906) айтган.**

2111. Қайси немис назариётчи физиги, Нобель мукофоти лауреати (1967) биринчи атом бомбасини яратишда иштирок этган? **Ханс Альбрехт Бете (1906) иштирок этган.**

2112. Қайси немис назариётчи физиги, Нобель мукофоти лауреати (1967) зарралар энергиясини ҳисоблаш формуласини чиқарган? **Ханс Альбрехт Бете зарралар энергиясини ҳисоблаш формуласини чиқарган.**

2113. Қайси немис назариётчи физиги, Нобель мукофоти лауреати (1967) ядро реакциясининг цикли деб аталувчи назарияни кашф қилган? **Ханс Альбрехт Бете ядро реакциясининг цикли деб аталувчи назарияни кашф қилган.**

2114. Қайси немис органик-кимёгари, Берлин (1906 йилдан) ва Кильск университети проф. (1916 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1950, Альдерс билан ҳамкорликда) селен ёрдамида органик бирикмаларнинг углерод панжараларини ўзгартирмасдан дегидрирлаш усулини таклиф қилган? **Отто Паул. Герман Дильс (1876.23.1, Гамбург – 1954.7.3) таклиф қилган.**

2115. Қайси америкалик назариётчи физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1963) биринчи америка ядро реакторини яратганлардан бири? **Южин Пол Вигнер (1902.17.11, Будапешт) биринчи америка ядро реакторини яратганлардан бири, 1930 йилдан АҚШда яшайди.**

2116. Қайси немис зоологи координацияни корреляция деб атаган? **Л. Плате корреляция деб атаган.**

2117. Қайси немис физиги, Берлин физика-техника илмий тадқиқот институти президенти (1933-1939), Немис илмий жамияти президенти (1934-1936), Нобель мукофоти лауреати (1919) ёруғликнинг бир жинсли бўлмаган электр майдондан ўтаётганда оғишини аниқлаган? **Йоханнес Штарк (1814.15.4, Шаккенхоф-1957.21.6, Траунштейн) аниқлаган.**

2118. "Қайси немис геофизиги "Петрофизика" тушунчаси (тоғ жинслари физик хоссаларини уларнинг минерал таркиби, структураси ва пайдо бўлиш тарихи билан боғлиқлигини ўрганувчи фан)ни фанга киритган? **Ф. Фёрних фанга киритган.**

2119. Қайси давлатда қачон от билан ҳаракатга келтириладиган биринчи макарон фабрикаси қурилган? **Италияда XVIII асрнинг 60-йилларида қурилган.**

2120. Қайси даниялик физиолог, Копенгаген университети проф. (1916-1945), Нобель мукофоти лауреати (1920) турли аъзолардаги капиллярлар деворининг анатомик – физиологик хусусиятларини ва капилляр қон айланишининг моддалар алмашинувидаги аҳамиятини аниқлаган? **Август Крог (1874.15.11, Грено, Ютландия – 1949.13.9, Копенгаген) аниқлаган.**

2121. Қайси даниялик физиолог, Копенгаген университети проф. (1916-1945), Нобель мукофоти лауреати (1920) капиллярлар ва аъзолар фаолияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, ҳужайралар фаолияти ва биологик мембраналар ўтказувчанлигида ионларнинг аҳамиятини тадқиқ қилган? **Август Крог (1874.15.11, Грено, Ютландия – 1949.13.9, Копенгаген) тадқиқ қилган.**

2122. Қайси даниялик физиолог, Копенгаген университети проф. (1916-1945), Нобель мукофоти лауреати (1920) микротонометрия, дифференциал манометрия, одам юрагидан ўтадиган қоннинг минутлик ҳажмини аниқлаш каби физиологик усулларни ишлаб чиққан? **Август Крог (1874.15.11, Грено, Ютландия – 1949.13.9, Копенгаген) ишлаб чиқкан.**

2123. Қайси даниялик физиотерапевт, Копенгагендаги ёруғлик билан даволаш институти ташкилотчиси ва директори (1896-1904), Нобель мукофоти лауреати (1903) ёруғлик билан даволашнинг илмий асосларини ишлаб чиққан? **Нильс Рюберг Финзен, Фижен (1860.15.12, Тарсхавн, фарер ороли -1904.24.9, Копенгаген) ишлаб чиққан.**

2124. Қайси даниялик физик, Дания Қироллик жамияти котиби (1815 йилдан), Копенгаген университети проф. (1806 йилдан), Копенгаген политехника мактабининг директори (1929) термоэлектр эффектини Ж. Фурье билан биргаликда кайта кашф килган? **Кристиан Эрстед Ханс (1777.4.8-1851.9.3) кашф килган.**

2125. Қайси даниялик физик, Дания Қироллик жамияти котиби (1815 йилдан) термоэлектр эффектини кайта кашф килган (Ж. Фурье билан)? **Кристиан Эрстед Ханс (1777.14.8–1851.9.3) термоэлектр эффектини кайта кашф килган.**

2126. Қайси инглиз астрономи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1968 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1974, М. Райль билан ҳамкорликда) кичик бурчак ўлчамли радио манбаларнинг спинтилляциясини тадқиқ килган ва Қуёш тожининг ташқи қатламларини ўрганиш усулларидан бирини таклиф қилган? **Элтони Хьюиш (1924.11.5, Фойи, Корнуолл графлиги) тадқиқ килган ва таклиф килган.**

2127. Қайси инглиз астрономи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1952), Кембриж университети проф. (1955 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1974, Э. Хьюиш билан ҳамкорликда) биринчилардан бўлиб, галактикадан ташқаридаги радиоастрономияни космологияга қўллаган? **Мартин Райл (1918.27.9-1984) қўллаган.**

2128. Қайси инглиз астрономи ва физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1914 йилдан), халқаро астрономия иттифоқи президенти (1938-1944) юлдузлар ёркинлиги уларнинг массасига боғлиқлигини аниқлаган? **Артур Стэнли Эддингтон (1882.28.12-1944.22.11) аниқлаган.**

2129. Қайси инглиз олимининг фикрича, кристаллоидлар сувда эриганда гил эритмалар, коллоидлар эриганда эса коллоид эритмалар ҳосил бўлган? **Томас Грэм фикрича, кристаллоидлар сувда эриганда гил эритмалар, коллоидлар эриганда эса коллоид эритмалар ҳосил бўлган.**

2130. Қайси инглиз радиокимёгари, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1910 йилдан), Абердин (1914-1919) ва Оксфорд (1919-1936) университетларида проф., Нобель мукофоти лауреати (1921) О. Ган ва Л. Мейтнерларга боғлиқ бўлмаган ҳолда протактинийни кашф этган? **Фредерик Содди (1877.2.9-1956.22.9) кашф этган.**

2131. Қайси немис физиги ва радиокимёгари, Нобель мукофоти лауреати (1944) австриялик физик Л. Майтнер билан ҳамкорликда бир неча изотоплар ва янги радиоактив элемент – протактинийни кашф этган? **Отто Ган, Ган (1879.8.3, Франкуфурт –Майн – 1968.28.7, Гёттинген) кашф этган.**

2132. Қайси инглиз физиги, тебраниш назарияси асосчиларидан бири, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1873 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1904) турухли ва фазавий тезликлар фаркини тушунтириб берган ва турухли тезлик формуласини яратган? **Жон Уильям Рэлей, Рейли [лорд, унвонини олгунча (1873) – Стретт (1842.12.11-1919.30.6)] яратган.**

2133. Қайси инглиз физиги, Нобель мукофоти лауреати (1922) Масс – спектрографни яратган? Унинг ёрдамида кўпгина баркарор изотопларни кашф этган? **Фрэнсис Уильям Астон (1877-1945) кашф этган.**

2134. Қайси инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1933) ва президенти (1965-1970), Нобель мукофоти лауреати (1948) ўзи такомиллаштирган Вильсон камераси ёрдамида космик нурлар физикасига доир илмий тадқиқотлар олиб борган? **Патрик Мейнард Стюарт Блэкетт (1897.18.11-1974) илмий тадқиқотлар олиб борган.**

2135. Қайси инглиз физиги ва математиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1851 йилдан) ва президенти (1885-

1890), Кембриж университети проф. (1849 йилдан) математикада сирт бўйича ва уни ўраб турган эгри чизиқ бўйича олинган интеграллар орасидаги боғлиқликни аниқлаган? Жорж Габриель Стокс **(1819.13.8, Скрин, Ирландия – 1903.1.2, Кембриж) (Стокс формуласи) аниқлаган.**

2136. Қайси инглиз физиги ва математиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1851 йилдан) ва президенти (1885-1890), Кембриж университети проф. (1849 йилдан) гидродинамикада қовушқоқ суюқликлар ҳаракати назарияси (Навье – Стокс тенгламаси, Стокс конуни)ни ишлаб чиққан? **Жорж Габриель Стокс [(Стокс конуси)ни] ишлаб чиққан.**

2137. Қайси инглиз физиологи, Нобель мукофоти лауреати (1923) шогирдлари Ф. Бантинг, Ч. Бестлар билан ҳамкорликда инсулинни кашф этган? **Жон Рикард Маклеод (1876.6.9, Клюни, Перт, Шотландия – 1935.16.3, Абердин) кашф этган.**

2138. Қайси инглиз физиологи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1948) ва президенти (1970-1975), Нобель мукофоти лауреати (1963) биопотенциалларнинг ҳосил бўлиши ҳужайра мембраналари орқали ионларнинг ўтказилиши билан боғлиқ эканлигини назарий ва экспериментал исботлаб берган? **Хожкин Алан Ллойд (1914.5.2) исботлаб берган.**

2139. Қайси инглиз физиологи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1948) ва президенти (1970-1975), Нобель мукофоти лауреати (1963) асаб (нерв) толаларида потенциаллар таъсири механизмларини тадқиқ қилиш мақсадида мембраналарда потенциалларни ўлчайдиган оригинал усулни ишлаб чиққан? **Алан Ллойд Хожкин (1914.5.2) ишлаб чиққан.**

2140. Қайси инглиз физиологи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1948) ва президенти (1970-1975), Нобель мукофоти лауреати (1963) асаб (нерв) импульслари ҳосил бўлишида ион градиентларининг аҳамияти тўғрисидаги асосий назария муаллифи? **Алан Ллойд Хожкин (1914.5.2) назария муаллифи.**

2141. Қайси инглиз физик муҳандиси, Нобель мукофоти лауреати (1979, А. Кормак билан ҳамкорликда) ички аъзоларни сканирлаш учун компьютер рентген томограф аппаратини кашф этган? **Годфри Ньюболд Хаунсфилд (1919) кашф этган.**

2142. Қайси инглиз физик-кимёгар, Кембриж университети проф. (1937 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1967) бензинга тетраэтил қўрғошин қўшилганда пероксидлар – спотган ёниш марказларининг қайтарилиши натижасида детонациянинг йўқолишини аниқлаган? **Рональд Жорж Рейфорд Норриш (1897.4.1, Кембриж – 1978.7.6) аниқлаган.**

2143. Қайси инглиз нейрофизиологи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1893 йилдан), Петербург ФА мухбир аъзоси (1915 йилдан), нейрофизиология (асосан, рефлектор фаолият) соҳасидаги фундаментал кашфиёт муаллифи, Ливерпул ва Оксфорд университетларида проф. (1895-1913; 1913-1935), рецептив майдон таълимоти асосчиси, Нобель мукофоти лауреати (1932, Э. Д. Эдриан билан ҳамкорликда) асаб (нерв) системасининг интегратив фаолияти концепциясини ишлаб чиққан? **Чарлз Скот Шеррингтон (1857.27.11-1952.4.3) ишлаб чиққан.**

2144. Қайси инглиз физик-кимёгари, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1960), кимё проф. (1963), Буюк Британия Қироллик институти директори (1966 йилдан), Буюк Британия кимёгарлар жамияти (1970 йилдан) президенти, Нобель мукофоти лауреати (1967, Р. Норриш ва М. Эйген билан ҳамкорликда) импульс фототахлил усулини ишлаб чиққан? **Жорж Портер (1920.6.12, Стейнфорт, Йоркшир) импульс фототахлил усулини ишлаб чиққан.**

2145. Қайси инглиз биологи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1949), Нобель мукофоти лауреати (1960, М. Бёрнет билан ҳамкорликда) "орттирилган иммунологик толерантлик" ҳодисасини кашф этган? **Питер Брайан Медавр (1915.28.2, Рио-де Жанейро -1987.2.10).**

2146. Қайси инглиз врачи, илмий физиология ва эмбриологияга асос солган, қон айланишини кашф этган? **Гарвей Вильям, Харви Уильям (1578.1.4-1657.3.6) кашф этган.**

2147. Қайси инглиз врачи ва табиатшуноси одам ва ҳайвонлар гавдасида доим маълум миқдордаги қон берк доирада айланиб юришини исботлаб берган? **Гарвей Вильям, Харви Уильям (1578.1.4-1657.3.6) исботлаб берган.**

2148. Қайси инглиз врачи, чин чечакка қарши эмлаш усулининг асосчиси сигир чечаги билан огриб тузалган сут

соғувчилар чин чечак билан оғирмаслигини аниқлаган? **Эдуард Женнер (1749-1823) аниқлаган.**

2149. Қайси инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1672 йилдан) ва унинг президенти (1703 йилдан) биринчи бўлиб ёруғликнинг тўлқин узунлигини ўлчаган? **Ньютон Исаак (1643.4.1, Вулсторп – 1727.31.3, Лондон; Вестминстерда дафн этилган) биринчи бўлиб ёруғликнинг тўлқин узунлигини ўлчаган.**

2150. Қайси инглиз физиги, молекуляр биология асосчиларидан бири, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1959 йилдан) Нобель мукофоти лауреати (1962) нуклеин кислоталарининг молекуляр тузилиши ва ирсий ахборотни ўтказишдаги аҳамиятини кашф этган? **Крик Фрэнсис Харри Комптон (1916.8.6) кашф этган.**

2151. Қайси инглиз физиологи ва фармакологи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1914) ва президенти (1940-1943), Нобель мукофоти лауреати (1936, О. Лёви билан ҳамкорликда) импульснинг синапслар орқали ўтиши кимёвий табиатини ва бунда ацетилхолиннинг ролини талқин қилган? **Генри Халлетт Дейл (1875.9.6, Лондон – 1968.23.7, Кембриж) талқин қилган.**

2152. Қайси инглиз физиги, Нобель мукофоти лауреати (1973) иккита ўтаўтказгични ажратиб турувчи юпқа (~10Å=10^{-9} м) диэлектрик катламдан ўтаўтказувчан ток оқаётганда ностационар эффект содир бўлишини башорат қилган? Бу эффект нима деб аталади? **Брайан Девид Жозефсон (1940). Жозефсон эффекти деб аталади.**

2153. Қайси инглиз физиги ва астрономи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1906), Қироллик Астрономия жамияти президенти (1925-1927) мутлақ қора жисм спектрида энергиянинг тарқалиш формуласини чиқарган (Ж. У. Рэлейдан мустақил равишда)? **Жеймс Хонвуд Жинс (1877.11.9, Лондон-1946.17.9, Суррей графлиги).**

2154. Қайси инглиз физиги ва астрономи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1906), Қироллик Астрономия жамияти президенти (1925-1927) астрономия бўйича – тез айланаётган суюқ жисмлар эволюцияси натижасида қўшалоқ юлдузлар пайдо бўлиши ёки жисмнинг яссиланиб спирал туманликлар пайдо бўлиши назариясини илгари сурган? **Жеймс Хонвуд Жинс (1877.11.9, Лондон-1946.17.9, Суррей графлиги) илгари сурган.**

2155. Қайси инглиз физиги ва астрономи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1906), Қироллик Астрономия жамияти президенти (1925-1927) космогоник гипотеза муаллифи? **Жеймс Хонвуд Жинс (1877.11.9, Лондон-1946.17.9, Суррей графлиги) муаллифи.**

2156. Қайси инглиз физиги ва файласуфи сульфат кислотага темирни таъсир эттириб, водород ҳосил қилган? **Р. Бойль ҳосил қилган.**

2157. Қайси инглиз физиги ва кимёгари конденсатор сиғимига муҳитнинг таъсир этишини кашф қилган? **Генри Кавендиш (1731.10.10 – 1810.24.2) кашф қилган.**

2158. Қайси инглиз физиги ва кимёгари фанга электр сиғим тушунчасини киритган? **Генри Кавендиш (1731.10.10-1810.24.2) киритган.**

2159. Қайси инглиз физиги ва кимёгари бир неча моддаларнинг диэлектрик сингдирувчанлигини аниқлаган? **Генри Кавендиш (1731.10.10-1810.24.2) аниқлаган.**

2160. Қайси инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1936), Бристель университети проф. (1933-1954), Кавендиш лабораторияси директори (1954-1971), Нобель мукофоти лауреати (1977, Ф. Андерсон ва Ж. Ван флек билан ҳамкорликда) тартибланмаган тизимларнинг электр ўтказувчанлиги назариясини яратган? **Невилл Фрэнсис Мотт (1905.30.9, Лидс – 1996.8.8. Милтон Кейнс, Бекингемшир графлиги) яратган.**

2161. Қайси инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1936), Нобель мукофоти лауреати (1977) шаффоф бўлмаган (аморф) яримўтказгичларнинг магнит ва электр хоссаларини ўрганган? **Невилл Фрэнсис Мотт (1905.30.9-1996.8.8) ўрганган.**

2162. Қайси инглиз биофизиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1959), Бирмингем университети фалсафа доктори (1940), Нобель мукофоти лауреати (1968) орто – ва термолюминесценция (электрон тузоқ) назариясини ишлаб чиққан? **Морис Хью Фредерик Уилкинс (1916.15.12, Янги Зеландия) ишлаб чиққан.**

2163. Қайси инглиз органик-кимегари, Лондон Кироллик жамияти аъзоси (1965 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1973), Лондон университети проф. (1956 йилдан) гексаметилвольфрам ва бошқа металларнинг барқарор алкил хосилаларини синтез қилган? **Жефри Уилкинсон (1921.14.7, Тодмордон) синтез қилган.**

2164. Қайси инглиз биокимегари, фалсафа доктори (1950), Нобель мукофоти лауреати (1978) ҳужайралаги биоэнергетик жараёнларни тадқиқ қилган? **Питер Митчелл (1920.29.9, Митчем, Суррей графлиги, Буюк Британия) тадқиқ қилган.**

2165. Қайси инглиз биокимегари, фалсафа доктори (1950), Нобель мукофоти лауреати (1978) хемиосмотик назария (биологик мембранада АТФ синтезида энергиянинг ўзгариш механизми)ни ишлаб чиққан? **Питер Митчелл (1920.29.9, Митчем, Суррей графлиги, Буюк Британия) ишлаб чиққан.**

2166. Қайси инглиз биокимёгари, Лондон Кироллик жамияти аъзоси (1905) ва президенти (1930-1935), фалсафа доктори (1894), Кембриж университетида проф., биокимёгар (1914 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1929) организмда азот алмашинуви биокимёсига оид бўлиб, А ва Д витаминларини, глутатионни кашф этган? **Фредерик Гоуленд Хопкинс (1861.20.6, Истборн -1947.16.5, Кембриж) кашф этган.**

2167. Қайси инглиз биокимегари, Лондон Кироллик жамияти аъзоси (1905) ва президенти (1930-1935), фалсафа доктори (1894), Кембриж университетида проф., биокимёгар (1914 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1929) ишлаб турган мускулларда сут кислотасининг тўпланишини аниқлаган? **Фредерик Гоуленд Хопкинс (1861.20.6, Истборн-1947.16.5, Кембриж) аниқлаган.**

2168. Қайси инглиз ботаниги уруғ куртакда муртак халтачаси бўлишини кашф қилган? **Роберт Браун (1773.21.12-1858.10.6) кашф қилган.**

2169. Қайси инглиз ботаниги ўсимликларнинг ҳужайраларидаги ядрони биринчи бўлиб тўғри тавсифланган? Роберт Браун **(1773-1858)** биринчи бўлиб тўғри тавсифланган.

2170. Қайси инглиз конструктори ва иқтисодчиси дунёда биринчи бўлиб, темир йўл техникасига доир масалалар: темир йўл кўприклари ва бошқа сунъий иншоотлар қурилиш

тош таянчлар устига темир рельслар ўрнатиш масалаларини хал қилган? **Жорж Стефенсон, Стивенсон (1781.9.6, Уайлем, Нортамберленд – 1848.12.8, Тэнтон – Хаус, Честерфилд) хал қилган.**

2171. Қайси немис олими мускул ва асаб ҳужайраси биоэлектр потенциалларини ўрганиб тинчлик ҳолатида ҳужайранинг ички ва ташқи муҳити ўртасида стационар потенциаллар фарқи (тинчлик потенциали) мавжудлиги, бу фарқ қўзғолиш ҳолатида қонуний ўзгаришни кўрсатиб берган? **Э. Дюбуа – Раймон кўрсатиб берган.**

2172. Қайси немис олими целлюляр патология (ҳужайра патологияси)нинг асосчиси? **Рудольф Вирхов (1821.13.10-1902.5.9) асосчиси.**

2173. Қайси инглиз биокимёгари, Лондон Кироллик жамияти аъзоси (1949 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1945) инсулинининг кимёвий асослари, пенициллининг кимёвий ва клиник хусусиятларини ўрганган? **Эрнст Борис Чейн (1906.19.6-1979.12.8) ўрганган.**

2174. Қайси инглиз табиатшуноси, Ч. Дарвин сафдоши ва таълимотининг давомчиси, Лондон Кироллик жамияти котиби (1871-1880), президенти (1883-1885) ҳамма умуртқали ҳайвонлар калла суягининг тузилиши умумийлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган? **Томас Генри Гексли, Хаксли (1825.4.5-1895.29.6) ғояни илгари сурган.**

2175. Қайси инглиз табиатшуноси, Ч. Дарвин сафдоши ва таълимотининг давомчиси, Лондон Кироллик жамияти котиби (1871-1880), президенти (1883-1885) судралиб юрувчилар билан қушлар чаноғи ва оёқлари тузилишини киёсий анатомик ўзгариши асосида улар ўртасидаги умумийликни киёсий анатомик ўзгариши асосида улар ўртасидаги умумийликни кўрсатиб берган? **Томас Генри Гексли, Хаксли (1825.4.5-1895.29.6) кўрсатиб берган.**

2176. Қайси инглиз иқтисодчиси, Кембриж университети киёсий иқтисод проф. (1957-1969), Нобель мукофоти лауреати (1977) халқаро савдо назариясини яратган? **Жеймс Эдуард Мид (1907.23.6-1995.22.12) яратган.**

2177. Қайси инглиз иқтисодчиси, Швейцария ҳукумати маслаҳатчиси (1963), 1968-1986 йилларда Кембриж ва Беркилидаги Калифорния университетларида проф., Нобель му-

кофоти лауреати (1996), У. Викри билан биргаликда) кичик мамлакатларнинг очиқ иқтисодиётида чет эл товарларига тарифлар қўллашнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини, меҳнат ва капиталга солинадиган солиқнинг истеъмолчиларга юклатилишини асослаб берган? **Жеймс Миррлис (1936.5.7, Миннигэффе, Шотландия) асослаб берган.**

2178. Қайси америкалик иқтисодчи, Жон Гопкинс университетида иқтисодиёт доктори илмий даражасини олган (1952), Чикаго университети қошидаги Олий бизнес мактаби проф (1961), Америка молия ассоциацияси президенти (1976), Нобель мукофоти лауреати (1990) "Дивиденд сиёсати, иқтисодий ўсиш ва акциялар қийматини баҳолаш" (1961) асарида мувозанат шароитларида дивиденд сиёсати фирма қийматига таъсир кўрсатмаслигини исботлаган? **Мертон Миллер (1923.16.5, Бостон) исботлаган.**

2179. Қайси америкалик иқтисодчи, Сиэтл (1960-1983) ва Сапкт – Луисдаги Вашингтон университетлари проф. (1985 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1993, Р.Фауджел билан биргаликда) Европа ва АҚШ иқтисодий ривожланишида институционал омилларнинг аҳамиятини тадқиқ этган? **Дуглас Сесил Норт (1920.05.11, Кембриж, Массачусетс штати) тадқиқ этган.**

2180. Қайси инглиз иқтисодчиси, Манчестер (1938-1960) ва Оксфорд (1952-1965) университетлари проф., Нобель мукофоти лауреати (1972, К. Эрроу билан бирга) ўз асарларида иқтисодий назариядаги математиканинг умумий иқтисодий мувозанат назарияси ва энг юқори нафлилик назарияси ғояларини ривожлантирган? **сэр Жон Ричард Хикс (1904.8.4, Урик - 1989) ривожлантирган.**

2181. Қайси италия фармакологи, Нобель мукофоти лауреати (1957) курареснмон таъсир этадиган синтетик бирикмаларни кашф этган? **Даниеле Бове (1907-1992) кашф этган.**

2182. Қайси италиялик олим биоэлектр потенциаллар тўғрисидаги таълимотнинг асосчиси ҳисобланади? **Л. Гальвани асосчиси ҳисобланади.**

2183. Қайси италиялик ботаник ва оптик микроскопни такомиллаштириб, иммерсия, яъни текширилаётган нарса билан микроскоп объективи оралиғига суюқлик томи-

зиш усулини ишлаб чиққан? **Жованни Баттиста Амичи (1786.25.3, Модена – 1863.10.4, Флоренция).**

2184. Қайси италиялик органик кимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1963) К. Циглер катализатори деб номланган металлорганик катализаторлар иштирокида винил мономерларнинг стереоспецифик полимерланишини кашф қилган (бу усулни қўллаш полипропилен, полибутен ва ш.к. кўпчилик каучукларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга имкон берган)? **Жулио Натта (1903.26.2, Империя ш., Италия – 1979.1.5, Милан) кашф қилган.**

2185. Қайси италиялик органик кимёгар, Нобель мукофоти лауреати (1963) тартибли тузилишга эга бўлган полимерлар синфини аниқлаган? **Жулио Натта (1903.26.2, Империя ш., Италия – 1979.1.5, Милан) аниқлаган.**

2186. Қайси италиялик биолог ва врач, Лондон Қироллик жамияти аъзоси, тиббиёт доктори (1653), проф. (1656-1691) микроскопда ўсимлик ва ҳайвонлар анатомиясини ўрганиб, уларнинг ҳужайрадан тузилганлигини таърифлаб берган? **Марчелло Мальпиги (1628.10.3, Кревалькоре – 1694.30.11, Рим) таърифлаб берган.**

2187. Қайси италиялик биолог ва врач, Лондон Қироллик жамияти аъзоси, тиббиёт доктори (1653), проф. (1656-1691) ўргимчаксимонлар, кўпоёқлилар ва ҳашаротлар талогининг лимфа таначалари, буйрак чигалларини, чиқариш аъзо (орган)ларини, терининг ўсиш қаватини, шунингдек, ўпка альвеолаларини, тилдаги таъм билиш сўргичларини тавсифлаган? **Марчелло Мальпиги (1628.10.3, Кревалькоре – 1694.30.11, Рим) тавсифлаган.**

2188. Қайси италиялик биолог ва врач, Лондон Қироллик жамияти аъзоси, тиббиёт доктори (1653), проф. (1656-1691) капиллярларда қон айланишини аниқлаган? **Марчелло Мальпиги (1628.10.3, Кревалькоре – 1694.30.11, Рим) аниқлаган.**

2189. Қайси италъян физиги ва физиологи одамнинг кўриш ва таъм билиш аъзолари электрдан кўзғалишини аниқлаган? **Алессандро Вольта (1745.18.2-1827.5.3) аниқлаган.**

2190. Қайси итальян физиги ва физиологи электр асбоблари (электрофор, электрометр, конденсатор, электроскоп ва бошқ.)ни ихтиро қилган? **Алессандро Вольта (1745.18.2 – 1827.5.3) ихтиро қилган.**

2191. Қайси итальян ихтирочиси, математиги карданли узатма механизмини ихтиро қилган? **Жероламо Кардано (1501-1576) ихтиро қилган.**

2192. Қайси итальян ихтирочиси, математиги Европада биринчи бўлиб, манфий сонларни ишлата бошлаган? **Жероламо Кардено (1501-1576) Европада биринчи бўлиб, манфий сонларни ишлата бошлаган.**

2193. Қайси итальян ихтирочиси, математиги номи билан куб тенглама ечимининг формуласи аталади? **Кардано [Жероламо (1501-1576)] номи билан аталади (бу формула аслида Н. Тарталья томонидан топилган, лекин Кардано уни умумий кўринишдаги тенгламага кўллаш усулини кўрсатган.**

2194. Қайси итальян физиги ва астрономи Ж. Б. Риччолли билан ҳамкорликда Ой харитасини тузган? **Франческо Мария Гримальди (1618.2.4-1663.28.12) харитасини тузган.**

2195. Қайси итальян физиги нечанчи йилда механик деформациялар (чўзилиш, бурилиш, эгилиш ва бошқа)нинг ферромагнетиклар магнитланувчанлигига таъсирини кашф қилган? **Э. Виллари (1836-1904) 1865 йилда кашф қилган.**

2196. Қайси олим биринчи Ой харитасини нечанчи йилда тузган? **1647 йилда Я. Гевелий (Гданьск) тузган.**

2197. Қайси геолог олим, ЎзФА акад. (1943) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Тошкентда минералог-геокимёчилар мактабини яратган, геокимё фанига "протокристалл", "изотоп", "изобара", "параэлементлар" каби янги назарий тушунчаларни киритган? **Александр Сергеевич Уклонский (1885.5.11, Гомель ш. – 1972.16.2, Тошкент) киритган.**

2198. Қайси геолог олим, ЎзФА акад. (1943), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Тошкентда минералог-геокимёчилар мактабини яратган, минералларнинг геокимёвий таснифини тузиб, дарслик ёзган? **Александр Сергеевич Уклонский (1885.5.11, Гомель ш. – 1972.16.2, Тошкент)**

минералларнинг геокимёвий таснифини тузиб, дарслик ёзган.

2199. Қайси геолог олим, ЎзФА акад. (1995), Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1998) Е. У. Раҳимова билан ҳамкорликда биринчи марта Ер йўлдошларидан олинган маълумотлар бўйича геологик объектларда минералларни миқдорий аниқлашнинг назариясини ва усулларини яратишган? **Файзулла Асадуллаевич Усмонов (1935.30.4, Тошкент) яратишган.**

2200. Қайси геолог олим, ЎзФА акад. (1995), Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1998) статистик назарий таҳлил асосларини ва қоидаларини башорат қилиш учун янги математик усуллар тавсия қилган ва улар асосида компьютер дастурлари мажмуасини ва "Геотаҳлил" номли компьютер ахборот тизимини яратган? **Файзулла Асадуллаевич Усмонов (1935.30.4, Тошкент) яратган.**

2201. Қайси итальян физиги, астрономи ва механиги инерция қонунини кашф этган? **Галилей Галилео (1564.15.2 – 1642.8.1) кашф этган.**

2202. Қайси итальян физиги, астрономи ва механиги кучларни қўшиш қоидасини ифодалаб берган? **Галилей Галилео (1564.15.2 – 1642.8.1) ифодалаб берган.**

2203. Қайси итальян физиги, астрономи ва механиги жисмнинг қия текисликдаги ҳаракати, маълум бурчак остида отилган жисмнинг ҳаракати, эркин тушиш ҳақидаги қонунларни дастлаб кашф этган? **Галилей Галилео (1564.15.2 – 1642.8.1) кашф этган.**

2204. Қайси итальян физиги, астрономи ва механиги ўзи ясаган (32 марта катта қилиб кўрсатадиган) телескоп ёрдамида Ой сиртининг нотекислигини, Венера фазасининг ўзгаришини, Қуёш доғларини, Юпитернинг 4 та йўлдошини кашф қилган? **Галилей Галилео (1564.15.2 – 1642.8.1) кашф қилган.**

2205. Қайси итальян физиги, астрономи ва механиги Қуёшнинг ўз ўки атрофида айланишини исботлаган? **Галилей Галилео (1564.15.2 – 1642.8.1) исботлаган.**

2206. Қайси Канадалик физик-кимёгар ва физик, келиб чиқиши немис, 1935 йилдан Канадада. Нобель мукофоти

лауреати (1971) кўпгина молекулалар ва эркин радикалларнинг спектрларини тадқиқ этган, уларнинг электрон структурасини аниқлаган? **Герхард Херцберг, Герцберг (1904-1999) аниқлаган.**

2207. Қайси канадалик физик ва физик-кимёгар, Канада Қироллик жамияти аъзоси (1939 йилдан), унинг президенти (1966-1967), Нобель мукофоти лауреати (1971) Co_2, Co, No, C_2H_2 ва CH_4 молекулалари спектрларини аниқлаган? **Герхард Герцберг (1904.25.12, Гамбург) аниқлаган.**

2208. Қайси канадалик кимёгар, Канада Қироллик жамияти аъзоси (1966 йилдан), Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1971 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1986, Д. Ли Хершбах ва Я. Ли бин ҳамкорликда) алоҳида молекулаларнинг кучсиз инфрақизил нурланишга кўра, реакция маҳсулотларининг энергетик ҳолатини аниқлаш усулини ишлаб чиққан? **Жон Чарлз Полянн (1929.23.1, Берлин) ишлаб чиққан.**

2209. Қайси канадалик физиолог, Нобель мукофоти лауреати (1923) Р. Маклеод ва бошқ. билан ҳамкорликда меъда ости безининг гормонал функцияси устида тадқиқот олиб борган, биринчи бўлиб инсулин гормонини кашф этишган? **Фредерик Грант Бантинг (1891.14.11-1941.22.2) кашф этишган.**

2210. Қайси нидерланд физик-кимёгари ва француз кимёгари атомларнинг молекуласида фазоний жойлашиш назариясини олга суришган? **Я. Х. Вант-Гофф ва Ж. Ле Бель олга суришган.**

2211. Қайси нидерланд физиги, Нидерландия Қироллик ФА аъзоси (1946), Нобель мукофоти лауреати (1953) оптик асбоблар, хусусан, телескоп ва микроскоп назариясини яратган? **Фриц Цернике (1888.16.7, Амстердам – 1966.10.3, Гронинген) яратган.**

2212. Қайси немис археологи Гомер достони фантик асосга эга эканлигини исботлаган, шунингдек, эгей маданияти (критминем маданияти)ни кашф қилган? **Генрих Шлиман (1822.6.1-1890.26.12) кашф қилган.**

2213. Қайси немис математиги, физиги, астрономи, геодезист В. Вебер билан бирга электромагнит бирикмалар-

нинг мутлақ системасини яратишган? **Карл Фридрих Гаусс (1777.30.4 – 1855.23.2) яратишган.**

2214. Қайси немис математиги, физик, астроном, геодезист, 1807 йилдан Гёттинген университетининг проф. ва астрономия расадхонаси директори алгебранинг асосий теоремасини, яъни ҳар қандай алгебраик тенгламанинг камида битта илдизи бўлишини биринчи бўлиб исбот этган? **Карл Фридрих Гаусс (1777.30.4, Брауншвейг-1855.23.2 Гёттинген ш.) биринчи бўлиб исбот этган.**

2215. Қайси немис астрономи Энке-Баклуид кометасининг Қуёш атрофида айланиш даври жуда қисқа (тахм. 3,3 йил) эканлигини ва ўзгарувчанлигини аниқлаган? **Й. Энке аниқлаган.**

2216. Қайси немис астрономи Андромеда галактикаси ядроси ва унга тегишли нечта ёркин йўлдошнинг юлдуз табиатини, галактикаларда юлдузлар тўдасининг нечта типи мавжудлигини кашф этган? **Уолтер Бааде (1893.24.3-1960.25.6) 2 та ёркин юлдузнинг 2 та типи мавжудлигини кашф этган.**

2217. Қайси немис астрономи ўзгарувчан ва ўта янги юлдузларни тадқиқ қилган? **Уолтер Бааде (1893.24.3-1960.25.6) тадқиқ қилган.**

2218. Қайси немис астрономи Гидальго ва Икар астроидларини кашф этган? **Уолтер Бааде (1893.24.3-1960.25.6) кашф этган.**

2219. Қайси немис биологи, қиёсий анатомияда филогенетик йўналиш асосчиларидан бири Йена (1855 йилдан) ва Гейзельберг (1872 йилдан) университетлари проф. жуфтоёқларнинг келиб чиқишини исботлаш учун "Икки томоплама архитеригия" назариясини кашф этган? **Карл Гегенбаур (1826.21.8-1903.14.6) кашф этган.**

2220. Қайси немис биокимёгари ва физиологи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1931) никотинамидадениндинуклеотид (НАД) тузилишини аниқлаган? **Отто Генрих Варбург (1883.10.-1970.1.8) никотинамидадениндинуклеотид тузилишини аниқлаган.**

2221. Қайси немис биокимёгари, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1949), тиббиёт доктори (1909), Нобель мукофоти лау-

реати (1922) углеводларнинг ферментлар таъсирида ўзгариши ва у билан боғланган холда аденозинтрифосфат хамда креатинфосфатнинг ўзгаришини тадкик килган? **Отто Мейергоф (1884.12.4, Ганновер – 1951.6.10, Филадельфия) тадқиқ қилган.**

2222. Қайси немис биокимёгари, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1949), тиббиёт доктори (1909), Нобель мукофоти лауреати (1922) ишлаётган ва тинч турган мускулларда углеводларнинг анаэроб парчаланиши билан аэроб синтези ўртасидаги боғланиш (Пастер – Мейергоф цикли)ни таърифлаб берган? **Отто Мейергоф (1884.12.4, Ганновер – 1951.6.10, Филадельфия) таърифлаб берган.**

2223. Қайси немис биокимёгари, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1949), тиббиёт доктори (1909), Нобель мукофоти лауреати (1922) углеводларнинг кимёвий ўзгаришида ажралиб чиқадиган энергия мускул кискариши жараёнида сарф бўлишини аниклаган? **Отто Мейергоф (1884.12.4, Ганновер – 1951.6.10, Филадельфия) аниклаган.**

2224. Қайси немис врачи, бактериологи ва биокимёгари, Нобель мукофоти лауреати (1908) захм касаллигини даволашда қўлланиладиган сальварсан препаратини кашф этган? **Пауль Эрлих (1854.14.3-1915.20.8) кашф этган.**

2225. Қайси немис врачи, бактериологи ва биокимёгари, кимётерапия ва иммунология асосчиларидан, Нобель мукофоти лауреати (1908) иммунологик реакцияларининг 1-кимёвий изохи – "ён боғлар назарияси"ни таърифлаб берган? **Пауль Эрлих [1854.14.3-1915.20.8] таърифлаб берган.**

2226. Қайси немис врачи, бактериологи ва биокимёгари, Нобель мукофоти лауреати (1908) кимёвий терапевтик моддаларни максадга кўра, синтез килиш мумкинлигини исбот килган? **Пауль Эрлих [1854.14.3-1915.20.8] исбот килган.**

2227. Қайси немис патологи ва микробиологи, Нобель мукофоти лауреати (1939) сульфаниламид препаратларнинг бактерияларга карши таъсир кўрсатишини асослаб берган ва даволаш амалиётида жорий этган? **Герхард Домагк (1895.30.10-1964.24.4) жорий этган.**

2228. Қайси немис патологи ва микробиологи, Нобель мукофоти лауреати (1939) сил ва ўсмаларни кимёвий усул-

да даволаш учун янги препаратлар топган? **Герхард Домагк (1895.30.10-1964.24.4) янги препаратлар топган.**

2229. Қайси немис физиги нечанчи йилда янги ўта ўтказувчан материалларни кашф этгани учун Нобель мукофоти лауреати бўлган? **Йоханнес Георг Бернорц (1950) 1987 йили, К. А. Мюллер билан биргаликда кашф этгани учун Нобель мукофоти лауреати бўлган.**

2230. Қайси немис физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1842 йилдан), Мюнхен университети (1849 йилдан) проф. электр занжирини кашф этган? **Георг Симон Ом (1787.16.3, Эрланген – 1854.7.7, Мюнхен) кашф этган.**

2231. Қайси немис физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1842 йилдан), Мюнхен университети (1849 йилдан) проф. электр занжирнинг мухим характеристикаларидан бири – ўтказгичлар каршилиги эканлигини кўрсатиб, каршилик тушунчасини фанга киритган? **Георг Симон Ом (1787.16.3, Эрланген – 1854.7.7, Мюнхен) киритган.**

2232. Қайси немис физиги ва физик-кимёгари, Гёттинген (1891) ва Берлин (1905) университетлари проф., Берлин университети қошидаги физика институти директори (1924-1933), Нобель мукофоти лауреати (1920) қаттиқ ўтказгичларда ҳарорат градиенти хамда ўтказгичда тик магнит майдони мавжуд бўлганда электр майдони хосил бўлиши ҳодисасини кашф этган? **Вальтер Фридрих Герман Нернст (1864.25.6-1941.18.11) (Нернест эффекти) кашф этган.**

2233. Қайси немис физиги ва физик-кимёгари, Гёттинген (1891) ва Берлин (1905) университетлари проф., Берлин университети қошидаги физика институти директори (1924-1933), Нобель мукофоти лауреати (1920) жойига қараб концентрацияси ўзгарувчи эритмаларда электр юритувчи кучлар электрон потенциаллари назарияси ва бошк. ривожлантирган? **Вальтер Фридрих Герман Нернст (1864.25.6-1941.18.11) ривожлантирган.**

2234. Қайси немис физик-кимёгари, Геттингендаги Макс Планк физик-кимё институтида ишлаган (1964 йилдан директор), Нобель мукофоти лауреати (1967, Р. Ж. Норриш ва Ж. Портер билан хамкорликда) кучсиз электролитлар эритмаларида кечадиган тезкор реакцияларни ўрганиш макса-

дида электролитнинг диссоциацияланиш даражасини оширишга имкон берадиган кучли электр майдонини таъсир эттириш усулини таклиф этган? **Манферд Эйген (1927.9.5, Бохум) таклиф этган.**

2235. Қайси немис физиги Галл, Геттинген, Лейпциг университетлари профессори магнит индукцияси оқимини ўлчайдиган асбобни ясаган? **Вильгельм Эдуард Вебер (1804-1891) ясаган.**

2236. Қайси немис физиги, Галл, Геттинген, Лейпциг университетлари профессори ҳаракатдаги зарядларнинг ўзаро таъсир қонунини кашф қилган? **Вильгельм Эдуард Вебер (1804-1891) кашф қилган.**

2237. Қайси немис физиги, Петербург ФА хорижий мухбир аъзоси (1863) К. Ф. Гаусс билан ҳамкорликда электр ва магнит бирликлари мутлақ тизимини ишлаб чиққан? **Вильгельм Эдуард Вебер (1804-1891) ишлаб чиққан.**

2238. Қайси немис анатоми ва физиологи, Лейпциг университети проф. (1818), экспериментал психология асосчиларидан бири мускулнинг кучи унинг кўндаланг кесим юзасига тенг эканлигини, томир уриши тўлқинларининг тарқалиш тезлигини аниқлаган? **Эрнст Генрих Вебер (1795-1878) аниқлаган.**

2239. Қайси австралиялик физик, Нобель мукофоти лауреати (1933) норелятивистик квант механиканинг асосий тенгламасини топган? **Шрёдингер Эрвин (1887.12.8-1961.4.1) топган.**

2240. Қайси немис физика назариётчиси, квант механика асосчиларидан бири ферромагнетизмнинг асосий назариясини ишлаб чиққан? **Вернер Рейзенберг (1901) ишлаб чиққан.**

2241. Қайси немис органик –кимёгари, Берлин (1906 йилдан) ва Кильск университетлари проф. (1916 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1950) К. Альвер билан ҳамкорликда диен синтези усулини топган ва унинг ёрдамида турли синфларга мансуб кўп сонли органик бирикмаларни олган? **Отто Паул Герман Дильс (1876.23.1-1954.7.3) кўп сонли органик бирикмаларни олган.**

2242. Қайси немис органик кимёгари, Мюнхен олий техника мактаби проф. (1964 йиллан), Нобель мукофоти лауреати (1973, Ж. Уилкинсон билан ҳамкорликда) технеций (Tc) ва трансурон элементларнинг [плутоний (Pu)дан калифорний (Cf) гача] металлорганик ҳосилаларини синтез қилган? **Эрнст Отто Фишер (1918.10.11, Солона) синтез қилган.**

2243. Қайси немис органик кимёгари, Мюнхен олий техника мактаби проф. (1964 йилдан), Нобель мукофоти лауреати (1973) уперод билан 5f электрон конфигурацияли металлар орасида кимёвий боғ ҳосил бўлиши мумкинлигини аниқлаган? **Эрнст Отто Фишер (1918.10.11) аниқлаган.**

2244. Қайси немис физиги, Нобель мукофоти лауреати (1921) коинотнинг стационар моделини тузган? **Альберт Эйнштейн коинотнинг стационар моделини тузган.**

2245. Қайси немис физиги спиртли термометр ясаган? **Фаренгейт Габриель Даниель (1686-1736) ясаган.**

2246. Қайси немис физиги ва астрономи микроскоплар назариясини яратган? **Эрнст Аббе (1840.23.1-1905.14.1) яратган.**

2247. Қайси немис физиги ва физик-кимёгари, Гёттинген (1891) ва Берлин (1905) университетлари проф., Берлин университети қошидаги физика институти директори (1924-1933), Нобель мукофоти лауреати (1920) чўғланма лампани ихтиро қилган? **Вальтер Фридрих Герман Нернст (1864.25.6-1941.18.11) (бу лампа унинг номи билан аталади) ихтиро қилган.**

2982. Қайси немис физик-назариётчи ва Г. Тетроде нечанчи йилда идеал газ энтропияси учун формула киритишган? **Отто Сакур (1880.28.9-1914.17.12) ва Г. Тетроде.**

2983. Қайси немис физиги, профессор, кристалл диэлектриклар поляризацияси назариясини ривожлантирган? **Пауль Эвальд ривожлантирган.**

2984. Қайси австриялик физик, Австрия ФА аъзоси (1933) нечанчи йилда космик нурларни кашф қилган? **Виктор Франц Гесс (1883) 24.VI – 1964.7.12) 1912 йилда кашф қилган.**

2985. Қайси инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1900), Нобель мукофоти лауреати (1927) зарядли заррачалар изини кузатиш учун асбоб ихтиро қилган? **Чарлз Томсон Рис Вильсон (1869.14.2-1959.15.11) 1912 йилда ихтиро қилган.**

2986. Қайси даниялик физик-назариётчи, Нобель мукофоти лауреати (1922) бош квант сонини фанга киритган? **Нильс Хендрик Давид Бор (1885.17.10-1962.18.11) 1913 йилда киритган.**

2987. Қайси француз физиги, Париж ФА аъзоси (1934), собиқ Иттифоқ ФА аъзоси (1929) нечанчи йилда масса дефекти тушунчасини фанга киритган? **Поль Ланжевен (1872.23.1-1946.19.12) 1913 йилда киритган.**

2988. Қайси инглиз физиги, Нобель мукофоти лауреати (1915) нечанчи йилда рентген спектрометрини ихтиро килган? **Генри Брэгг (1862.2.7-1949.12.3) 1913 йилда ихтиро килган.**

2989. Қайси инглиз физик-назариётчи, Эдинбург университети профессори, Миллий физика лабораторияси дирек-

тори (1938-1949) нечанчи йилда гентген нурлари дифракцияси назариясини ишлаб чиккан? **Чарлз Галтон Дарвин (1887.19.12-1962.31.12) 1913 йилда гентген нурлари дифракцияси назариясини ишлаб чиккан.**

2990. Қайси ихтирочи нечанчи йилда молекуляр вакуум насосни ихтиро килган? **В. Геде 1913 йилда ихтиро килган.**

2991. Қайси ихтирочи нечанчи йилда диффузион вакуум насосни ихтиро килган? **В. Геде 1915 йилда ихтиро килган.**

2992. Қайси немис физиги ва кимегари, Нобель мукофоти лауреати (1936) ва немис физик-назариётчи, Берлин ФА мухбир аъзоси (1920), собик Иттифок ФАсининг хорижий аъзоси (1929) биргаликда Зееман эффектининг квант назариясини яратишган? **Петер Йозеф Вильгельм Дебай (1884.24.3-1966.2.11) ва Арнольд Иоганн Вильгельм Зоммерфельд 1916 йилда яратишган.**

2993. Қайси француз физиги, Париж ФА аъзоси (1934), собик Иттифок ФА аъзоси (1929), Лондон Қироллик жамияти аъзоси пьезокварк ёрдамида ультратовуш олиш услуб (метод)ларини нечанчи йилда ишлаб чиккан? **Поль Ланжевен (1872.23.1-1946.19.12) 1916 йилда ишлаб чиккан.**

2994. Қайси инглиз физиги ва кимегари, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1910), кимё бўйича Нобель мукофоти лауреати (1921), собик Иттифок ФАнинг хорижий мухбир аъзоси (1924), Швеция ФА ва дей Линчей Академияси аъзоси нечанчи йилда ядро изомерияси тушунчасини фанга киритган? **Фредрик Содди (1877.22.9-1956) 1917 йилда киритган.**

2995. Қайси канадалик физик ва кимёгар, Чикаго университети профессори (1917 йилдан) биринчи масс-спектрометрни нечанчи йилда курган? **Артур Жеффри (1886.14.8-1950.11.3) 1918 йилда курган.**

2996. Қайси шотланд физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1862), Манчестер университети профессори (1870-1887), Румфорд медали совриндори (1868) нечанчи йилда изобарларни кашф килган? **Бальфур Стюарт (1828.1.11-1887.19.12) 1918 йилда кашф килган.**

2997. Қайси испан физик-экспериментатори, Испания ФА аъзоси (1955) нечанчи йилда спектрал мультиплетлар тушунчасини фанга киритган? **Мигель Каталан (1894.9.10-1957.11.11) 1922 йилда фанга киритган.**

2998. Қайси физиклар биргаликда нечанчи йилда ишкиламчи квантланиш методи (услуб)ни ишлаб чиқишган? **Поль Адриен Морис Дирак [(инглиз физик-назариётчиси, Нобель мукофоти лауреати (1933)]; Паскуаль Иордан, немис физиги (1902.18.10-1980.31.7), Берлин, Гамбург университетлари профессори; Оскар Бенжамин (1894.15.9-1977.5.2), швед физик-назариётчиси, Швеция ФА аъзоси (1945), 1953-1965 йиллар Нобель мукофоти аъзоси, М. Планк медали совриндори (1959); Южин Поль Вигнер, америкалик физик-назариётчи, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1945), Нобель мукофоти лауреати (1963), Б. Франклин (1950), Э. Ферми (1958), М. Планк (1961) медаллари ва "Атом тинч учун" мукофоти (1960) совриндори 1927-1928 йилларда ишлаб чиқишган.**

2999. Қайси рус физиклари нечанчи йилда кристалларда ёругликнинг комбинацион ёйилиши (сочилиши)ни кашф этишган? **Л. И. Мандельштам, Г. С. Ландеберг 1928 йилда кашф этишган.**

3000. Қайси хинд физиклари нечанчи йилда суюкликларда ёругликнинг комбинацион ёйилиши (сочилиши)ни кашф килишган? **Хинд физиги, Хиндистон ФА аъзоси, собик Иттифок ФАнинг хорижий аъзоси (1947) Чандрасекхара Венката Раман (1888.7.11-1970.21.11); хинд физиги, Хиндистон ФА аъзоси, Раппал Сангамесварп Кришнан (1911.23.9 да туғилган) 1928 йилда кашф килишган.**

3001. Қайси рус физиклари нечанчи йилда ёругликнинг селектив ёйилишини кашф килишган? **Л. И. Мандельштам, Г. С. Ландеберг 1931 йилда кашф килишган.**

3002. Қайси мамлакатда, кайси ихтирочининг конструкцияси бўйича нечанчи йилда дунёда биринчи магистрал тепловоз яратилган? **Собик Иттифокда, М. Я. Гаккелининг конструкцияси бўйича 1924 йил 6 октябрда дунёда биринчи магистрал яратилган.**

3003. Қайси рус математиги ва иқтисодчиси, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1964), Нобель мукофоти лауреати (1975) чизиқли дастурлаш соҳасига асос солган ҳолда, чизиқли дастурлаш асосида иқтисодий ресурслардан энг самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш моделини яратган? **Леонид Витальевич Канторович [1912.6(18). – 1986.7.4] моделини яратган.**

3004. Қайси немис физиги ва физик-кимегари, Нобель мукофоти лауреати (1920) қаттиқ ўтказгичларда ҳарорат градиенти ҳамда ўтказгичда тик магнит майдони мавжуд бўлганда электр майдони ҳосил бўлиши ҳодисасини кашф қилган? **Вольтер Герман Нернст кашф қилган (нернст эффекти).**

3005. Қайси немис физик-назариётчиси, Геттинген (1900-1909), Милон (1910-1914), Штуттгарт ва Ахен университетлари профессори биринчи марта электромагнит импульс тушунчасини фанга киритган? **Макс Абраган (1875.26.3-1922.16.11) фанга киритган.**

3006. Қайси америкалик физик-экспериментатор, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1947) Америка физика жамияти президенти (1969), А. Эйнштейн медали (1961), М. Майкельсон мукофоти (1965) совриндори нечанчи йилда биринчи марта углерод ионларини тезлаштирган? **Луис Уолтер (1911.13.6 да туғилган) 1940 йилда тезлаштирган.**

3007. Қайси америкалик физик-экспериментатор, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1960) нечанчи йилда Э. Ферми билан ҳамкорликда биринчи заррачалар резонанси-пион–нуклон резонансни кузатишган? **Герберт Лоуренс Андерсон (1914.24.5 да туғилган) 1952 йилда италъян физиги, деи Линчеи Миллий академия аъзоси (1935), Нобель мукофоти лауреати (1938) билан ҳамкорликда биринчи заррачалар резонанси-пион –нуклон резонансни кузатишган.**

3008. Қайси италъян физиги нечанчи йилда биринчи марта электр заряд ўтказгич сирти бўйлаб таксимлашишини кўрсатган? **Жованни Батиста Беккариа (1716.3.10-1781.27.5).**

3009. Қайси ихтирочи нечанчи йилда биринчи гигрометр (жундан)ни ихтиро қилган? **Н. Кузанский 1440 йилда ихтиро қилган.**

3010. Қайси голланд физиги, механик, математик ва астраном нечанчи йилда Парижда оғирлик кучи тезланишининг катталигини тажрибада биринчи марта йўлакай аниқлаган? **Христиан Гюйгенс (1629.14.4-1695.8.7) аниқлаган.**

3011. Қайси рус физик-назариётчи, собиқ УССР ФА (1964) аъзоси нечанчи йилда деформацияланувчи экситонлар тушунчаси биринчи марта фанга киритган? **Александр Сергеевич (1912.26.2 да туғилган) Давидов фанга киритган.**

3012. Қайси швед физиги нечанчи йили қаттиқ жисм иссиқ сиғимини биринчи марта аниқлаган? **Иоганн Карл Вильке (1732-1796) 1772 йили аниқлаган.**

3013. Қайси француз физик, Париж ФА аъзоси (1837) стратларни нечанчи йилда кашф қилган? **Жереми Жозеф Бежуа (1811.19.3-1892.4.4) 1848 йилда кашф қилган.**

3014. Қайси француз физиги, Париж ФА аъзоси (1863), президент 1880 йилдан нечанчи йилда фосфороскоп ихтиро қилган? **Александр Эдмон Беккерель [(А. С. Беккерелнинг ўғли) (1820.24.3-1891.11.5)] 1895 йилда ихтиро қилган.**

3015. Қайси рус энергетиги, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1958) биринчилар категорида суюқлик ракета двигателлари – ЖРД (1930-1931), ОРМ – 1, ОРМ – 102 (1930-1938), РД – 3 (1939-1946) ва бошқ.ни яратган? **Валентин Петрович Глушко [1908.20.8(2.9), Одесса – 1989, Москва] яратган.**

3016. Қайси австрия ботаниги сиёқ уруғликларининг икки жинсли гули очиқ уруғликларнинг уруғчи ва чангчи тўпгулларининг бирлашувидан келиб чиққан деган назарияни яратган? **Рихард Веттштейн (1853-1931) яратган.**

3017. Қайси рус геологи, Россия нефть геологиясининг асосчиси, акад. (1929)нинг илмий ишлари нефть геологиясига, Кавказда нефть конларининг очилишига, Волга ва Урал дарёлари оралиғида "Иккинчи Боку" деб аталмиш нефть ба-

засини яратишга бағишланган? **Иван Михайлович Губкин [1871.9.(21) 9, Поздняково қишлоғи, ҳозирги Нижний Новгород вилояти – 1939.24.4, Москва)].**

3018. Қайси Жанубий Африка врачи ва микробиологи, 1922 йилдан АҚШда Йельск университети тиббиёт мактабида проф., Нобель мукофоти лауреати (1951) сариқ иситма қўзғатувчисини аниқлаган ва шу касалликка қарши одамларни эмлаш учун 2 та вакцина кашф этган? **Макс Тейлер (1899.30.1-1972.11.8) кашф этган.**

3019. Қайси рус композитори ва кимёгар олими, тиббиёт доктори (1858), проф. (1864), Россия Тиббиёт – жаррохлик академияси акад. (1877), "Баҳодирлик" (Иккинчи) симфониясини нечанчи йилда яратган? **1867 йилда яратган.**

3020. Қайси ўзбекистонлик ботаник, ЎзФА акад. (1947) Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйлаб ўтказилган 24 экспедицияда қатнашиб, учламчи давр қазилма флораси (Туркманистон ксерофити, Коратов лезофими)ни топган? **Евгений Петрович Коровин (1891.25.2-Москва – 1963.1.12) топган.**

3021. Қайси рус математити, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1929) ҳар бир тоқ сонни учта туб сон йиғиндиси шаклида ифодалашнинг асимптотик формуласини чиқарган? **Иван Матвеевич Виноградов (1891.2.9-1983) чиқарган.**

3022. Қайси собиқ Иттифоқ армияси кўмондонига маршал (1935), уч марта Қаҳрамон унвони берилган? **Семён Михайлович Будённий [1883.13(25).4-1973.26.10]га берилган.**

3023. Қайси рус табиатшуноси, Петербург ФА фахрий акад. (1904), проф. (1891 йилдан) нечанчи йилда психик жараёнларнинг физиологик асосларини очиб берган? **Иван Михайлович Сеченов [1829.1(13).8, Россия, хоз. Нижний-Новгород вилояти, Теплый стан қишлоғи – 1905.2(15).11, Москва] 1862 йилда очиб берган.**

3024. Қайси америкалик физик ва кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1948), Нобель мукофоти лауреати (1951, Э. Макмиллан билан ҳамкорликда) нечанчи йилларда плутонийни синтез қилган? **Глени Теодор Сиборг 1940 - 1941 йилларда синтез қилган.**

3025. Кашфиётда бор. Плутоний нечанчи йилларда қайси америкалик олим раҳбарлигида уранни оғир водород – дейтронлар билан нурлатиб олинган? **1940 -1941 йилларда Глени Теодор Сиборг раҳбарлигида уранни оғир водород – дейтронлар билан нурлатиб олинган.**

3026. Қайси америкалик физик нечанчи йилда уран ядроси парчаланганда занжир реакцияси ҳосил бўлиши мумкинлигини кўрсатган? **Лео Силард 1939 йилда кўрсатган.**

3027. Қайси рус гельминтологи ва паразитолог олими, собиқ Иттифоқ ФА (1935), Бутуниттифоқ хўжалик ФА (1935) ва тиббиёт ФА (1944) акад., Россия (1927), Қирғизистон ва Ўзбекистон (1962) хизмат кўрсатган фан арбоби, Меҳнат Қаҳрамони (1958) гельминтларнинг 200 дан ортиқ янги турларини топган ва 120 авлодини таърифлаб берган? **Константин Иванович Скрябин (1818.7.12, Санкт-Петербург – 1842.17.10, Москва) 200 дан ортиқ янги турларини топган ва 120 авлодини таърифлаб берган.**

3028. Қайси ота-ўғил швед физикларидан отаси, Швеция Қироллик жамияти аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1924) биринчи марта рентген нурлари диспрессиясини аниқлаган ва уни ўлчаган? **Карл Манне Георг Сигбан (1886.3.12, Эребру – 1978.24.24.9, Стокгольм) рентген нурлари диспрессиясини аниқлаган ва уни ўлчаган.**

3029. Қайси ота-ўғил швед физикларидан Швеция Қироллик жамияти аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1924) биринчи марта 1 мм да 1800 бўлимли дифракцион панжарани ясаган ва унинг ёрдамида юмшоқ рентген нурларини ўлчаган? **Карл Манне Георг Сигбан (1886.3.12, Эребру – 1978.24.24.9, Стокгольм) ўлчаган.**

3030. Қайси ота-ўғил швед физикларидан Швеция Қироллик жамияти аъзоси, Нобель мукофоти лауреати (1924) К. М. Г. Сигбаннинг ўғли, Нобель мукофоти лауреати (1981) кимёвий тадқиқ учун электрон спектроскопия усулини ишлаб чиққан? **Кай Манне (1918.20.4, Лунд) – швед физиги К. М. Г. Сигбаннинг ўғли ишлаб чиққан.**

3031. Қайси ихтирочи учқунли ҳисоблагич (счетчик)ни ихтиро қилган? **Ж. Кейфели..**

3032. Қайси физиклар ўтаўтказгичларда изотопик эффектни кашф килишган? **Э. Макевелл, К. Рейнольдс кашф килишган.**

3033. Қайси нидерландиялик физик, Нидерландия ФА аъзоси, президент (1960-1966) антиферромагнит резонансни кашф килган? **Карнелис Якоб (1907.14.8-1980.30.3) кашф килган.**

3034. Қайси немис физиги, профессор (1945 йилдан) нечанчи йилда автоэлектрон микроскопни ихтиро килган? **Эрвин Вильгельм Мюллер (1911.13.6-1977.17.5) ихтиро килган.**

3035. Қайси америкалик молекуляр биолог ва генетик, Нобель мукофоти лауреати (1978, В. Арбер ва Д. Натанс билан ҳамкорликда) хамкасблари билан биринчи бўлиб H. influenzae бактериясининг рестрикцион эндонуклеозасини соф холда ажратиб олишга муваффак бўлган, бу фермент бактерия ДНКсини маълум бир нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича таркибий кисмларга ажратган ва бу кетма-кетликни аниклаш усулини ишлаб чиккан" **Хамилтон Смит (1931.23.8).**

3036. Қайси рус олими собик Иттифок ФА акад. (1953), Мехнат Қахрамони (1953), Нобель мукофоти лауреати (1958) нечанчи йилда Черенков-Вавилов нурланиши назариясини яратган? **1937 йилда Игорь Евгеньевич Тамм (1845.26.6(8.7), Владивосток – 1971.12.4, Москва) яратган.**

3037. Қайси рус физиги собик Иттифок ФА акад. (1953), Мехнат Қахрамони (1953), Нобель мукофоти лауреати (1958) нечанчи йилда ядро зарралари ўзаро таъсирининг такрибий усулини ишлаб чиккан? **1945 йилда Игорь Евгеньевич Тамм (1845.26.6(8.7), Владивосток – 1971.12.4, Москва) ишлаб чиккан.**

3038. Қайси рус физиги собик Иттифок ФА акад. (1953), Мехнат Қахрамони (1953), Нобель мукофоти лауреати (1958) нечанчи йилда бошқариладиган термоядро реакциясини амалга оширишга ва собик Иттифокда водород бомбаши яратишнинг назарий асосини яратган (А. Д. Сахаров билан хамкорликда)? **1950 йилда Игорь Евгеньевич Тамм (1845.26.6(8,7), Владивосток – 1971.12.4, Москва) яратган.**

3039. Қайси олимлар нечанчи йилда 101-элемент – менделеевийни синтез килишган? **Г. Сиборг, А. Гиорсо, Б. Горвей, Г. Чапин, С. Томпсон 1955 йилда синтез килишган.**

3040. Қайси олимлар нечанчи йилда антинейтронни кашф килишган? **О. Корк, О. Пиччиони, У. Вензелл, Г. Лембертсон 1956 йилда кашф килишган.**

3041. Қайси рус физиги, собик Иттифок ФА акад., Нобель мукофоти лауреати ферми суюклиги назариясини нечанчи йилда кашф килган? **Л. Д. Ландау 1956 йилда кашф килган.**

3042. Қайси олимлар заиф ўзаро таъсирнинг V – A универсал назариясини хосил килишган? **М. Гелл – Ман, Р. Фейнман, Р. Маршак, Э. Сударшан, Ж. Сакураш хосил килишган.**

3043. Қайси рус олими антиферромагнетизмнинг термодинамик назариясини нечанчи йилда яратган? **И. Е. Дзялошинский 1957 йилда яратган.**

3044. Қайси физиклар лазернинг ишлаш принципини нечанчи йилда ишлаб чикишган? **Ч. Таунс ва А. Шавлов 1958 йилда ишлаб чикишган.**

3045. Қайси физик ферромагнит ўтаўтказгичларни нечанчи йилда хосил килган? **Б. Маттиас 1958 йилда хосил килган.**

3046. Қайси рус олими ³Не нинг ўтаокувчанлигини нечанчи йилда олдиндан айтган? **Л. П. Питаевский 1958 йилда олдиндан айтган.**

3047. Қайси олим суюкликларнинг структура назариясини нечанчи йилда яратган? **Ж. Бернал 1958 йилда яратган.**

3048. Ернинг радиацион кутби нечанчи йилда кашф килинган? **1958 йилда кашф килинган. Ернинг ички кутбини Ж. Ван – Аллен, ташкисини С. Н. Вернов, А. Е. Чудакон кашф килишган.**

3049. Қайси олим кристалл рубинда лазерни нечанчи йилда яратган? **Г. Мейман 1960 йилда яратган.**

3050. Қайси олимлар магнитофонон резонансини нечанчи йилда кашф килишган? **С. Шури ва Т. Лебалл кашф килишган.**

3051. Қайси олимлар гравитациянинг скаляр-тензор назариясини нечанчи йилда ишлаб чиқишган? **Р. Дикке, К. Бранс 1961 йилда ишлаб чиқишган.**

3052. Қайси физик кувватли ўтказгич магнитларни яратган? Ж. Кюнцлер 1961 йилда яратган Қайси олим кутбланган протон нишонини нечанчи йилда яратган? **А. Авраген 1962 йилда яратган.**

3053. Қайси рус олими 102-элементнинг бир катор изотопларини нечанчи йилларда синтез килган? **Г. Н. Флеров 1963-1966 йилларда синтез килган.**

3054. Қайси олим ва бошқ. ион лазерни нечанчи йилда яратишган? **У. Бриже ва бошқ. 1964 йилда яратишган.**

3055. Қайси рус олимлари акустомагнетоэлектрик эффектни нечанчи йилда кашф килишган? **А. А. Гринберг, Ю. В. Гуляев, А. П. Королюк 1964 йилда кашф килишган.**

3056. Қайси рус олими, собик Иттифок ФА акад., 6 марта Давлат мукофоти совриндори фотопьезоэлектрик эффектни нечанчи йилда кашф килган? **И. К. Кикоин 1964 йилда кашф кил ан.**

3057. Қайси олим ва бошқ фотон эха эффектини нечанчи йилда кашф килишган? **Н. Курнит ва бошқ. 1964 йилда кашф қилишган.**

3058. Қайси олим эффект назариясини нечанчи йилда яратган? Ж. Кондо 1964 йилда яратган.

3059. Қайси олимлар кимёвий лазерни нечанчи йилда яратишган? **Ж. Каспер, Ж. Пименте1 1965 йилда яратишган.**

3060. Қайси олимлар бўёғичларда лазерни нечанчи йилда яратишган? **П. Сорокин, Ж. Ланкарл 1966 йилда яратишган.**

3061. Қайси рус олимлари фотопластик эффектни нечанчи йилда кашф килишган? **Ю. А. Осипьян, И. Б. Савченко 1967 йилда кашф килишган.**

3062. Қайси олим протонли радиоактивликни нечанчи йилда хосил килган? **Ж. Черни 1970 йилда хосил килган.**

3063. Қайси рус олими 105 – элементни нечанчи йилда синтез килган? **Г. Н. Флеров 1970 йилда синтез килган.**

3064. Қайси рус олими 107 – элемент синтези хакидаги маълумотларни нечанчи йилда олган? **Г. Н. Флеров 1976 йилда олган.**

3065. Қайси инглиз кимёгари, физик ва файласуф, Лондон Қиролик жамияти аъзоси (1663) вакуум ("торричелли бўшлиги")ни нечанчи йилда хосил килган ва барометрни яратган? **Роберт Бойль (1627.25.1-1691.30.12) 1644 йилда хосил килган ва яратган.**

3066. Қайси инглиз кимёгари, физик ва файласуф, Лондон Киролик жамияти аъзоси (1663) "барометр" терминини нечанчи йилларда фанга киритган? **Роберт Бойль (1627.25.1-1691.30.12) 1662-1663 йилларда фанга киритган.**

3067. Қайси француз математиги ва физиги геометрик оптиканинг асосий принципини нечанчи йилда изохлаган? **Пьер Ферма (1601.20.VIII-1665.12.I.) 1662 йилда изохлаган.**

3068. Қайси ихтирочи буғ машинасини нечанчи йилда ихтиро килган? **Э. Сомерсет 1663 йилда ихтиро килган.**

3069. Қайси инглиз олими Лондон Қиролик жамияти аъзоси (1672), президенти (1703 йилдан) ойнали телескоп – рефлекторни нечанчи йилда конструкция хилган? **Исаак Ньютон (1643.4.I-1727.31.3) 1668 йилда конструкция килган.**

3070. Қайси даниялик физик ва математик, Копенгаген университети профессори (1657 йилдан) исланд шпати кристалларида ёруғликнинг цикланган синишини нечанчи йилда кашф килган? **Эразм Бартолин (1625.13.8-1698.4.11) 1669 йилда кашф қилган.**

3071. Қайси инглиз табиатшуноси, Лондон Қиролик жамияти аъзоси (1714), Париж ФА аъзоси. Копли медалининг 3 марта совриндори электр "ўтказгич" ва "ўтказмагич" тушунчасини нечанчи йилда фанга киритган? **Жан Теофил Дезагюльс (1683.12.3-1744.29.2) 1742 йилда фанга киритган.**

3072. Қайси математик ва физик, гапикли Бернуллилар сулоласи аъзоси. Берлин ва Париж ФА аъзоси (1748), Лондон Киролик жамияти аъзоси (1750) ва математик,

механик ва физик, Петербург (1742), Берлин, Париж ФА, Лондон Қироллик жамияти аъзоси ҳаракат миқдори моментининг сақланиш қонунини нечанчи йилда яратишган? **Даниил Бернулли (1700.8.2-1782.17.3) ва Леонард Эйлер (1707.15.4-1783.18.9) 1746 йилда яратишган.**

3073. Қайси шотланд ихтирочиси, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1785), Париж ФА аъзоси (1814) қувват бирлиги – от кучини нечанчи йилда таклиф килган? **Жеймс Уатт (1736.19.1-1819.19.8) 1770 йилда таклиф килган.**

3074. Қайси олим иссиқлик нурланиши тушунчасини нечанчи йилда фанга киритган? **К. В. Шееле 1777 йилда фанга киритган.**

3075. Қайси инглиз физиги, Эдинбург (1855), Лондон (1869) ва Қироллик жамияти аъзоси ерусликнинг электромагнит табиати ҳақидаги концепциясини нечанчи йилда илгари сурган? **Жеймс Клерк Максвелл (1831.13.6-1879.5.11) 1865 йилда илгари сурган.**

3076. Қайси швед физиги, Швеция ФА аъзоси (1784) каттик жисмларнинг иссиклик сигимини биринчи марта нечанчи йилда аниклаган? **Иоганн Карл Вильке (1732.6.9-1796.18.4) 1772 йилда аниклаган.**

Ҳар қандай ҳақиқатнинг қисмати аввалига калака бўлиб, кейин тан олиш билан якунланган.

А. Шопенгауэр

3077. Ҳамробоевит минерали нечанчи йилда топилган? **1984 йилда топилган.**

3078. ^{222}Rn изотопини нечанчи йилда кайси немис олими кашф килган? **1899 йилда Э. Дорн кашф килган.**

КАШФИЁТ ВА ИХТИРОЛАР ҲАҚИДА ОЛИМ, ЁЗУВЧИ ҲАМДА ШОИРЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ

Барча кашфиетлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир.

Эпикет

* * *

Тараккиёт тасодиф эмас, балки зарурагдир.

Г. Спенсер

* * *

Цивилизация – бу олга кетаётган инсон акли хар кадамда юзага келтираётган доимий кашфиётлар: тараккиёт сўзининг ўзи ҳам шундан келиб чиккан.

В. М. Гюго

* * *

Фан ва тараккиёт одимларнинг мехнати ва улар яратган кашфиётларнинг киммати билан белгиланади.

Л. Пастер

* * *

Тараккиётни рад этмоклик худди оғирлик кучини рад этиш каби бемаъниликдир.

Н. Г. Чернышевский

* * *

Чексизликка интилишсиз ҳаёт хам, ўсиш хам, тараккиёт ҳам йўк.

В. Г. Белинский

* * *

Хар бир янгиликда гарчанд тараккиётнинг ўзи бўлмаса-да, тараккиётга интилиш акс этади.

В. Г. Белинский

* * *

Фан тараккиёти учун хар бир муайян даврда одамларнинг умуман фикрлашларигина эмас, балки улар ўз фикрларини иоёнсиз ижод майдонининг ўша пайтда доирарб ҳисобланган кисмларига жамлашлари хам талаб этилади.

Ж. К. Максвелл

* * *

Фан - куч, у моддий нарсаларнинг муносабатларини, уларнинг конуниятлари ва ўзаро ҳаракатларини очиб беради.

А. И. Герцен

* * *

Фан ватанинг энг юксак киёфаси бўлмоғи зарур. Зотан, барча халқлар ичида фикр ва ақлий фаолият соҳасида бошқалардан ўзиб кетган халққина биринчи ўринни олади.

Л. Пастер

***

Фаннинг иши дастурлик, фанлар фароғатга эришиш воситасидирлар.

Д. И. Менделеев

***

Ҳамма фанларнинг ҳақиқий ва қонуний мақсади инсон ҳаётини янги ихтиролар ва бойликлар билан тўлдира боришдан иборатдир.

Ф. Бэкон

* * *

Фан инсон ҳаётидаги энг муҳим, энг ажойиб ва зарур нарсадир.

А. П. Чехов

* * *

Фанда одамзоднинг тажриба ва тафаккур самаралари асралади.

Н. Г. Чернышевский

* * *

Фан тараққиёти, эҳтимол миллатнинг моддий жиҳатдан гуллаб-яшнашидан ҳам кўра, унинг ахлоқий ривожи учун кўпроқ зарурдир. Фан интеллектуал ва ахлоқий сатҳни оширади, фан буюк ғояларнинг тарқалиши ва танганасига шароит яратади.

Л. Пастер

* * *

Агар фан ва санъат бўлмаганда, инсон ва инсон ҳаёти ҳам бўлмас эди.

Л. Н. Толстой

* * *

Табиат фанлари биз учун бутун дунёни тафаккур қуёшига юзма-юз бурилишга қодир бўлган Архимеднинг ягона ўша таянч нуқтасидир.

М. Горький

* * *

Инсоният ҳаётини енгиллаштирувчи ва унинг кайғу-аламларини камайтирувчи ҳар қандай тараққиётнинг асоси фандир.

М. Склодовская - Кюри

* * *

Ҳар қанча хатоларидан қатъи назар, фан ҳаётда энг яхши, мустаҳкам ва энг нурли таянчдир.

К. А. Тимирязев

* * *

Фан халққа сув-ҳаводек зарур. Уни тараққий эттирмаган мамлакат, шубҳасиз, мустамлакага айланади.

Ф. Жолио - Кюри

* * *

Фан одамзод тўплаган мисли сиз билимлар хазинасидир.

Н. К. Крупская

* * *

Фан холис хизмат қилганларга ажойиб истиқболлар очади.

Ф. Жолио-Кюри

***

Фан ер курраси да тарқоқ яшайдиган одамларнинг фикрини жипслаштирувчи асосий элементдир ва бу унинг юксак мақсадларидан биридир. Менинг назаримда, инсон фаолиятида кишилар орасидаги иттифоқ бу қалар очик-ойдин кўриниб турган бошқа бирорта ҳам соҳа бўлмаса керак.

Ф. Жолио-Кюри

* * *

Қаердаки фан юксакда, унда юксак инсон ҳам.

А. Н. Полевгаев

* * *

Фан рухи ҳокимлик қилган жойда оғир қарға билан ҳам улкан ишлар қилиф этилади.

Н. И. Пирогов

* * *

Фан, бу тартибга солинган билимлардир

Г. Спенсер

* * *

Фан – тафаккурнинг дунедаги биз билган ҳамма ҳодисаларни маълум услуб воситасида бир ерга жамлаш йўлида кўп асрлик хормай-толмай килган мехнатидир

А. Эйнштейн

* * *

Фан борликнинг инъикосидан бошка нарса эмас

Ф. Бэкон

* * *

Савол аломати хар кандай фаннинг калитидир

О. Бальзак

* * *

Табиат инсонни зулмат билан ўраган ва уни доимо ёруғликка интилишга мажбур этади

И. Гете

* * *

Фан инсон рухини жасоратга даъват этишнинг энг кулай йўлидир.

Ж. Бруно

* * *

Инсон ўз табиатидаги номукаммалликни фан ердамида тузатишга кодир

И. И. Мечников

* * *

Фандан кўра, бакувватроқ ва голибона куч йўк

М. Горький

***

Менинг имоним – инсониятга бахтни фан тараккиёти ато этишга ишонишимдадир

И. П. Павлов

***

Ер юзида мехнат ва фандан юксакрок ҳеч кандай куч йўк

М. Горький

* * *

Бизнинг биринчи навбатдаги бош вазифамиз истикболли фанни тараккий эттиришдир. Иккинчи бош вазифамиз эса

ўша истикболли фан амалиетга, хатта нима бераетганини имкон борича кўра билиш ва фан ютукларини амалда татбик этиш хакида тавсияномалар ва таклифлар киритишдан иборатдир.

М. В. Кельдиш

* * *

Фаннинг солиштирма огирлиги давлат бюджети бўйича ажратилаетган маблағлар, илмий тадкикот институтларининг сони билангина эмас, даставвал, фан арбобларининг билим доираси уларнинг илмий парвози кай даражада юксаклиги билан белгиланади

С. И. Вавилов

* * *

Фан бирор чўккини забт этгач, ундан яна янги чўккилар сари кенг истикбол очилади, фан яна олга юриши, учун янги йўллар очилади.

С. В. Вавилов

* * *

Ранг – баранг кашфиётлари билан борликни забт этувчи, инсон фаолиятини ўн карра ошириш учун унга канот берувчи фан асримизнинг буюк кўшиғидир

З. Зоя

* * *

Фаннинг буюклиги ва афзаллиги одамлар мехнати самарадорлигини ошириш ва зехнининг табиий кувватини кучайтириш йўли билан уларга келтирадиган миелсиз фойдасида мужассамлашгандир.

Д. И. Писарев

* * *

Фан соф тафаккур сохаси эмас, у доимо амалиётга жорий этиладиган ва доимо амалиетдан куч оладиган тафаккур сохасидир. Шу боисдан ҳам фан техникадан ажратилган ҳолда ўрганилиши мумкин эмас.

Ж. Бернал

* * *

Фан чексизликни ўрганишга интилар экан, ўзининг ҳам ҳадчегараси йўк ва жахон микёсида таркалгани учун чинакам халкчиллик касб этади

Д. И. Менделеев

* * *

Одамлар моддани аста-секин ўрганиб, унга эга бўладилар, унга тобора аниқроқ фаразларни инсоят берадилар ва буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб беради, ўз эҳтиежлари учун ундан кенгроқ ва кўпроқ фойдалана бошлайдилар. Шунинг учун маълум бир жойда билимга ва моддага эга бўла бошлашига чегара кўйиш ўринсиздир.

Д. И. Менделеев

* * *

Билим тугал, кристалл ҳолга келган ўлик нарса эмас, у абадий яратилади, абадий ҳаракатда бўлади.

Л. Н. Пржишников

* * *

Фан тугал бир китоб бўлмаган ва ҳеч качон бўлмайди ҳам. Ҳар бир муҳим ютуқ янги саволларни тугдиради. Ҳар қандай тараққиёт вакт ўтиши билан янгидан-янги ва янада чукуррок қийинчиликларни юзага келтиради.

А. Эйнштейн

* * *

Фан методикада эришилган ютуқлар билан боғлиқ равишда сакраб-сакраб харакатланади. Методиканинг ҳар бир олга ташланган қадами туфайли биз бир погона юқорига кўтариламиз ва олдимизда бизга илгари кўринмаган нарсалари билан янада кенгроқ уфқ намоён бўлади.

И. П. Павлов

* * *

Жамоа ҳаракат қилиш туйғусининг пайдо бўлиши биз, эҳтимол, инсоннинг бошқа барча фаолиятига қараганда ҳам фан олдида кўпроқ қарздордирмиз.

Ф. Жолио-Кюри

* * *

Ҳар қандай илмий меҳнат, ҳар қандай кашфиёт, ҳар қандай ихтиро умум меҳнатидир.

А. Эйнштейн

* * *

Фан жамоавий ижоддир ва бошқа бирон нарса бўлиши мумкин эмас, у асрлар давомида қурилаётган улуғ бир иморатга ўхшайди, бу ерга ҳар бир одам биттадан гишт олиб ке-

лади-ю, аммо шу ғиштни келтиришга кўпинча унинг бутун умри кетади.

А. Пуанкаре

* * *

Фан жамиятда одамнинг меҳнатини енгиллатишга, ҳаёт шароитини ва инсоннинг ўзини яхшилашга ҳаракат қилади.

А. Н. Бах

* * *

Инсоният ўзининг энг ширин орзуларини амалга оширсагина олга силжийди.

К. А. Тимирязев

* * *

Олим биринчи навбатда ижодий хаёл суриш кобилиятига эга бўлмоғи керак, хаёл худди санъатдаги каби фанда ҳам гоят муҳим роль ўйнайди.

А. Е. Ферсман

* * *

Хакиқий олим хаёлпарастдир, кимки хаёлпараст бўлмаса, у ўзини амалиётчи деб атайди.

О. Бальзак

* * *

Хаёл сурмайдиган олим оёқда юралиган яхшигина кутубхонага ва тирик изоҳномага ўхшайди, у ўзлаштиради-ю, лекин ўзи яратмайди.

Ф. Ю. Левинсон – Лессинг

* * *

Олимлар ҳам худди рассомлардек хаёлпараст одамлар; улар ўз гояларидан устун турмайдилар, улар фақат фикрлари етган, туйғуларини жалб этган нарса устидагина яхши ишлашлари, узок ишлашлари мумкин. Уларда гоялар алмашиниб туради, мутлако кутилмаган, кўпинча ақл бовар килмайдиган фикрлар ҳам келади мияларига, у фикрлар кўмилиб, чарх уриб, чатишиб кетади, яраклайди. Олимлар ана шундай ғоялар ичида яшайдилар ва шу ғоялар учун ишлайдилар.

В. И. Вернадский

* * *

Фаннинг канотларига хаёл туташган бўлса, у ютади.

М. Фарадей

* * *

Орзу –инсон бахти ижодкори учун худди билим ёки гоя сингари керакли куролдир.

Л. М. Леонов

* * *

Орзусиз одамнинг ақлини хеч нарса охиригача кўзғатолмайди.

Г. Тейлор

* * *

Ақл ва хаёл билимларимизга бир хилда зарур ва фанда улар тенг ҳукукка эга.

Ю. Либих

* * *

Ҳаётимизда, фан ва санъатда нимаики юксак ва гўзал нарса бўлса, жами хаёл ёрдамида ақл билан ва кўп нарсалар эса ақл ёрдамида хаёл билан яратилган. Далил айтиш мумкинки, Коперник хам, Ньютон хам, Лобачевский хам, Эйнштейн хам фанда эришган ютукларини хаёлсиз сира кўлга кирита олмаган бўлар эдилар.

Н. И. Пирогов

***

Одамлар иродаси ва тафаккури ҳақиқатга айлантирмайдиган хаёл йўк.

М. Горький

* * *

Хаёлнинг поёни йўк, тафаккур кира олмаган жой йўк, табиатни енгувчи техника кудратининг чеки йўк.

А. Е. Ферсман

* * *

Хаёл билимдан мухимрок.

А. Эйнштейн

* * *

Орзу реалликдан кудратли. Орзунинг ўзи олий реаллик экан, бошкача бўлиши мумкинми ахир! У борликнинг калби.

А. Франс

* * *

Гоя фактдан юкори туради.

О. Бальзак

* * *

Тасаввур – бу қалб кўзи.

Ж. Жубер

* * *

Ҳозир исбот этилган нарса илгари фақат тасаввурда мавжуд эди.

У. Блейк

* * *

Биз ҳозир физикадан аниқ биладиган нарсалар илгарилари тахмин қилинган эди, агар, ҳатто янглиш бўлса ҳам бундай тахминларга сира йўл қўйилмаганда эди, унда биз бирорта ҳақиқатнинг очолмаган бўлур эдик.

Э. Эйлер

* * *

Қанчадан – қанча ишлар рўёбга чиқарилмагунча мумкин бўлмаган нарсалар, деб ҳисобланган эди.

Катта Плиний

* * *

Янги ҳақиқатнинг тақдири шундайки, дастлабки пайтда у ҳар доим бидъатга ўхшаб туюлади.

Т. Гексли

* * *

Кўпгина буюк ҳақиқатлар аввалига масхараланган.

Б. Шоу

* * *

Тараккиётга карши эътирозлар хамиша ахлоксизликда айбланга бориб такалган.

Б. Шоу

***

Ҳар қандай ҳақиқатнинг қисмати аввалига калака бўлиб, кейин тан олиш билан якунланган.

А. Швейцер

* * *

Ҳар қандай таълимот уч босқичдан ўтади: аввал уни ақлга сиғмайди деб эълон қилиб, унга хуруж киладилар, кейин, афтидан, оз бўлса-да, маълум даражада ҳақиқатга ўхшайди, деб хулоса чиқарилади. Ниҳоят, унинг гоят мухимлигини тан олдилар, сўнгра "мен очдим" деб талашадилар.

У. Жеймс

* * *

Фан хакикатлари хар доим ғайритабиий бўлиб кўринади.

А. Эйнштейн

* * *

Инсоният тараккиётида янги давр очган, ўз асарига шон-шухрат келтирган буюк фикрлар, кашфиетлар, ихтиролар ва ғояларни калтабинлик, ахмоклик ва ишончсизлик хамиша утопия деб атаган.

Ж. Жирарден

* * *

Утопиялар кўпинча вактидан анчалрок айтиб кўйилган хакикатлар бўлиб чикади

А. Ламартин

* * *

Лойика – келажакнинг хомаки режаси. Баъзи холларда келажак юзлаб хомаки режаларни талаб килади

Ж. Ревар

* * *

Илмий ғоялар дунёсида хам худди хаётнинг ўзидаги каби тараккиёт ва хакикат дарров ғалаба козонавермайди, бунинг учун курашиш, барча кучларни сафарбар этиш, тўхтовсиз мақсадга интилиш ва шижоат кўрсатиш, ўзининг ҳаклигига ва ғалабага каттик ишонч зарурдир.

А. Е. Ферсман

* * *

Биз айни илмий тафаккур жабхасида дадилликдан чўчимаслигимиз керак: факат биз доим дадилликнинг журъат экаплигини билиб, уни реаллик, факт тарзида қабул килмаслигимиз лозим.

А. Е. Ферсман

* * *

Агар таваккалчилик бўлмаганда, тараккиёт хам бўлмас эди

В. В. Вересаев

* * *

Одатда, кўп билганлар эмас, оз билганлар фан у ёки бу масалани хеч качон хал этолмайди, деб қатъий таъкидлашлари мумкин.

Ч. Дарвин

***

Кўлдан келадиганга эришмоклик учун кўлдан келмайдиганга хам уринишни унутма

А. Г. Рубинштейн

* * *

Тараккиёт фақат жасорат туфайлигина рўй беради

В. Гюго

* * *

Тасаввурсиз одам телескопсиз обсерваториянинг ўзгинаси

Г. Бичер

* * *

Фандаги хар бир мисленя муваффакиятнинг манбаи хаёлимизнинг буюк дадиллигидадир

Ж. Дьюи

* * *

Теран хаёл вокеликни юзага келтиради.

М. Монтень

* * *

Билим хамиша фаразлардан бошланади

А. Гумбольдт

* * *

Кашфиетлар тасодифан рўёбга чикиши хам мумкин, бунда истаган киши бошка кишини ёки – кексани, жўнгина одам – донишмандни ўхшатиб кўйиши мумкин

У. Гарвей

* * *

Одам тушунишининг ложи йўк нарсани хам тушуниш мумкинлигига ишонмоғи керак, акс холда, у хакда бошкотирмаган бўлур эди.

И. Гете

* * *

Хар нарсада бошка хеч бир киши кўрмаганни кўришга, бошка хеч бир кишн бош котирмаган холатни топишга интилмок лозим

Г. Лихтенберг

* * *

Кўпчилик эътироф этган ва барча алпакачонлар хал этилган, дея хисоблаб юрган фикрлар хаммадан кўра, кўпрок тадкик этишга лойикдир

Г. Лихтенберг

* * *

Инсоният тараққиётининг чегараси йўқ ва башарият ҳеч қачон ўзига : "Тўхта, бас, бошқа борадиган манзил йўқ!" – демайди. Модомики, ҳозиргача инсоният кўп нарсаларга эришган экан, бу якин вақт ичида у яна ҳам кўпрок нарсаларга эришмоғи зарур деган гапдир.

В. Г. Белинский

* * *

Синчковлигимизнинг нихояси йўк, - идрокнинг кашоатлана бошлаши унинг чекланганлиги ёхуд тошикканлигининг аломатидир.

М. Монтень

* * *

Инсон ақлига чек йўк. У бир ерда тўхташи ҳам, ҳатиржамликни ҳам билмайдими, тобора олға интилаверади.

Ф. Бэкон

* * *

Тараққиётимиз эндигина бошланяпти ва биз ҳар канча тасаввур этиб кўрганимизда ҳам, у бизнинг табиат устидан ҳукмронлигимизни кай даражага етказишини билиш кўлимиздан келмайди.

Н. Г. Чернышевский

* * *

Вокелик деярли ҳамма вакт башоратчилар тасаввуридан ўзиб кетади.

К. Э. Циолковский

* * *

Фан поғонама-поғона юксалмокда, одамларнинг билим доираси кенгаймокда, эҳтиёжлар ўсмокда ва куни кеча мўъжиза туюлган нарса бугун оддий вокеа бўлиб колмокда.

В. А. Обручев

* * *

Илмий идрок ва башорат чегараларини айтиб бериб бўлмайди.

Д. И. Менделеев

* * *

Фан олға силжиган сайин бегўхтов янгиланиб боради.

В. Гюго

* * *

Илмий ходимнинг энг мухим фазилати меҳнатсеварлик. Одатда, тажриба зўр гайрат-шижоат талаб этадиган қайта-қайта текширувларни такозо этади.

К. Н. Скрябин

* * *

Меҳнатсиз чинакам буюклик бўлиши мумкин эмас.

И. Гёте

* * *

Фан сархадлари саробга ўхшайди: уларга канча якинлашса, улар шунча узоклашаверади.

П. Буаст

* * *

Аввалари фаннинг чегараси бўлган жой, бугун унинг кок марказидир.

Г. Лихтенберг

* * *

Илмий кашфиетлар ҳар жиҳатдан мукаммал ва тайёр ҳолда бўлмайди. Айрим буюк шахслар заковатидан нур олган илмий ижод жараени айни пайтда умуминсоний тараққиётнинг аста-секин силжийдиган асрий жараёни хамдир.

В. И. Вернадский

* * *

Илмий кашфиётларнинг бирданига рўёбга чикиши камдан кам бўлади. Одатда, ўша топилган нарсани ҳакикатлигини ишонтиришга ҳам улгурмайдилар; бу кашфиётлар кўпчиликнинг мехнати ва шу вақтгача тўпланган барча маълумотларнинг жамулжами сифатидагина юзага келганини унутмаслик керак.

Д. И. Менделеев

* * *

Биринчи бўлиб, сўзсиз фикр, хаёл, эртак йўлга чикади. Уларнинг ортидан илмий таҳлил ва пировард натижада, фикрни амалиёт якунлайди.

К. Э. Циолковский

* * *

Пишиб етилган ва замон такозо этган фикрлар бир-биридан мустасно тарзда бир йўла юзларча мияларда туғилиши ҳам мумкин.

И. Гёте

* * *

Илмий фаразлар ҳамиша шу фаразларни туғдирган далиллар доирасидан чиқиб кетади.

В. И. Вернадский

* * *

Ғоя ўрнини ақл ва тасаввур кучи эгаллаган фаразлар ҳам бор.

И. Гёте

* * *

Бирор-бир фан ўрнидан силжиши, унинг ривожи янада мукаммал бўлиши учун фаразлар ҳам худди тажриба ва кузатишлардан олинган натижалар синтари зарурдир.

И. Гёте

* * *

Тафаккурни йўналтирувчи фаразлар бартараф этилмайдек бўлса, фан курук фактлар йиғиндисига айланиб қолган бўлур эди.

К. А. Тимирязев

***

Фаразлар бино олдига тикланган уй битгач, олиб ташланадиган ҳавозалардир, улар биноларнинг учун керак, фақат биноларнинг ҳавозаларни бино деб ўйламаслиги зарур.

И. Гёте

* * *

Фаразлар қанчалик даргумон бўлмасин, агар мавжуд ҳодисаларни уйғунлаштириш ва янгиларни олдиндан айтиб бера олиш имконини туғдирса, улар фойдалидир. Электр қуввати, атомнинг тузилиши ҳақидаги фаразлар шулар жумласидандир.

К. Э. Циолковский

* * *

Деҳқон омочи экин етиштиришни осонлаштиргани каби, фаразлар ҳам илмий ишни енгиллаштиради ва тўғри йўлга солади.

Д. И. Менделеев

* * *

Ҳеч нарсага эътиқод қўймагандан кўра, кези келиб нотўғри бўлиб чиқадиган фаразга эргашган ҳам маъқул.

Д. И. Менделеев

* * *

Жами фаразлардан тадқиқ қилинаётган нарсалар тўғрисидаги кейинги фикрни узиб қўймайдиганини танланг.

Ж. К. Максвелл

* * *

Дадил фикрлар ўйин арафасидаги шашка доначаларига ўхшайди; улар ўзлари қурбон бўлиб, ғалабани таъминлайди.

И. Гёте

* * *

Журналист фаразларни қоралашга шошилмаслиги керак. Буюк кишилар топиб улгурган энг муҳим ҳақиқатларни очишнинг ягона йўли фаразлардир.

М. В. Ломоносов

* * *

Буюк кашфиётлар, илмий тафаккур жабҳасидаги олға силкишлар чинакам ижодий метод, интуиция йўли билан яратилади.

Л. Бройль

* * *

Фан йўлида қилинадиган хизматларнинг энг буюги унга янги ғояларни киритишдир.

Ж. Томсон

* * *

Янги ғояларни қўллаб-қувватлаш керак. Ҳамма ҳам бундай журъатга эга бўлавермайди, аммо бу одамларнинг энг қимматли фазилатидир.

К. Э. Циолковский

* * *

Илмий фантастика, сирасини айтганда, фан ва техникага юклатилган дадил топшириқдир.

К. А. Федин

* * *

Дунёда енгиб бўлмайдиган тўсиқ йўқ.

А. В. Суворов

***

Одамлар эришса олмайдиган ҳеч нима йўқ.

Гораций

* * *

Ер одамларни ер қаърида яширинib ётган қувватлардан фойдаланишга ўргатади. У инсонни сано сирлари томон етакламоғи ва қуёш нурлари қувватини жиловлашга ўргатмоғи лозим.

Н. А. Умов

* * *

Бугун имконсиз бўлган нарса эртага ўз ечимини топади.

К. Э. Циолковский

* * *

Ҳозир билмасак – билмабмиз, шубҳасиз, билиб оламиз. Ибтидоий одам бугунги нарсаларнинг кўпини билмас эди. Фақат ўта ибтидоий онгсиз одамгина фақат ўз билганларини умуман билиш мумкин бўлган нарса, деб ўйлар эди.

К. Э. Циолковский

* * *

Одамлар қуёш системасига кириб, худди ўз уйларидек хўжайинлик қиладилар: хилқат сирлари очилар эдими? Мутлақо! Бирор-бир майда тош ёки чиғаноқни кўздан кечириш билан океан сирлари очилиб қолмайди-ку, ахир.

К. Э. Циолковский

* * *

Вақти келиб фан хаёллан ўзиб кетади.

Жюль Верн

* * *

Мен нимани ёзмай, нимаики тўқимай – улар барибир мавжуд имкониятлардан доимо паст туради. Шундай вақтлар келадики, фан юксакларни тасаввур кучини ортда қолдириб кетади.

Жюль Верн

* * *

Орзунинг воқеликдан устун томони бор. Воқеликнинг айрим жиҳатлари орзудан устун. Унисиз ҳам, бунисиз ҳам уйғунлашиб кетганда, чинакам бахт шундан иборат бўлур эди.

Л. Н. Толстой

***

Зўр тасаввур буюк билимни тақозо этади.

А. С. Пушкин

* * *

Тасодифий кашфиётларни фақат ақли баркамолларгина очади.

Б. Паскаль

* * *

Ҳадсиз имкониятлар ҳаммага ҳам рўбарў бўлади-ю, бироқ кўплар унга дуч келганларини ҳатто билмай қоладилар.

У. Уэннинг

* * *

Мен шундай фантазияга, аниқ билимларга асосланган орзуни амалда кўллашга даъват этаман.

И. П. Бардин

* * *

Тараққиёт ақлий камолотга тақнади; унинг туб моҳияти тўғридан-тўғри билимларнинг муваффақияти ва равнақидан иборатдир.

Н. Г. Чернышевский

* * *

Билимлар орта бориши билан тасаввур кучи ҳам зўрая боради.

К. Г. Паустовский

* * *

Кимнингки тасаввури бору билими бўлмаса, у қанотли, аммо оёқсиздир.

Ж. Жубер

* * *

Тасаввурнинг ўрнини боса оладиган биринчи нарса-тажриба.

Ж. Бержес

* * *

Фан табиатни такомиллаштиради, аммо ўзи ҳам тажриба негизида такомиллашади. Зеро, туғма истеъдодлар ёввойи ўсимликларга ўхшаб, илмий парваришга мухтождир, айни пайтда тажриба билан ойдинлаштириб турилмаса, илмнинг ўзи ҳаддан ташқари умумий дастур беради.

Ф. Бэкон

* * *

Фақат тасаввурда туғилган минглаб мулоҳазадан кўра, мен биргина тажрибани афзал кўраман.

М. В. Ломоносов

* * *

Барча тажрибалар умид ва синчковлик чангалида пишиб етилади.

О. Балзак

***

Тасаввур қанотида парвоз қилиш қанчалар жозибали бўлмасин, ҳамиша синовдан ўтган фактлар шиппагида, вазмин кўрғошин тагли шиппакда юришни афзал кўрган маъқул.

Ж. Фабр

* * *

Фактларнинг аҳамиятини камситмайлик. Қонунлар унда ҳақиқат чечаги гул очади.

Т. Х. Гарф

***

Ҳаётнинг мангу муаллими – тажриба.

И. Гёте

* * *

Мавжуд назариялар қолипига тушмайдиган фактлар, айниқса, фан учун қимматлидир, фаннинг янги келгусидаги ривожи, асосан, ўша фактларни тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлади.

А. М. Бутлеров

* * *

Бугун майда, аҳамиятсиз туюлган фактлар янги кашфиётлар туфайли эртага фаннинг сезиларли янги тармоғига асос бўлиши мумкин.

А. М. Бутлеров

* * *

Кичкинагина бир факт амалга ошмаган канча-канча орзуларни оқлайди.

Р. Эмерсон

* * *

Тажриба ва кузатиш – донишмандликнинг туганмас булоғи ва ундан истаган одам баҳраманд бўлиши мумкин.

У. Гошиг

* * *

Ҳар қандай аниқликнинг асоси ҳисобланмиш тажриба негизида тутилмаган билим бесамара ва гирт хатодир.

Леонардо да Винчи

* * *

Ҳар қандай фаннинг манбаи – тажриба. Ҳар қандай тажриба, энг аввало, фикрдан иборат бўлиб, у тажриба орқали туйғуларга ҳам ўтади.

В. Либих

* * *

Тажриба – йўлингдаги нурафшон шамчироқ.

У. Филлипс

* * *

Фақат тажрибагина бизни ҳаёт неъматларини қадрлашга ўргатади.

И. Гёте

***

Ҳақиқий билимнинг манбаи – фикрларда.

И. Буаст

* * *

Фан ҳам бир хил ҳаво-фактлар кислороди билан нафас олади. Янги тадқиқот услублари бамисоли шундай бир дарахтки, у фан иқлимини ноёник хулосалар карбонат ангидридидан тозалайди ҳамда уни янги кашф этилган, кузатилган ва англанган ҳодисалар кислороди билан бойитади.

В. В. Парин

***

Ҳеч қандай "агар-магар"га ўрин йўқ. Ишончга сазовор аниқ далилларингизга қайд эт. Улар ўрганиб чиқилган, пишиқ негизга асосланган мақбул хулосаларга кўч.

Ж. Жабр

* * *

Менга таянч нуқтасини беринглар, ерни ўрнидан силжитай.

Архимед

* * *

Фактлар инсон тажрибасини бунёд этган гиштлардир, улар сизнинг ижод қуролингиздир.

В. А. Обручев

* * *

Биз мулоҳазаларни эмас, фактларни англашга интилмоғимиз ва аксинча фикрларимиз силсиласидан бу фактларга ўрин топиб бермоғимиз лозим.

Г. Лихтенберг

* * *

Фанда ғояларни изламок керак. Ғоясиз фан бўлиши мумкин эмас. Фактларни билишнинг қиммати, асосан, шундаки, уларда ғоялар яширинган бўлади. Ғоясиз фактлар мия ва хотиранинг булғанишидир.

В. Г. Белинский

* * *

Фактлардан маъно чикара билмок лозим.

М. Горький

* * *

Ҳамма фактлар ҳам ёзиб олишга арзирли бўлавермайди.

Ф. Вольтер

* * *

Илмий ишни доимий тажрибалар ва аник натижалар воситасида тўғри олиб бормоклик учун бардошли махорат керак.

Ж. К. Максвелл

* * *

Режасиз одам маълум фактлар кўчасида ҳам осонгина адашади.

Д. И. Менделеев

***

Энг жиддий эҳтиёж, бу ҳакикатни билиш эҳтиежидир.

Гёте

* * *

Ҳакикат – тафаккур куёши.

Л. Вовенарг

***

Ҳакикатни ўргана туриб, уч максадни кўзда тутиш мумкин: уни излаб топишимиз; топгандан сўнг исботлашимиз, пихоят, ҳакикатни изохлаётганда уни сохталикдан айира билишимиз даркор.

Б. Паскаль

* * *

Ҳакикат излаш шод – хуррамлик билан эмас, ҳаяжон ва ташвишлар билан кечади, аммо шунда ҳам барибир уни излаш керакки, ҳакикатни топмасанг, уни севмасанг, халок бўлдим деявер.

Р. Декарт

* * *

Ўз навбатида окибатни келтириб чикарган чинакам сабабгина олий ҳакикатлик фазилатига эга.

Аристу

* * *

Кўпчилик овоз исботланиши кийин ҳакикатларни эътироф этишда хали узил-кесил далил бўла олмайди, чунки бундай ҳакикатларга бутун бир халқдан кўра, айрим одамлар луч келадилар.

Р. Декарт

* * *

Мулоҳазаларнинг номукаммаллиги аклий мехнатнинг нсталган жабҳасида энг кўп учрайдиган нуксондир.

М. Фарадей

* * *

Тажриба синовига бардош берган нарса – ҳакикат бўлади.

А. Эйнштейн

* * *

Сўзлар тизмасида нутк, ранглар йиғиндисидан муайян киёфалар туғилгани сингари, бир-бири билан ўзаро боғланган жуда кўп фактларни билишдан том маънодаги юксак билим пайдо бўлади.

А. М. Бутлеров

* * *

Тажрибада синалмаган назария ўзининг бутун мақбуллигига қарамай, аҳамиятини йўқотади, тан олинмайди, назария ўлчовига тавнмаган амалиет эса кутказади ва зиён келтиради.

Д. И. Менделеев

* * *

Бир одам бирор фойдали ҳакиқтни очгунча, юзларча одам омадсиз изланишлар ва аянчли янглишишлар билан ўз умрини ҳазон килмоғи керак.

Л. И. Писарев

* * *

Минг хил йўл билан янглишиш мумкин, ҳакикатга эса фақат битта йўл олиб боради.

Ж. Ж. Руссо

* * *

Ҳақиқатдан кўра хатони топиш осон. Хато кўриниб туради, уни дарров пайқайсан, ҳақиқат эса пинҳона яширинган бўлади ва уни ҳар ким ҳам топавермайди.

И. Гёте

* * *

Ҳақиқат машъали кўпинча уни кўтариб кетаётган одамнинг қўлини куйдиради.

Г. Бичер

* * *

Дунёда ҳеч нимага ҳақиқатчилик машаққат билан эришилмайди.

В. Ирвинг

* * *

Ақл ҳар гал ҳақиқатни изоҳлай олган вақтида кичик бир ғалабани қўлга киритади.

Ж. Сантаяна

* * *

Ҳақиқатни севиш уни топишнинг энг қулай шартидир.

К. Гельвеций

* * *

Ростгўй қалб – ҳақиқатнинг ўткир қуроли.

Ж. Ж. Руссо

* * *

Донишмандлик фақат ҳақиқатдадир.

И. Гёте

* * *

Ҳақиқатга кўрсатиладиган энг катта лутфу карам - унга амал қилиш.

Р. Э. Эмерсон

* * *

Ҳақиқатга эҳтиром – мутафаккирликнинг бошланиши.

А. И. Герцен

* * *

Ақл кучи ҳеч қачон тинчим билмайди, ҳеч қачон муайян ҳақиқатлар билан тўхталиб қолмайди, балки ҳамиша олға, номаълум ҳақиқатлар сари илгарилайди.

Ж. Бруно

* * *

Ҳақиқатга интилиш мардларга хос бирдан-бир фазилатдир.

Ж. Бруно

* * *

Ҳақиқат – билиш қуроли ва ўткинчи ҳақиқатга "абадийлик" ерлигини бермаслик – билиш қуролини ижодий ғаоккурнинг кишанига айлантириш демак.

М. Горький

***

Ҳар қандай ҳақиқат ҳам уни нотўғри деб ҳисобланган вақтдаги чексизлик билан уни эскирди дейилган вақтдаги чексизлик ўртасида бир лаҳза тантана қилади.

А. Пуанкаре

* * *

Кўплар ҳақиқат излаб, уни топмасликларининг сабаби эҳтимол шу билан изоҳланадики, ҳақиқат сари босилган йўл ҳам худди нўғой даштларидаги бир манзилдан иккинчисига олиб кетувчи йўллар сингари кенг ва ниҳоясиздир.

Г. К. Лихтенберг

* * *

Ҳақиқатни тадқиқ этувчининг асосий бурчи – ўнгга ҳам, сўлга ҳам талтаймай, тўппа-тўғри унга интилиш эмасми ахир?

И. Ньютон

* * *

Ҳақиқат нима? Мулоҳазаларимизнинг табиатдаги нарсаларга мувофиқ келиши.

Д. Дидро

* * *

Табиат – фаннинг энг мушкул муаммоларини ечишда энг мақбул ва энг холис муаллимдир.

В. В. Докучаев

* * *

Ҳақиқатни, унинг ягона манбаи – воқеликдан қандай топишни фақат фан ўргатади.

К. А. Тимирязев

* * *

Ҳақиқатнинг мезони тажрибадир.

Т. Кампанелла

* * *

Ҳар бир табиий фанда математика қай даражада мужассам бўлса, унда шу даражада ҳақиқат ҳам мавжуд.

